Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

**Маматов С. А., Салоҳиддинов А. Т., Юсупов Ғ. У.,
Холмирзаева М.И.**

# АТРОФ МУХИТГА БЎЛАДИГАН ТАЪСИРНИ БАҲОЛАШ

**ТОШКЕНТ-2010 й**

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

**Маматов С. А., Салоҳиддинов А. Т., Юсупов Ғ. У., Холмирзаева М.И.**

# АТРОФ МУХИТГА БЎЛАДИГАН ТАЪСИРНИ БАҲОЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмаларини фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан 5850300 “Экология ва атроф мухит мухофазаси” бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилган

**ТОШКЕНТ-2010 й**

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Ўқув қўлланмаси 5850300 “Экология ва атроф мухит мухофазаси” бакалавриат йўналиши талабаларига “Атроф мухитга бўладиган таъсирни баҳолаш” фанини ўқитишнинг амалдаги дастурига мос ҳолда тайёрланган.

Ўқув қўлланмасида атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг асосий тушунча ва тамойиллари, асосий элементлари, жараёнининг босқичлари, таъсирларни кўламини башорат қилиш ва баҳолаш, таъсирларни баҳолашни ҳужжатлаштириш ва ҳужжатлар сифатини назорат қилиш, таъсирларни баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш, таъсирларни баҳолашнинг лойиҳадан кейинги босқичлари, қишлоқ ва сув хўжалиги фаолияти натижасида атроф-муҳитга бўладиган таъсирлар ва уларни камайтириш йўллари хамда бошқа мазкур фанга тегишли йўналишлар бўйича маълумотлар ва уларни ўргатиш услублари ёритилган.

Ўқув қўлланмаси олий ўқув юртлари талабалари ва соха мутахассислари учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

1. ЎзР Фанлар Академияси “Сув муаммолари” илмий тадқиқот институти лаборатория мудири, профессор Чембарисов И.Ч.

2. САНИИРИ Илмий ишлаб-чикариш бирлашмаси булим бошлиги, катта илмий ходим Гаппаров Ф.А.

Муаллифлар: Маматов С. А., Салоҳиддинов А. Т., Юсупов Ғ. У., Холмирзаева М.И.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Учебное пособие подготовлено в соответствии с действующей программой обучения дисциплины «Оценка воздействия на окружающую среду» студентам направления бакалавриата - 5850300 “Экология ва охрана окружающей среды”.

В учебном пособии освещены основные понятия и принципы, элементы, этапы процесса оценки воздействия на окружающую среду, методы оценки и прогноз масштабов воздействия на окружающую среду, Описаны методы и порядок проведения процесса оценки воздействия на окружающую среду с объяснениями каждого его разделов. В учебном пособии также приведена информаций по основным видам водействия сельского и водного хозяйтства и путей и уменшения. Учебное пособие содержить большой объем информации и позволяет освоит предмет на уровне современных требований.

Учебное пособие расчитано для студентов высших учебных заведений и специалистов отрасли.

The textbook prepared according to requirements of curriculum and approved program of an Environmental Impact Assessment course to be taught to students of 5850300 - “Ecology and Environmental protection” underground degree program.

The textbook contents information on principles, methods and procedures of conducting of the Environmental Impact Assessment processes. Main elements, stages, ddocumentation of EIA materials and quality control and all other main components of the Environmental Impact Assessment processes are described in the textbook. Special attenton given to issues of Environmental Impact of Agriculture and Water Resources Management and ways of its combatting.

The textbook is desighned for university students and experts.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

## Кириш. Инсон фаолиятининг экотизимларга таъсирининг тавсифи

Инсон яшаётган ва фаолият кўрсатаётган табиий муҳит ўзаро таъсир ва боғлиқликда бўлган экологик тизимлар комплексидан ташкил топади. Ҳар бир экологик тизим ўзининг аниқ чегараларига эга бўлган биогеоценозлардан иборатдир. Экологик тизимларга ўрмон, океан, ер ости ва усти сувлари манбалари, тупроқ, аэрация минтақаси жинслари, атмосфера ва бошқаларни киритиш мумкин. Агар ер юзасида ва ичкарисида олиб бориладиган инсон фаолияти эътиборга олинса (масалан, инсонларнинг қишлоқ ва сув хўжалиги фаолияти) табиат қўйнида ўзгарган қонуниятлар асосида ривожланадиган янги сунъий экологик тизим шаклланади. Инсон фаолиятининг ҳар бир тури, табиий шароитга ёки аниқроғи экологик тизимга қўшимча юк бўлиб тушади (экологическая нагрузка) ва уни ўзгарган қонуниятлар бўйича ривожланишига, ҳамда табиий оқибатлардан фарқли, ижобий ва салбий экологик оқибатларга олиб келади.

Оқибатлар инсон фаолияти таъсирида экотизимларда (атроф-муҳитда) кечадиган мураккаб жараёнларнинг натижасидир. Шу сабабли экологик бахолаш ва экспертиза тадбирларига, нафақат оқибатларни турли хил жиҳатдан баҳолаш ва экспертиза қилиш нуқтаи назаридан қарамоқ лозим, балки оқибатларни юзага келтирувчи турли хил йўналишдаги, тезликдаги жараёнларни хар томонлама таҳлил қилиш, ўрганиш нуқтаи назардан қарамоқ лозим. Масалан, турли кимёвий таркибли сувларнинг аралашуви, тупроқ ёки тоғ жинслари таркибидаги турли хил тузларнинг эриши, ювилиши ва ташилиши, тоғ жинслари таркибидаги майда зарралар ва туз бирикмаларининг кимёвий ва механик ювилиши, ташилиши, сизот сувлари юзасидан капилляр минтақа орқали аэрация минтақасига сувларнинг сарфи, харакати ва буғланиши, тупроқлардаги суғориш сувларининг харакати, уни тўйинтирилиши ва тузларни ювилиши ва бошқалар.

Жараёнларнинг таъсири табиий муҳитда нафақат экологик оқибатларга балки иқтисодий, ижтимоий, инженерлик, санитария, жараёнларнинг йўналишини ўзгартирувчи ижобий ёки салбий оқибатларга олиб келади.

Демак, оқибатлар билан бир қаторда уларни юзага келтирувчи (шакллантирувчи) турли табиатли мураккаб жараёнлар экологик жиҳатдан баҳоланади ва экспертизадан ўтказилади. Инсон инсон шу жумладан ҳар қандай мутахассис табиатнинг тузилишини, у қандай қонунлар асосида мавжуд ва ривожланишини, инсон фаолияти таъсиридан қандай таъсирланишини, экологик мувозанатни бузмаслик учун табиий тизимларга қандай чегаравий юкни(таъсирни)йўл қўйиш мумкинлигини билмасдан туриб

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

табиатни муҳофаза қила олмайди ва ундан унумли фойдалана олмайди. Айнан шундай билимлар асосида мутахассис ўз ўрнида, инсон фаолияти таъсирида рўёбга келадиган аксарият салбий оқибатларни минимумга келтириши, йўқотиши ёки олдини олиши мумкин.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини пайдо бўлиш сабаблари.

Инсоннинг ҳаёти ва фаолияти асрлар мобайнида табиий ресурсларидан жадал фойдаланиш шароитида яъни табиат билан ўзаро таъсир шароитида ўтган. Қадимда инсоннинг атроф муҳитга таъсири кичик масштабда бўлиб унинг салбий окибатлари биосферанинг ўз-ўзини бошқариши (саморегулация) кобилияти хисобига бартараф этилган. Шу сабабли инсоният олдида атроф-муҳитда оптимал режимни сақлаш ва уни камайиб кетишдан мухофаза қилиш хавфи деярли туғилган эмас.

Ҳозирги илмий-техника революцияси даврида инсоннинг табиат билан ўзаро таъсири жараёнида умуман бошқача холат иужудга келди. Инсон фаолиятининг барча соҳаларида илмий-техник тараққиётнинг жадал ривожланиши инсоният олдида уни моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун кенг имкониятлар очиб берди. Ишлаб чиқариш кучларини ўсиши билан биргаликда табиий ресурслардан жадал фойдаланишга, бу эса атроф-муҳитга чуқур ва ҳартомонлама таъсир қилинишига олиб келди. Бунда пайдо бўлувчи техногенез кўп холларда табиий муҳитнинг барча асосий таркибий қисмларига салбий таъсир кўрсатади, зарурий яшаш фаолияти ва ишлаб чиқаришнинг қулай режимини бузади.

Инсон фаолиятининг атроф-муҳитга бугунги кундаги таъсирининг масштаби ва чуқурлигини кучли геологик жараёнлар билан таққослаши мумкин. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини келтириб чиқарувчи қуйидаги сабабларини кўрсатиш мумкин:

1) Ахоли сонининг кескин ортиб бориши
2) Илмий техник революция;
3) Табиий ресурслардан катта миқдорда ва тежамсиз фойдаланиш;

Атроф-мухит ва инсон ўртасидаги мураккаб ўзаро таъсир жараёнларини биргина Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон шароити учун сув хўжалиги комплексининг ривожланиши мисолида кўриб чиқиш кифоя.

Марказий Осиё давлатлари худуди Орол денгизи хавзасига жойлашган ва майдони 740 минг км$^2$ ни ташкил қилади. Хавзанинг табиий гидрографик тармоқлари иккита катта Амударё ва Сирдарё

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

ва унинг кўп сонли ирмоқларидан иборат. Хавзада суғориладиган ерлар майдони сал кам 10 млн.га. бўлиб унда 4.3 млн.га Ўзбекистон худудига тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси худудида 50 дан ортик катта ва кичик сув омборлари қурилган, уларнинг сув сиғими 18301,8 млн.м$^3$, қоплаган майдони 1124 км$^2$ дан ортикдир. Орол денгизи хавзасида кўп сонли ва турли даражадаги ирригацион каналлар қурилган. Булардан ташқари минтака худудида 200549 км коллектор-зовур тизимлари ишлаб турибди. Зовур суви оқими сарфи республикамиз худудида 21-23 куб км/йил ни ташкил этади.

Сув хужалиги фаолияти атроф-мухитга кучли ва хар томонлама таъсир этади. Умуман олганда Ўрта Осиё Республикаларининг кенг чўл сахро текисликларида дарё оқимининг режими тубдан ўзгарган, янги сунъий гидрографик тармоқ вужудга келган ва у регионал тарзда гидрографик ва ландшафт шароитини жиддий ўзгартирган. Амударё ва Сирдарё хавзаларида 132,7 км$^3$ сув ресурслари шаклланади. Шулардан асосий кисми қишлоқ хўжалигида ишлатилади. Ер усти суви оқимларини йирик магистрал каналлар ёрдамида қайта тақсимлаш, дарё водийларида йирик сув омборлари каскадини ишлатиш, йирик ер массивларини суғорилишини ва бошқа фаолиятларнинг таъсири атроф-мухитга регионал тарзда улкан кучли техноген юкни барпо қилади, ер усти сувлари оқимининг техноген режимини шаклланишига олиб келади, ер ости ва ер усти сувлари ўртасидаги боғланишни бузилишига олиб келди, техноген гидрографик тармоқларини яратилишига ва ерости, ер усти сувларининг майдон бўйлаб ифлосланишига олиб келди. Асосан комплекс техноген жараёнлар таъсирида сув хўжалиги фаолияти олиб бориладиган улкан майдонларда, сув хўжалиги миқёсида техногенез шаклланди.

Шу билан бир қаторда, фан ва техниканинг ҳозирги замондаги ютуқларини қўллаш орқали шундай технологик тизимларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш мумкинки, натижада чиқиндисиз ёки кам чиқиндили ишлаб-чиқариш таъминланади. Бу эса сўзсиз, атроф-муҳитнинг юқори экологик сифатини сақлашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан барча ишлаб-чиқариш соҳаларидаги замонавий технологик схемалар, геологик ва атроф муҳитни сақлашни таъминлайдиган кучли дастак бўлиб хизмат қилади.

Демак, айтиш мумкинки инсонларнинг турли сохаларда олиб борадиган фаолиятлари ер қобиғи юқори қисмининг эволюцион техноген ўзгаришларига олиб келади ва умуман атроф-мухитни холати ва хусусиятини ўзгартириб боради. Инсон фаолияти эса атроф-мухитни ўзгартирувчи геологик кучга айланади.

Техногенез шаклланишининг назарий асослари.

Атроф-мухит мухофазаси муаммосини келтириб чиқарувчи сабаблар маълум бўлганидан, табиатда кечадиган техноген

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

жараёнларни чуқурроқ англаш учун асосий илмий тушунчалар булган, атроф-мухит, ер биосфераси, геологик мухит, техноген жараёнлар, атроф-мухитга бўладиган юк хамда техногенез тушунчаларининг асосий мазмунини ёритамиз.

А) Инсон яшайдиган ва ишлаб чиқариш фаолияти юритадиган атроф-мухит.

Умумий тушунчаларга кўра, атроф-мухит инсон яшайдиган ва фаолият юритадиган табиий мухит хисобланади. Лекин хозирги даврда инсоннинг фаолият юритиш қобиғи жуда кенгайди ва амалда планетамизни барча географик минтақаларни эгаллаб олди ва табиий атроф-мухит жиддий ўзгаришларга учраб туради ва аксарият ўзининг биологик сифатини ёмонлаштириб борди.

Шу билан бир қаторда атроф-мухитни, планетамизнинг биосфераси пайдо бўладиган материал (моддий) мухит сифатида кўрмоқ лозим бўлади. Бу моддий тизим бир – бири билан боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлган олти компонентли тизимдан ташкил топади: -атмосфера-гидросфера-литосфера (гидрогеосфера)-тупроқ-хайвонот дунёси-ўсимлик дунёси. Шу билан боғлиқ равишда атроф-мухитни планетамизнинг ички ривожланиш функцияси сифатида қарамоқ лозим. Атроф-мухитнинг бу компонентлари ўзаро яқин боғланган, доимо ўзаро таъсирда бўлади ва ягона яхлит моддий тизимни шакллантиради. Инсон фаолияти томонидан бу табиий тизимга бўладиган хар қандай техноген аралашув, хар доим табиатда тарихан шаклланган динамик мувозанатни бузади ва атроф-мухитнинг хусусиятларига салбий ёки ижобий кўрсатадиган техноген жараёнларни шакллантиради.

Инсон хаётида ва фаолиятида биосферанинг уч планетар функцияси алоҳида рол ўйнайди: 1) биологик унумдорлик барча тирик жонни озуқаланиш маҳсулотлари билан таъминлайди; 2) ернинг ягона сув қобиқлари ва атмосфера қобиқларининг газ таркибининг оптимал режими ва баланси; 3) табиий биологик тозалаш.

Биологик унумдорликни таъминлашда ернинг тупроқ қобиғи алоҳида ўрин тутади. Тупроқ шундай фаол муҳитки, у инсон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси учун зарур бўлган, барча биомассани таъминлайди. Тупроқ маълум бир даражада қуруқликда барча жонзодларни мавжудлигини таъминлайди. Тупроқ у ёки бу регионни гидрогеологик шароитини шаклланишида муҳим рол ўйнайди, яъни ер ости сувларини озуқа олишида. Сувни яхши ўтказувчи аэрация минтақаси тупроқлари орқали атмосфера ёғинлари осон сизиб ўтади ва ер ости сувлари юзасига шимилиб етиб боради. Табиатда кечадиган жараёнларни шаклланишида тупроқнинг аҳамияти катта бўлганлиги учун, уни атроф-муҳитининг алоҳида мухим компоненти сифатида ажратишни лозим деб ҳисобланади.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Атроф-муҳитни шаклланишида ернинг ягона сув қобиғининг режими ва баланси алоҳида ўрин тутади. Бу қобиқ атмосфера сувларидан, ер усти ва ости сувларидан ташкил топади ва бир-бири билан боғлиқ, глобал сувнинг айланма харакатида қатнашади. Табиатда сувни айланма харакати жараёнида литосферанинг юқори қисмида тарқалган ер усти ва ости сувларининг шаклланиши ва тикланишида хал қилувчи роль ўйнайди. Ерда сувни айланма харакатида атмосфера муҳим ўрин тутади. Аслида бу глобал жараён планетамизда, инсон, атроф-муҳит ва биосфера учун ниҳоятда қимматли чучук сув ресурслари билан таъминлайди.

Гидросфера ернинг сув қобиғини ташкил этади ва планетамизнинг 71% майдонини қоплайди. Океан, денгиз ва дарё сувлари табиатдаги айланма харакатдаги қатнашадиган сувларнинг асосий қисми ва фауна, флора ривожланадиган асосий муҳит ҳисобланади. Шундай қилиб гидросфера, инсон яшайдиган ва ишлаб-чиқариш фаолиятини юритадиган мухим компонент ҳисобланади. Планетамиз остида, сув қобиғининг, барча ер ости сувлари қатламларини ўз ичига олган, ер ости қисми гидрогеосфера жойлашган.

Гидрогеосфера кесимининг юқори қисмида, ер ости суви оқимлари фаол бўлган қисмида-асосан чучук ер ости сувлари шаклланган ва табиатдаги сувнинг айланма харакатида фаол қатнашади. Ер ости сувлари тарқалган асосий майдонларда, ер ости сувлари тоғ жинслари, табиий газлар ва микроорганизмлар билан биргаликда геологик муҳитнинг гумид ва арид турлари тарқалган.

Абадий музлик жинслари яхлит (бутун) тарқалган майдонларда ер ости сувлари қаттиқ ҳолатда тарқалган. Улардан пастда кўпинча юқори минераллашган суюқ ер ости сувлари тарқалган. Бу майдонда геокриологик турдаги геологик муҳит шаклланади.

Гидрогеосферанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ер ости сувлари фақат тоғ жинслари билан эмас, балки табиий газлар билан хам боғлиқ. Маълумки планетамизда доимий равишда газ камайиш жараёни содир бўлаяпти. Гидрогеосферанинг юқори қисмида ер ости сувларида табиий газлардан кислород, азот ва озроқ серовород газлари кўпроқ учрайди.

Шундай қилиб, табиий, жумладан ер ости сувлари атроф-муҳитининг таркибий қисмини ташкил қилади ва инсон хаётида ва фаолиятида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ер ости сувлари билан боғлиқ яна бир муҳим жихат, тупроқ қатламидаги тарқалган сувларнинг мавжудлигидир (сув буғи, тупроқ ва тоғ жинсларининг намлиги, тупроқ сувлари) Улар хам атроф муҳитни шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Бу сувларсиз тупроқ қатламида тирик жонзотлар бўлмайди.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Шундай қилиб, инсон яшайдиган ва ишлаб-чиқариш фаолияти юритадиган атроф муҳит-аниқ ифодаланган ва ўта харакатчан динамик тизимни ташкил қилади, унинг асосий таркибий қисмлари (компонентлари) доимо ўзаро боғлиқликда ривожланади. Қонуниятларни бузилиши, инсоннинг фаолиятлари таъсирида юзага келади ва хар доим атроф-муҳитни ҳолатини ва хусусиятини ўзгаришига олиб келади.

Атроф мухитга техноген юк.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши жараёнида литосферанинг юқори қисмини эволюцион ўзгаришини бахолашда, башоратлашда “атроф мухитга бўладиган техноген юк” тушунчаси мухим ўрин тутади. Айнан техноген юк геологик мухитнинг табиий хусусиятлари билан биргаликда, инженерлик тизимларини лойиха қилишнинг дастлабки (бошланғич) босқичларида (тоғ-кон, қишлоқ ва сув хўжалиги, гидротехник, шахар қурилиши ва бошқалар) техноген жараёнларнинг умумий йўналишини ва атроф-мухитга уларнинг салбий таъсирини белгилаб беради.

Бу илмий тушунчани сифат тоифалари инсон фаолиятининг умумий йўналиши мазмуни билан аниқланади. Масалан, ер юзасида фуқаро ва саноат қурилиши асосий техноген юк таъсирини геологик мухитининг асосий компоненти бўлган тоғ жинслари бошидан кечиради. Шу сабабли инженерлик иншоотини барқарорлигини таъминлаш мақсадида иншоот заминида жойлашган тоғ жинсларининг физик – механик хусусиятлари бахоланади хамда бу иншоотларни эксплуатация қилишда ривожланадиган техноген жараёнларни ривожланишини башорат қиланади. Масалан, ерларни зах босишини ёки шўрланишини.

Худди шунга ухшаш, мисолни Ўзбекистон шароити мисолида кўрмоқчи бўлсак, сув ва қишлоқ хўжалиги комплекси таъсирида улкан техноген юк атроф-мухитга, хусусан геологик мухитга таъсир кўрсатади. Бу таъсирлар атроф-мухитининг асосий компонетлари бўлган тупроқларда, тоғ жинсларида, ер ости ва ер усти сувларида кескин ўзгаришлар рўй беради, ерларни гидрогеологик – мелиоратив холатини ўзгартиради, табиий шароитини бузади ва нихоят турли масштабдаги салбий техноген жараёнлар содир бўлади.

Комплекс характердаги улкан техноген юкларнинг сифат кўрсатгичларини бахолаш, техноген жараёнларнинг умумий йўналишини аниқлашга, уларни салбий таъсирини ва атроф-мухитни химоя қилиш чораларини аниқ топишга ва тадқиқотларининг мазмунини танлашга имкон беради.

Техноген юкни аниқлаш билан биргаликда инженерлик фаолиятини атроф-мухитга таъсирини ифодалайдиган микдорий кўрсатгичларни бахолаш жуда муҳимдир.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Техноген жараёнлар.

Хар бир ижтимоий жамият ўз ишлаб-чиқариш кучларини ривожлантириш учун табиий ресурслардан фойдаланади. Табиий ресурслар бу фақат маъданлар, ўсимлик, хайвонот дунёси, тупроқ, сув эмас, балки инсон яшайдиган ва фаолият кўрсатадиган ер қобиғининг юқори қисми хисобланади.

Савол пайдо бўлади, инсоннинг инженерлик ва хўжалик фаолияти юритадиган табиий мухитда қандай жараёнлар юз беради?

Гидрогеологик, мелиоратив, инженер-геологик шароитларининг техноген ўзгаришлари рўй беради ва атроф-мухит янги холат ва хусусиятга ўтади.

Бу турли йўналишдаги техноген жараёнларнинг шаклланиш механизмини ўрганиш, уларнинг табиатини ўрганиш, уларни атроф-мухитга таъсир даражасини бахолаш - яъни жараёнларнинг салбий таъсирини олдини олиш ёки максимал чегаралашни ўрганиш орқали чора-тадбирлар қўллаш баркарор иктисодий тараккиётнинг асосий шартларидан биридир.

Техноген жараёнлар дейилганда, ер қобиғининг юқори қисмида, табиий ресурсларни қўллашга йўналтирилган, турли хил инженерлик фаолияти таъсирида, шаклланадиган ёки содир бўладиган жараёнлар тушунилади. Буларга гидротехник, ирригацион, мелиоратив иншоатларни эксплуатация қилишда намоён бўладиган гидрогеологик-мелиоратив, инженер-геологик, гидрокимёвий техноген жараёнларни киритиш керак. Бу жараёнлар атмосфера, гидросфера, гидрогеосфера, тупроқ мухитида содир бўладилар.

Худди шундай техноген жараёнлар комплекси механизми суғорилаётган массивларда кузатилади. Кучсиз табиий дреналанган ерларда суғориш сувларидан бўладиган инфильтрация натижасида сизот сувлари сатхи қўшимча озуқа олади ва сизот сувлари жадал кўтарила бошлайди ва ерларни ботқоқланишига олиб келади ва сизот сувлари буғланади. Оқибатда , ўзгарган, бузилган гидрокимёвий режим барпо бўлади, сизот сувларининг минераллашганлиги ошади ва тупроқларда қайта шўрланиш рўй беради. Ҳамда инженер геологик муҳитни ёмонлаштирадиган, атроф-муҳит пайдо бўлади. Масалага кенгроқ қаралса, атроф-муҳитдаги ўзгаришлар якка таъсирдан эмас, балки комплекс техноген таъсирлар остида содир бўлади. Бу жараёнлар ер қобиғининг юқори қисмида, турли-туман, турли кўламда бўладилар, улар характери ва шаклланиши шароити жиҳатдан гидрогеологик, мелиоратив-тупроқ, инженер-геологик жараёнлардир.

Атроф-мухитга таъсирнинг характери бўйича техноген жараёнлар ижобий ва салбий бўладилар. Ижобий жараёнларга

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

сахро худудларини гуллаган вохаларга суғориш натижасида айланишини, йирик ирригацион каналларни эксплуатация қилиш натижасида уларнинг остида чучук сув ресурсларини ортишини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Аммо, атроф-муҳитга бўладиган техноген таъсирлар натижасида содир бўладиган жараёнлар, аксарият салбий жараёнлар, техносферада жиддий салбий оқибатларга олиб келади-яъни атмосфера ҳавоси ифлосланиши, тупроқ таркиби бузилиши, ер ости сувлари ифлосланиши, ер усти сувлари сифати бузилиши, ҳайвонот ва ўсимлик оламининг айрим турларини йўқолиши ва оқибатда ернинг атмосфера, гидросфера, гидрогеосфера, биосферасида экологик мувозанат бузилишига сабаб бўлади.

Инсон фаолияти яъни, техноген юк таъсирида табиий муҳитда глобал ва локал экологик ўзгаришлар рўй беради. Демак, экологик бахолаш жараёнининг асосий объекти бўлиб инсоннинг турли-туман фаолияти (техноген юк) таъсирида содир бўладиган жараёнлар ва улар келтириб чиқарувчи оқибатлар ҳисобланади. Одатда экологик бахолаш ва экспертиза ўтказиш жараёнида кўпроқ салбий оқибатларга эътибор берилади. Агар эътибор фақат инсон фаолияти натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар билан чекланса, бахолаш жараёнини тўлақонли ўтказилди деб бўлмайди, яъни салбий оқибатни келтириб чиқарувчи салбий жараён очиб берилмайди, асосий келтириб чиқарувчи сабаби исботланмайди, ва муаммо бир томонлама ечилади. Шу сабабдан экологик бахолаш ва экспертиза, салбий оқибатларга олиб келувчи жараёнларни синчиклаб ўрганиш ва у келтириб чиқарган салбий оқибатларни инобатга олишдан ташкил топиши керак. Қуйидаги 1-жадвалда атроф-муҳитга бўладиган айрим техноген фаолиятларнинг турлари, уларнинг таъсирида содир бўладиган экологик жараёнлар ва уларнинг таъсирида содир бўладиган салбий оқибатларнинг шакллари келтирилган.

1-жадвал

| № | Техноген юк | Техноген жараёнлар | Атроф-муҳитга техноген таъсирларнинг шакллари (оқибат). |
|---|---|---|---|
| 1. | Йирик массивларда суғориш ишлари. | 1.Суғориш сувлари инфильтрацияси.<br>2.Аэрация минтақаси тузларининг ювилиши.<br>3.Аэрация минтақаси тупроқ ва тоғ жинсларини ўзгариши.<br>4.Сизот сувлари | 1.Ерларни ботқоқланиши .<br>2.Тупроқларни шўрланиши ёки туз тўпланиши.<br>3.Ерларни экологик шароити ўзгариши.<br>4.Суффозия ва карст |

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | сатҳининг кўтарилиши.<br>5.Сизот сувлари кимёвий таркибини ўзгариши.<br>6.Сизот сувлари сатхидан буғланиш.<br>7.Сизот сувлари капилляр ҳошиясидан аэрация минтақасига сувнинг сарфланиши.<br>8.Сизот сувлари туз концентрациясининг ортиши ёки камайиши.<br>9.Тупроқларда туз тўпланиши.<br>10.Азот, фосфор, калий ва комплекс ўғитларни тупроқлардаги миқдори ўзгариб туриши. | ҳодисалари рўй бериши<br>5.Ерларни чўкиши ва ўпирилиши.<br>6.Ер ости сувларини катта майдонларда ифлосланиши.<br>7.Ерларнинг рельефи ўзгариши<br>8.Суғориш майдони остида чучук сув қатламини шаклланиши<br>9.Сизот сувларини катта майдонлардаги ифлосланиши.<br>10.Аэрация минтақаси тупроқ ва жинсларининг намлиги даражаси ортиши<br>11.Сизот сувларида ўзгарган техноген режимлар барпо бўлиши<br>12.Дарё сувлари далалардан ташланадиган оқава сувлар ҳисобига ифлосланиши |
| 2. | Ирригацион ва магистрал каналлар | 1.Канал сувларининг инфильтрацияси ва фильтрацияси.<br>2.Сизот сувларининг сатхини кўтарилиши.<br>3.Каналнинг таъсир минтақасида сизот сувлари сатхи ва босимини ўзгариши.<br>4.Каналлар атрофида чучук сув линзаларини шаклланиши.<br>5.Асосдаги ва муҳитдаги тоғ жинсларини физик хусусиятларини ўзгариши. | 1.Ерлар ботқоқланиши.<br>2.Тупроқларни шўрланиши.<br>3.Чучук сув линзалари конлари ҳосил бўлиши.<br>4.Ер ости сувлари ресурслари ортиши.<br>5.Қирғоқлар чўкиши, ювилиши ва қулаши. |

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | 6.Қирғоқдаги тоғ жинсларини ювилиши. | |
| 3. | Коллектор-зовур ва вертикал зовур тизимлари. | 1.Сизот сувлари сатҳини пасайиб бориши.<br>2.Тупроқларда туз ювилиш жараёнини кечиши.<br>3.Зовур сувлари сарфи ортиб бориши.<br>4.Суғориладиган тупроқларда мелиоратив ҳолат яхшиланиб бориши.<br>5.Сувли қатламларда сув алмашинуви рўй бериши ва гидродинамик мувозанат бузилиши.<br>6.Сувли қатламларда суффозия ва карст жараёни содир бўлиши.<br>7.Минераллашган сувларни чучуклашиши<br>8.Коллектор-зовур сувларининг дарёларга ташланиши натижасида дарё сувлари ифлосланиб бориши. | 1.Суғориладиган ерларнинг тузи ювилади.<br>2.Ерларни умумий гидрогеологик-мелиоратив ҳолати яхшиланиб боради.<br>3.Суғориш далаларнинг рельефи ўзгаради.<br>4.Суффозия жараёнлари таъсирида карст, чўкиш, ўпқонлар ҳосил бўлади.<br>5.Техноген-бузилган ирригацион режимлар барпо бўлади.<br>6.Коллектор-зовур қирғоқлари атрофида чўкиш, қулаш, сурилиш ва лойқа босиш ҳодисалари рўй беради.<br>7.Ер усти сувлари, хусусан дарё сувлари коллектор-зовур сувларини ташланиши ҳисобига ифлосланади. |
| 4. | Сув омборлари. | 1.Сув омборларидан филтрацияга йўқотиш (филтрация) жараёни.<br>2.Филтрация таъсирида ер ости сувлари сатҳини интенсив кўтарилиши.<br>3.Сув омборлари қирғоқлари сурилиши, қулаши<br>4.Тоғ жинсларини физик-механик хоссалари ўзгариб бориши.<br>5.Инженерлик иншоотларининг деформацияси. | 1.Суғориладиган майдонларда ботқоқланиш рўй беради.<br>2.Сув ресурслари ортади.<br>3.Суғориладиган майдонларда тупроқлар шўрланади ва мелиоратив ҳолат ёмонлашади.<br>4.Мавжуд инженерлик иншоотлари асосларини сув босади, иншоотлар деформация |

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | 6.Ер ости ва усти сувлар орасидаги боғланиш бузилиши.<br>7.Тўғон асосида ривожланадиган суффозия жараёни. | беради ва бузилади.<br>5.Оқим сарфлари ортади.<br>6.Тўғонлар, сув омбори ва атрофдаги ерлар чўкади.<br>7.Саноат-фуқаро иншоотлари фундаментларини сув босади, атроф-муҳитни санитар ҳолати бузилади. |
| 5. | Йирик сув тортиб олувчи иншоотлар курилиши | 1.Ер ости сувлари депрессион эгри чизиғининг пасайиб бориши.<br>2.Қатламлар орасидаги гидравлик муносабатни ўзгариши ва турли хил таркибли сувларнинг аралашуви.<br>3.Сув тортиб олувчи иншоотлардан турли масофада жойлашган ифлосланган ва минераллашган сувларнинг тортилиши.<br>4.Ер ости сувлари кимёвий таркибини ўзгариб бориши.<br>5.Қудуқлар атрофи қатламларида механик ва кимёвий суффозия жараёни.<br>6.Босимли қатламларда босимни пасайиши. | 1.Ер ости сувлари ифлосланади.<br>2.Ер ости сувлари заҳиралари камайиб боради.<br>3.Карст ҳодисаси рўй беради, ерлар чўкади ва рельеф ўзгаради.<br>4.Суғориш майдонлар атрофида заҳарли моддалар қудуқ томонига тортилади. Кимёвий ва бактериологик ифлосланиш кузатилади. |
| 6. | Йирик индустриал шаҳарлар | 1.Сизот сувларининг кенг майдон бўйлаб ифлосланиши.<br>2.Сизот сувларини сатхини майдон бўйлаб кўтарилиши, босими ва ўзаро нисбати ўзгариши.<br>3.Сизот сувларини кудукларда кўтарилиши | 1.Шахар ҳудудларини сув-зах босади, ботқоқланади.<br>2.Ер юзаси рельефи ўзгаради, чўкади, сўрилади, иншоотлар деформация беради, иншоотлар бузилади.<br>3.Сувли қатламларда |

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | ва ифлосланиши.<br>4.Янги техноген ўзига хос режимни шаклланиши.<br>5.Кўп сонли сув тортиб олувчи қудуқлардан сувни тортиб олиш режими ўзгариб туриши.<br>6.Сувли қатлам ва грунтларининг физик-механик хоссаларини ўзгариши<br>7.Ер усти сувлари ҳавзалари ифлосланиши.<br>8.Йирик сув олувчи иншоотлари билан ифлосланган ер ости ва усти сувлари тортилиши.<br>9.Сувли қатламлар, аэрация минтақаси тоғ жинслари ва тупроқларида зарарли тузлар, пестицидлар ва зарарли моддалар тўпланиб бориши.<br>10.Сувли қатламлар, аэрация минтақаси тоғ жинсларида модда алмашинуви жараёни рўй бериши, янги туз комплекси ҳосил бўлиши, ювилиши. | суффозион-карст, сурилиш ҳодисалари рўй беради.<br>4.Ер ости коммуникациялари бузилади.<br>5.Ер ости сувлари заҳираларнинг миқдори ўзгаради ва ифлосланади (кимёвий, биологик).<br>6.Халқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига зарар етади.<br>7.Асос жинсларининг дефермацион ва мустаҳкамлиги даражаси узгаради |
| 7. | Саноатлаштирилган чорва моллари объектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш. | 1.Комплекслардан чиқадиган оқовалар таъсиридан ер ости сувлари ифлосланади.<br>2.Оқоваларни ташланиши оқибатида ер усти суви ҳавзалари ифлосланади.<br>3.Қайта ишланган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда чиқиндилар таъсиридан тупроқлар, тоғ жинслари ва ер ости | |

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | сувлари ифлосланади. | |

Асосий тушунчалар.

1. Атроф мухит – Инсон фаолияти амалга ошириладиган ташки мухит. Бунга атмосфера хавоси, сув ресурслари, ер ва бошка барча табиий ресурслар, жумладан флора ва фауна, моддий объетлар, инсон ва уларнинг узаро таъсири киради.
2. Режалаштирилган хужалик ёки бошка турдаги фаолият - Атроф мухитга таъсир этиши мумкин булган ва уни амалга ошириш учун конунда белгиланган тартиб асосида мутасадди орган томонидан карор кабул килинишини талаб килувчи хар кандай фаолият ёки фаолиятнинг ўзгаришидир. Бу концепциялар ишлаб чикиш, социал-иктисодий ривожланишнинг (маъмурий тузилма, халк хужалиги тармоги ва х.о. учун) истикболли дастури ва режасини яратишни хам ўз ичига олади.
3. Таъсир - Режалаштирилаётган фаолиятнинг атроф мухит холатида узгариш келтириб чикарувчи ёки унга сабаб булувчи хар кандай жихатларидир. Таъсир одамларнинг соглиги ва хавфсизлиги, флора, фауна, тупрок, атмосфера хавоси, сув ресурслари, иклим, ландшафт, тарихий обидалар ва бошка моддий объектлар холати ёки мазкур омиллар орасидаги ўзаро богликлик хамда уларнинг маданий мерос ёки ижтимоий иқтисодий ривожланиш ва бошка шароитларда кўринадиган ўзгариш натижасидир.
4. Атроф мухитга бўладиган таъсирни бахолаш (АМТБ) – режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш тугрисидаги карорни кабул килишдан олдин утказилиши шарт булган ва экологик безарар бошкарув карорларини кабул килишга ёрдам берадиган жараёндир.
5. Жамоатчилик иштироки – жамоатчиликни режалаштирилаётган фаолият ва унинг атроф мухитга курсатадиган эхтимолий таъсири тугрисилда хабардор килиш хамда АМТБ жараёнида жамоатчилик фикрини эътиборга олиш максадида амалга ошираладиган тадбирлар мажмуи.
6. Иштирокчилар – АМТБ жараёнида иштирок этадиган жисмоний ва юридик шахслар.
7. Экологик мониторинг – Атроф мухитни мухофаза килиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш максадида карор кабул килишни таъминлаш учун хизмат киладиган атроф мухит холати ва антропоген таъсирни кузатиш, бахолаш ва

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

башорат килиш хамда экотизимларда кечадиган узгаришлар тенденцияларини аниклаш тизими.

8. Лойихадан кейинги тахлил – Уз вактида тузатиш киритиш ва АМТБ жараёнини такомиллаштириш максадида режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш жараёнида (курилиш, эксплуатация ва бузиш) амалга ошириш кузда тутилган тадбирларнинг самарадорлигини урганишга йуналтирилган комплекс тадкикотлар
9. АМТБ материаллари – режалаштирилган фаолиятнинг атроф мухитга курсатадиган таъсирини бахолаш натижасида тайёрланган хужжатлар мажмуи.

АМТБ жараёнини утказишдан максад – режалаштирилаётган фаолиятнинг атроф мухитга шу билан бирга социал иктисодий ва бошка сохаларга курсатадиган сальбий таъсирини ва унинг окибатларини минималлаштириш имкониятларини аниклашдир.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

# 1 – БОБ АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛАДИГАН ТАЪСИРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

## 1.1. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш тушунчаси моҳияти

***Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш*** **мўлжалланаётган фаолиятнинг экологик оқибатларини тизимли равишда таҳлил қилиш ва баҳолашни, манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашувларни, таҳлил ва маслаҳатлашувлар натижаларини мўлжалланаётган фаолиятни режалаштириш, лойиҳалаш, тасдиқлаш ва амалга оширишда ҳисобга олувчи жараёндир.**

Мазкур таърифга мувофиқ атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш:

— баҳолаш натижасида олинган оддий маълумотлар ёки ҳужжатларгина бўлиб қолмай, балки бутун бир жараёндир;
— маълум бир қоидаларга амал қилувчи тизимли жараёндир;
— мўлжалланган фаолиятнинг фақат режалаштириш боскичлари билан чегараланмайди, балки ушбу фаолиятни амалга ошириш боскичларини ҳам ўз ичига олади.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёни:

— мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф–муҳитга бўладиган потенциал таъсирларини таҳлил (башорат) қилиш ва уларни эътиборга моликлигини баҳолашни;
— барча учун мақбул бўладиган қарорларни излаш мақсадида манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашишни;
— мўлжалланаётган фаолиятга тегишли қарорларни қабул қилиш жараёнида таъсирларни башорат қилиш ва маслаҳатлашувлар натижаларидан фойдаланиш каби таркибий қисмларни ўз ичига олади.

Уни схема тарзида қуйидагича ифодалаш мумкин:

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Кўпинча, атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг одатий схемаларида ушбу таркибий қисмлар жараённинг кетма-кет келувчи босқичлари сифатида қаралади. Ушбу жараён таъсирларнинг башорати, унинг натижаларини манфаатдор томанлар билан муҳокама қилиш ва мўлжалланаётган фаолиятни амалга ошириш борасидаги қарорларни башорат ва муҳокама қилиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилишни ўз ичига олади. Лекин бундай «чизиқли» моделга маҳкам ёпишиб олиш яхши самара бермайди ва унга амалда риоя қилинмайди. Масалан, атроф-муҳитга фаолият натижасида бўладиган таъсирларни аниқлаш ёки фаолиятнинг атроф-муҳитга бўладиган таъсирларини баҳолаш зарурияти бор-йўқлигини аниқлаш давридаёқ жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш яхшироқ самара беради. Шунинг учун АМБТБ таркибий қисмларига изчил кетма-кет келадиган босқичлар сифатида эмас, балки АМБТБ жараёнининг зарурий қисмлари сифатидагина ёндошиш лозим.

## 1.2. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг тамойиллари

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашни ўтказишнинг турли мамлакатлардаги тартиблари фаолиятнинг қайси турлари учун АМБТБ ўтказилиши, уни ким ўтказиши, унинг натижалари қандай қарорларда ва қай тарзда ҳисобга олиниши каби жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш натижаларини қарорлар қабул қилишда ҳисобга олишнинг мажбурийлик даражаси ҳам турли мамлакатларда турличадир. Лекин ушбу турличаликка қарамай барча жойларда АМБТБнинг самарали тизими учта асосий тамойилга амал қилади. Булар **бирламчилик, комплекслик ва демократиклик** тамойилларидир.

**Бирламчилик тамойили**га кўра, атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш ишлари мўлжалланаётган фаолиятни амалга ошириш юзасидан асосий қарорлар қабул қилингунига қадар ўтказилади, ҳамда унинг натижаларидан қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фойдаланилади. Қабул қилинган қарорлар оқибатини таҳлил қилиш АМБТБ вазифасига кирмайди.

Бирламчилик тамойилига асосан, АМБТБни нафақат мўлжалланаётган фаолиятни амалга ошириш мумкинлиги борасида қарорлар қабул қилингунга қадар, балки фаолиятнинг лойиҳаси тўғрисидаги асосий қарорлар чиқарилишидан олдиноқ ўтказилиши мақсадга мувофиқ саналади.

Мўлжалланаётган фаолиятнинг муқобил вариантларини таҳлил қилиш бирламчилик тамойилига амал қилишнинг энг муҳим йўлларидан ҳисобланади. Мазкур фаолият мақсадига етишиш йўлида фаолиятни амалга оширишнинг бир неча муқобил

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

вариантларини кўриб чиқиш ва уларни таққослаш, атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш натижалари бўйича қарорларни эркин қабул қилинишига имконият яратади.

**Комплекслик тамойили** мўлжалланаётган фаолият таъсириларнинг барча омилларини ҳисобга олиш ва уларни таъсирлар натижасида табиий муҳитнинг барча компонентлари (ҳаво, сув ва тупроқ), шунингдек ижтимоий муҳитда юз берадиган ўзгаришлар билан биргаликда кўриб чиқишни назарда тутади. Бу тамойил табиий муҳитни компонентларга бўлииш асосида реал муҳитни тасаввурий соддалаштиришга асосланади. Аслида эса биз жамият билан узвий боғлиқ ҳисобланган ягона табиий тизимга эгамиз. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг вазифасига нафақат табиий муҳит айрим компонентларининг «стандарт ва меъёрлар»ига қанчалик риоя қилиниаётганлигини назорат қилиш, балки мўлжалланаётган фаолиятнинг таъсири оқибатида умуман табиий-ижтимоий тизим қандай жавоб беришини тушуниш ҳам киради.

Мўлжалланган фаолиятнинг турли таъсирларини бир иш тартиби доирасида кўриб чиқилиши, ҳамда улар ҳақидаги маълумотларни ягона ҳужжатда тасвирланиши комплекслилик тамойилининг амалдаги ифодасидир.

АМБТБ жараёнининг илмий-техник тадқиқот бўлмай, балки мақбул қарорлар қабул қилиш воситаси эканлиги демократиклик тамойилининг ифодасидир. Мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф-муҳитга башорат қилинаётган таъсирлари чекланмаган миқдордаги одамлар ва ташкилотларнинг манфаатига даҳл қилади, улар кўпчилигининг эса мазкур фаолиятга нисбатан ҳеч қандай расмий алоқаси йўқ. Бундай ҳолатда турли кўринишдаги рухсатнома, лицензия ва лойиҳалаштириш меъёрлари томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш воситалари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Демократиклик тамойили эса қарорларни қабул қилиш жараёнида манфаатдор томонларнинг бевосита иштирок этиши ҳуқуқини тан олиниши лозимлигини назарда тутади. Шундай қилиб, демократиклик тамойилига асосан барча манфаатдар томонлар АМБТБ жараёнида иштирок этиш имкониятларига эга бўлишлари ва уларнинг фикри хулосани ишлаб чиқиш ва АМБТБ натижаларидан фойдаланишда экспертларнинг хулосалари билан бир қаторда ҳисобга олиниши лозим.

Демократиклик тамойилининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, манфаатдор томонларнинг иштирокини таъминлаш учун АМБТБ барча иштирокчилар учун маълум ва тушунарли қоидаларга мувофиқ ўтказилиши мажбурийдир, яъни атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг регламентли иш тартиби ҳамда мазкур иш тартиби доирасида жараён

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

қатнашчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ белгиланган бўлиши лозим.

Одатда нодемократик АМБТБ процедуралари, қарорлар қабули ёпик холда амалга оширилиладиганда «Технократик» тартибга қарама – қарши кўйилади. Бундай тизимларда, мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири аксарият илмий техник характерга эга деб қабул килинади ва уни кўриб чиқишда эксперт фикри асосий деб ҳисобланади ва қарор қабул килувчи мутахассис фикри асосий деб ҳисобланади. Қарорлар қабул қилишда демократиклик тамойилига амал қилинмаслиги, жараённинг ёпиқлиги бундай тизимларда қарорлар норасмий музокара ва келишувлар асосида, айрим нуфузлик манфаатдор томонларнинг босими остида қабул қилинишига олиб келади. Оқибатда АМБТБнинг ростманалигига путур етказилади.

## 1.3. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг предмети

Мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф–муҳитга таъсири атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг предмети ҳисобланади.

**Таъсир деганда мўлжалланаётган фаолиятнинг амалга оширилиши оқибатида атроф–муҳитда тўлиқ ёки қисман содир бўладиган ўзгаришлар тушунилади.**

Таъсирлар башоратлари ва ушбу таъсирларни юмшатиш учун бажарилиши лозим бўлган тадбирларни ишлаб чиқиш АМБТБ жараёнининг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг тизимли табиати айрим муҳит ва таъсир манбалари учун белгиланган стандартлар ёрдамида ҳисобга олиниши мумкин бўлмаган тўғридан–тўғри кўрсатилмайдиган ва йиғилиб борувчи хусусиятга эга таъсирларни ҳам аниқлаш имконини беради. Бошқа тарафдан эса бундай тизимли таҳлил ва унинг натижасини амалиётда қўллаш мумкин бўлиши учун АМБТБ муҳим ва асосий таъсирларга йўналтирилиши лозим. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш доирасидаги таъсирлар нафақат физик миқдорлар, балки уларни жамиятдаги айрим ижтимоий гуруҳлар ва фуқаролар учун аҳамиятли эканлиги нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқилиши лозим.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш контекстида атроф-муҳит деганда нима тушунилади? АМБТБ жараёнида кўриб чиқиш предмети сифатида биринчи навбатда атроф-муҳитга, яъни табиий муҳит, атроф-муҳитнинг компонентлари, ландшафт кабиларга бўладиган таъсирлар тан олинади. Тарихий-маданий қадриятлар АМБТБ жараёнида кўпчилик ҳолларда кўриб чиқилса, мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири билан у ёки

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

бу даражада боғлиқ бўлган табиий, ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари АМБТБ жараёнида доимо кўриб чиқилади.

Атрофдаги табиий муҳит сифатининг ёмонлашуви маҳаллий аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатади ва ижтимоий (масалан, рекреация имкониятлари қисқариши оқибатида ҳаёт кечириш сифатининг ёмонлашуви) ҳамда иқтисодий (масалан, кўчмас мулклар нархларининг пасайиши) характердаги оқибатларга олиб келади. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш давомида бундай оқибатларни кўриб чиқиш, ҳатто бунинг учун қонуний асослар бўлмаган тақдирда ҳам, ўта муҳимдир. Шунинг учун ҳам АМБТБ таъсирларни жамият, фуқаролар ва уларнинг айрим гуруҳлари учун аҳамиятли эканлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиши лозим. АМБТБ доирасида атроф-муҳит ва ижтимоий–иқтисодий муҳитга бўладиган таъсирларни алоҳида алоҳида қилиб ажратиб кўрсатиш анча мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги кунда ижтимоий–иқтисодий муҳитга бўладиган таъсирлар атроф-муҳитга бўладиган таъсирларнинг ажралмас қисми бўлиши лозимлиги тўғрисидаги тасаввурлар ривожланиб бормоқда. Ушбу муаммо АМБТБ соҳасидаги мутахассис ва тадқиқотчиларнинг фаол муҳокама предматига айланган бўлсада бу борада аниқ бир тизим ва қоидалар ҳали ҳануз ишлаб чиқилмаганлиги кўп ҳолларда баҳсли вазиятларга ҳам олиб келмоқда. Шунинг учун қарор қабул қилувчи идоралар мазкур масалага алоҳида эътибор қаратишлари муҳимдир.

Фаолиятнинг қайси турлари АМБТБнинг предмети бўлиши мумкин? *Мўлжалланаётган фаолият лойиҳаси, яъни хўжалик объекти лойиҳаси АМБТБнинг предмети ҳисобланади*. Лекин одатда лойиҳалар бири-биридан атроф-муҳитга кўрсатиладиган таъсирларнинг кўлами ва характери жиҳатидан фарқ қилади. Аввал таъкидланганидек, АМБТБ тизимининг мақсади инсон фаолиятининг атроф-муҳитга кўрсатадиган салбий таъсирларини камайтириш ҳисобланади. Тизимнинг самарали бўлиши учун асосий эътибор таъсир даражаси юқори бўлган лойиҳаларга йўналтирилиши лозим. Тўлик миқёсдаги АМБТБни барча турдаги лойиҳалар учун ўтказиш яхши самара бермайди, шунинг учун уни йирик лойиҳалар учунгина ўтказилиши мақсадга мувофиқ саналади. Ваҳоланки, йирик лойиҳаларнинг таъсирларида атроф-муҳитнинг турли таркибий қисмлари орасидаги боғлиқликлар яққол кўзга ташланади. Бундан ташқари йирик лойиҳалар ўзига хос даражада ноёб саналади ва амалдаги меъёр ва стандартлар бундай лойиҳаларни баҳолаш учун одатда етарлича имкон бермайди.

Кичик миқёсдаги лойиҳаларни баҳолаш учун эса ўша белгиланган меъёр ва стандартларни қўллаш етарли саналади. Бундай лойиҳаларга нисбатан соддалаштирилган кўринишдаги АМБТБни қўллаш ҳам мумкин. Ностандарт шароитда амалга

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

оширилиши мўлжалланган стандарт кўринишдаги кичик лойиҳалар одатда махсус кўриб чиқилади, масалан, ноёб табиий комплекс якинида амалга оширилиши мўлжалланаётган кичик миқёсли лойиҳа. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашни ўтказиш учун туб аҳолининг жиддий хавотири ҳам асос бўлиши мумкин.

Йирик лойиҳалардан ташқари сезиларли экологик оқибатларга олиб келадиган юкори даражадаги ташаббуслар, яъни турли режа ва дастурлар, соҳавий ривожланиш схемалари, меъёрий актлар лойиҳалари ҳам атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг предмети бўлишлари мумкин.

## 1.4. АМБТБ жараёни иштирокчилари

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг самарали ташкил қилинган тизимлари ҳуқуқ ва бурчлари расмий белгилаб қўйилган иштирокчиларнинг иш тартибини ҳам ўз ичига олади.

### 1) Фаолият ташаббускори

Мўлжалланаётган фаолиятни режалаштириш (лойиҳалаш) ва амалга ошириш учун маъсул бўлган юридик ёки физик шахс **фаолият ташаббускори** саналади. Давлат ҳокимияти органлари ёки хусусий компаниялар (ташкилотлар) ҳам фаолият ташаббускори бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон шароитида фаолият ташаббускори қонунчилик ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган бўлиб, у экологик экспертизага топширилаётган ҳужжатларнинг буюртмачисидир.

“Ифлословчи сарф-ҳаражатларни тўлаши лозим“ ҳамда “фаолият ташабусскори мўлжалланаётган фаолиятнинг экологик жиҳатдан хавфсиз эканлигини исботлаб бериши лозим” каби тамойиллардан келиб чиққан ҳолда аксарият АМБТБ тизимларида АМБТБни ўтказиш билан боғлиқ барча сарф ҳаражатлар фаолият ташаббускори зиммасига юклатилади. Ўзбекистон қонунчилигига асосан ҳам мўлжалланаётган фаолиятнинг экологик хавфсизлигини исбот қилиш маъсулияти унинг ташаббускорига юклатилади. Маълумки, тўлиқ миқёсда олиб бориладиган АМБТБлар катта миқдордаги сарф-ҳаражатларни талаб қилади ва бу ҳаражатларни давлат бюджетига юклаш тўғри ҳисобланмайди.

Мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсирларини башорат қилиш, башорат натижаларини ёритувчи ҳужжатларни тайёрлаш, ҳамда уни жамоатчилик билан муҳокама қилиш каби ишлар фаолият ташаббускорининг АМБТБни ўтказишдаги асосий вазифалари саналади.

### 2) Махсус ваколатли ташкилотлар

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёни ёки белгиланган фаоллиятга у ёки бу даражада алоқадор бўлган

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

ташкилот ва муассасалар махсус ваколатли ташкилотлар ҳисобланади. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёнида мазкур ташкилотлар одатда учта асосий функциясини бажарадилар.

**АМБТБ жараёни устидан назорат**

Бу вазифани одатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг ташкилотлари ёки АМБТБ бўйича махсус агентликлар, давлат томонидан ташкил этиладиган давлат бўлимлари ёки мустақил бўлимлар бажаради. Уларнинг вазифасига атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш тартибига риоя қилинишини назорат қилиш ҳамда атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш бўйича тузиладиган ҳужжатлар сифатини текшириш киради. Қарор қабул қилиш учун маълумотларнинг етарлилиги, уларнинг ишончлилиги ва таъсирларнинг тўғри аниқланганлиги мазкур текширишнинг асосий предмети саналади.

**Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш натижалари бўйича қарор қабул қилиш**

Амалда барча давлатларда мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширилиши тўғрисидаги қарор давлат органлари томонидан рухсатнома ва лицензиялар бериш орқали қабул килинади. Бунда мўлжалланаётган фаолиятни амалга ошириш тўғрисидаги қарорни чиқариш учун АМБТБ маълумотлари асос бўлиб хизмат қилади. Одатда АМБТБ хулосалари бўйича қарор қабул қилиш АМБТБ сифатини назорат килувчи ташкилот, яъни табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бажарилади.

Айрим ҳолларда фаолият ташаббускори АМБТБ натижаларини ҳисобга олган холда уни амалга ошириш ҳақида мустақил равишда қарор қабул қилиши мумкин. Бундай вазиятни АМБТБни назорат қилувчи давлат ташкилотининг ўзи фаолият ташаббускори бўлган ҳолларда учратиш мумкин.

**Мўлжалланган фаолиятнинг алоҳида жиҳатларини мувофиқлаштириш**

Турли бўғиндаги махсус ташкилотлар, агентликлар ер-сув ва ўрмонлар ҳолати ҳамда аҳоли саломатлиги учун маъсулдирлар. Бу ташкилотлар мўлжалланаётган фаолиятнинг алоҳида жиҳатларини мувофиқлаштиришлари лозимдир. Масалан, мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш миқдори, чиқиндилар миқдори ва бошқаларни.

Бундай функцияларни аксарият АМБТБ тизимларида давлат ташкилотлари бажарадилар. Халқаро ташкилотларнинг (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт ва тикланиш банки каби) АМБТБ тизимларида «махсус ваколатли ташкилотларнинг» вазифаларини мазкур халқаро ташкилотларнинг бўлимлари бажарадилар. Улар молиялаштиришга талабгорлик қилаётган фаолият ташаббусларини белгиланган иш тартибига риоя қилишини назорат қилади, атроф-

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш ҳужжатлари сифатини баҳолайди, ҳамда маблағ ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

**3) Бошқа манфаатдор томонлар**

Ҳар қандай йирик лойиҳани амалга оширилиши ва унинг экологик жиҳатлари жамиятнинг, шу жумладан кўплаб ташкилотлар ва муассасаларнинг, ижтимоий гуруҳлар ва айрим фуқароларнинг манфаатларига таъсир ўтказади. Манфаатларни мазкур томонлар билан мувофиқлаштириш, ҳеч бўлмаганда мўлжалланаётган фаолиятни режалаштиришда юқоридаги томонлар манфаатларини ҳисобга олиш, атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Манфаатдор томонлар билан ўзаро мулоқотлар атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёнининг “маслаҳатлашувлар ва жамоатчилик иштироки” бўлими доирасида олиб борилади.

Манфаатдор томонларнинг баҳолаш жараёнидаги роли қуйидагилардан иборатдир:

- улар ўзларининг, баъзида эса маълум гуруҳларнинг манфаатларини ифода этишади;
- улар атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш учун зарур ва муҳим ҳисобланган ахборотларни беришади.

Фаолиятнинг у ёки бу жиҳатига алоқадор бўлган давлат ташкилотлари (масалан, махсус агентликлар) ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашда манфаатдор томонлар бўлишлари мумкин. Давлат ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида ҳудуддаги аҳолининг манфаатларини фаолият учун рухсатнома бериш вақтида албатта эътиборга олишлари лозим. Айрим давлат ташкилотлари, маслаҳатлашувлар жараёнида иштирок мобайнида АМБТБни бажариш учун зарур бўладиган маълумотларни олиш учун манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бошқа давлат ташкилотлари эса атроф-муҳитга таъсирларни баҳолаш ишларини тўғри йўлга солиб туришади ва баҳолаш ҳужжатларига нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини тавсия тариқасида ифодалашади. Нихоят, айрим давлат ташкилотларининг ўзлари АМБТБ предмети ҳисобланган фаолиятни амалга оширишлари мумкин. Бу омил режалаштириш жараёнида ташаббускор томонидан ҳисобга олиниши лозим, бунинг учун эса ушбу ташкилотлар ўзаро алоқада ишлашлари лозим. Амалда барча миллий АМБТБ тизимларида, атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш давомида ҳамкорликда иш олиб борилиши лозим бўлган давлат ташкилотларининг рўйхати белгилаб қўйилган.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёнида алоқа ўрнатилиши лозим бўлган томонлар фақат давлат

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

ташкилотлари билан чегараланмайди. Ваҳоланки нодавлат ташкилотлари (масалан, илмий муассасалар) айнан мазкур таъсирларни башорат қилиш ёки уларни миқёсини баҳолаш учун зарур бўлган қимматли маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Ва ниҳоят кенг жамоатчилик оммаси, яъни лойиҳа амалга ошириладиган худуддаги аҳоли манфаатдор томон бўлиши мумкин. Санаб ўтилган томонлар расмий белгиланган ваколатларга, назорат қилиш ёки фармойиш бериш ҳуқуқларига эга бўлмасаларда, уларни АМБТБ жараёнига жалб қилиш кўплаб низоли вазиятларни олдини олишга имконият яратади.

**4) АМБТБни бажарувчилар**

АМБТБнинг маълум қисмларини бажариш учун жараён қатнашчилари юқори малакали мутахассисларни жалб қилишлари мумкин. Масалан фаолият ташаббускори АМБТБнинг ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки атроф-муҳитга бўладиган таъсирлар тўғрисида баёнотни (АМБТТБ) тайёрлаш учун махсус ташкилотларнинг хизматидан фойдаланиши мумкин. Давлат ташкилотлари АМБТБ ҳужжатлари сифатини аниқлаш учун маслаҳатчиларни, жамоатчилик эса мўлжалланаётган фаолиятнинг турли жиҳатларини баҳолаш учун мустақил экспертларни жалб қилишлари мумкин. Мазкур четдан таклиф қилинадиган бажарувчилар жараённинг мустақил иштирокчилари бўлмай, улар фақатгина таклиф қилувчи белгилаган масалаларни ҳал қилади холос, улар ишининг сифати учун эса таклиф қилувчи маъсул ҳисобланади. Аммо мазкур бажарувчиларнинг малакаси АМБТБнинг сифатли бўлишида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун, бундай бажарувчиларнинг фаолият юритиш ҳуқуқи одатда давлатнинг маъсул ташкилотлари томонидан лицензияланади.

**5) АМБТБни ўтказиш учун маъсуллар**

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёни бир неча элементлардан иборат. Мазкур элементлар учун (АМБТБни тайёрлаш, унинг сифатини назорат қилиш, фаолият юзасидан қарор чиқариш) жараённинг турли иштирокчилари масъул ҳисобланишади.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг асосий қисми, яъни АМБТБ учун зарур маълумотларни тўплаш, таъсирларни башорат қилиш, уларни миқёсини баҳолаш ва атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг якуний ҳужжатларини тайёрлаш энг муҳим саналади. Одатда жараённинг мазкур қисми манфаатдор томонлар билан ўзаро алоқалар ўрнатишни талаб қилади. **АМБТБнинг аксарият тизимларида мазкур ишларни бажариш маъсулияти фаолият ташаббускори зиммасига юклатилган.**

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Мазкур масалада АҚШнинг Калифорния штати ва Европанинг Эстония давлатида сал бошқачароқ йўл тутилади. Уларнинг тизимларида фаолият ташаббускори АМБТБни бажарувчини тендер асосида аниқлаб унинг фаолиятини молиялаштирсада, АМБТБни бажарувчи фаолият ташаббускорига эмас, балки тўғридан-тўғри федерал ҳукуматга ҳисобот беради.

Юқоридаги бу икки ёндошувдан қайси бири самаралироқ эканлиги тўғрисида ҳали-ҳануз бир тўхтамга келинмаган бўлсада, фаолиятни лойиҳалаш ва АМБТБ жараёнлари орасидаги ўзаро боғлиқлик лойиҳага вақтида ўзгартиришлар киритилишига имконият яратади. Натижада ҳам фаолият лойиҳаси, ҳам АМБТБнинг сифатли бўлишига эришилади.

Шунинг учун кўплаб мутахассислар ва амалиётчилар атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг «асосий қисмини» фаолият ташаббускорининг масъулиятида бўлишини ёқлашади ва самаралироқ деб ҳисоблашади. Бироқ бунда атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёни ва ҳужжатлар сифати назоратининг мустақиллиги доимо таъминланиши лозим.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

# 2 – БОБ. АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛАДИГАН ТАЪСИРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Мўлжалланаётган фаолиятни атроф-муҳитга бўладиган таъсирларини баҳолашнинг асосий элементлари одатда меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлади. Ушбу элементлар аксарият ҳолларда баҳолаш жараёнида алоҳида босқич сифатида, баъзи ҳолларда эса уларнинг бир нечтаси ўзаро бирлашган шаклда иштирок этади.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёнини схематик тарзда тасаввур қилиш жараённи тўлиқроқ тушуниш ва унинг элементларини яхшироқ англаш учун имконият яратади.

## 2.1. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёнининг умумий схемаси

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёнининг умумий схемасини қуйидаги шаклдагидай тасаввур қилиш мумкин (1-расм).

## 2.2. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёнининг асчосий элементлари

Мўлжалланаётган фаолиятни атроф-муҳитга бўладиган таъсирларини баҳолаш жараёни **АМБТБ ўтказилишининг зарурлиги** тўғрисида қарор қабул қилишдан бошланади. Ушбу қарор фаолият ташаббускори ёки давлат идоралари томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ва АМБТБ ўтказилиши лозим бўлган фаолиятлар рўйхати ҳамда мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсирларини дастлабки баҳолаш натижалари асосида қабул қилиниши мумкин. Дастлабки баҳолаш норасмий ҳолатда ҳам, махсус белгилаб қўйилган жараён тарзида ҳам ўтказилиши мумкин. Мазкур босқичда атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг объекти аниқлаб олинади. Баҳолаш объектининг аниқ кўрсатилиши мўлжалланаётган фаолиятни фақат бир қисминигина баҳолаш ҳолларини олдини олади. Масалан, йўл қурилиши кўзда тутилаётган ҳолатда, АМБТБ фақат йўлнинг қурилаётган участкаси учунгина эмас, балки мазкур йўлга туташувчи қўшимча йўллар ва йўл бўйлаб барпо қилинадиган барча объектлар, яъни ушбу йўл туфайли юз берадиган барча ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Кейинги босқич **АМБТБ вазифаларини аниқлаш**дан иборат бўлиб, унда ўрганилиши шарт бўлган энг аҳамиятли таъсирлар, мўлжалланаётган фаолиятнинг баҳолаш жараёнида таҳлил қилинадиган ва таққосланадиган муқобил варинтлари аниқланади. Одатда шу босқичда атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

баҳолашни ўтказишнинг дастурлари тузилади. Мазкур дастурларга жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар, зарурий келишувлар ва бошқа тадбирларни киритилиши асосий шартлардан саналади. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг вазифаларини ташаббускор ёки АМБТБни бажарувчининг ўзлари бевосита ёки давлат ҳокимияти органлари ва манфаатдор томонлар иштирокида аниқлашади ва режалаштиришади. Одатда АМБТБ дастури ёки техник топшириғи расмий

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.




1-расм. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёнининг умумий схемаси

характерга эга бўлиб, давлат органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Кутилаётган таъсирларни башоратлаш, таҳлил қилиш ва уларни аҳамиятлилигини баҳолаш АМБТБ жараёнининг асосий босқичи ҳисобланади. Бунда нафақат таъсир ўтказувчи омилларнинг физик қийматлари (зарарли моддаларнинг ҳажми ёки концентрацияси), балки таъсирлар оқибатида атроф-муҳитнинг турли қисмларида (сув, ҳаво, ландашафт, фауна ва флора) рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳамда улар орасидаги боғлиқликлар атрофлича ўрганилиши лозим. Шу билан бирга мўлжалланаётган фаолиятнинг аҳоли соғлиғи, тарихий-маданий қадриятлар, ижтимоий-иқтисодий ҳолатга кўрсатадиган таъсирлари ҳам батафсил ўрганилиши лозим. Бунда мўлжалланаётган фаолият амалга оширилишининг оқибатлари нафақат миқдорий, балки аҳамиятлилик жиҳатидан ҳам баҳоланиши шарт. Мўлжалланаётган фаолиятни муқобил вариантларини таққослаш ва улар орасидан энг мақбулини танлаб олиш имкониятларини яратиш учун кутилаётган таъсирлар барча вариантлар учун ўрганиб чиқлиши лозим. АМБТБнинг мазкур босқичи одатда фаолият ташаббускори ёки унинг буюртмаси асосида бажарувчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

**Таъсирларни юмшатиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.** Таъсирларни баҳолаш жараёнида тўпланажак маълумотлар фаолиятнинг муқобил вариантларидан бирини танлашга ёки таъсирлари камайтирилган янги лойиҳавий ечимлар қидиришга олиб келади. Таъсирларни юмшатиш деганда одатда атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни олдини оладиган ёки камайтирадиган (масалан, тозалаш иншоотларини қуриш ёки чиқиндиларни камайтирувчи технологияларни қўллаш), атроф-муҳитга етказиладиган зарарни йуқотадиган ёки камайтирадиган амаллар ҳамда зарарни қоплаш учун тўловлар тушунилади. Бунга теварак-атрофни ободонлаштириш, фаолият ташаббускори томонидан маҳаллий аҳолига кўрсатиладиган хизмат баҳоларини камайтириш ва айрим ҳолларда маҳаллий аҳолига тўғридан-тўғри бадал тўлаш каби тадбирлар мисол бўлади. Танланган тадбирлар асосланган, экологик самарадор бўлиши ва улар АМБТБ ҳужжатларида аниқ акс эттирлиши лозим. Одатда бунга ташаббускор ва бажарувчи маъсул саналадилар.

**Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг якунловчи ҳужжатларини (**атроф-муҳитга бўладиган таъсирлар тўғрисида баёнот **- АМБТТБ)** тузиш фаолият ташаббускорининг вазифаси ҳисобланади ва одатда унинг топшириғига асосан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчи ташкилот ёки бошқа махсус ташкилотлар томонидан амалга оширилади. АМБТБ бўйича ҳужжатлар биринчи навбатда мўлжалланаётган фаолият бўйича тушунарли қарорларни қабул қилишга ёрдам бериши лозим. Бундан ташқари ушбу ҳужжатлар манфаатдор шахслар ва ташкилотлар

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

учун мўлжалланаётган фаолият ва унинг таъсирлари тўғрисида тўлиқ ахборот бериши лозим. Шунинг учун мазкур ҳужжатларда таъсирларни баҳолашнинг асосий хулосаларини қисқа ва тушунарли шаклда ифодаланиши муҳим саналади.

**Маслаҳатлашувлар ва жамоатчилик иштироки.** Манфаатдор томонлар билан ўзаро алоқалар – маслаҳатлашувлар ва жамоатчиликнинг иштироки атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг барча босқичларида мақсадга мувофиқдир. Масалан, АМБТБ вазифаларини аниқлаш босқичида атроф-муҳитга таъсир этувчи қайси омиллар жамоатчиликни кўпроқ ташвишга солиши тўғрисидаги фикрларни билиш ва уларни инобатга олиш АМБТБни самарали бўлиши учун фойдалидир.

Баъзи мамлакатларда маслаҳатлашувлар ва жамоатчиликнинг иштироки АМБТБда алоҳида босқич сифатида қаралади. Бу босқичнинг асосий мазмуни АМБТБ якунловчи ҳужжатларини муҳокама қилиш ва унга нисбатан фикр-мулоҳазалар билдиришдан иборатдир. жамоатчилик ва бошқа манфаатдор томонлар маълум муддат давомида мазкур ҳужжатдан фойдалана оладилар ва ўз мулоҳаза ва таклифларини билдиришлари мумкин. Худди шу вақтнинг ўзида ҳужжатлар давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга расмий изоҳ ва таклифлар олиш учун юборилади. Ушбу босқичда жамоатчилик эшитувини ўтказиш ва улар натижаларини таъсирларни баҳолаш бўйича ҳужжатларга киритиш кенг тарқалган талаблардан саналади.

**АМБТБ тўлиқлиги ва сифатини баҳолаш.** Аксарият ҳолларда АМБТБ натижаларидан фойдаланувчи шахсларнинг АМБТБ сифатини баҳолаш имкониятига эга эмасликлари туфайли АМБТБ ҳужжатларининг сифатини текшириш талаб қилинади. Бундай текширув одатда махсус тайинланган доимий ишловчи комиссия, табиатни муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тайинланадиган лицензияли экспертлар ёки табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан ўтказилади. Мазкур баҳолаш жараёнида манфаатдор томонларнинг иштироки ҳам таъминланади. Ўзбекистон шароитида таъсирларни баҳолаш юзасидан тақдим этиладиган ҳужжатларининг тўлиқ ва тўғрилиги одатда давлат экологик экспертизасини ўтказиш пайтида текширилади.

**Қарор чиқаришда атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш натижаларини ҳисобга олиш**. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг максади, экологик омиллар билан бир қаторда техник ва иктисодий омилларни ҳам ҳисобга олувчи қарорларни чиқаришга имконият яратишдир.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларини баҳолашнинг оралиқ ва якуний натижаларидан манфаатдор томонлар қуйидаги ҳолларда фойдаланишади:

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

– *лойиҳачилар* - лойиҳанинг атроф-муҳитга минимал таъсир этувчи ечимларини танлашда ва таъсирларни юмшатиш тадбирларини режалаштиришда;
– *ташаббускор* - мўлжалланаётган фаолиятнинг муқобил вариантларини танлашда;
– *кредит-молия ташкилотлари* - мўлжалланаётган фаолиятни амалга ошириш учун маблағ ажратиш юзасидан қарорлар қабул қилишда;
– *табиатни муҳофаза қилиш учун масъул ташкилотлар* – табиатдан фойдаланиш учун рухсатномалар бериш ва табиатдан фойдаланиш шартларини келишишда;
– *бошқа давлат назорат органлари, ҳукумат ва ўз–ўзини бошқариш органлари* - мўлжалланаётган фаолиятни лицензиялаш ва рухсатнома бериш учун қарор чиқаришда.

**Лойиҳадан кейинги босқичлар.** АМБТБ жараёнининг самарадорлигини баҳолаш натижаларини нафақат фаолиятни режалаштириш босқичида ҳисобга олинишига, балки фаолиятни амалга ошириш даврида уларга нечоғлик амал қилинаётганлигига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳозирда асосий эътибор мўлжалланаётган фаолият тасдиқлангандан сўнг ўтказиладиган АМБТБ босқичлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда АМБТБ ҳужжатларига салбий таъсирларни юмшатиш тадбирларини бажарилишини тўлиқ ёритувчи экологик менеджмент режаси ҳам киритилмоқда. Экологик менеджмент режасига таъсирларнинг ҳақиқий миқёслари мониторинги ва уларни башорат қилинган миқёслар билан таққослаш дастури ҳам киритилади. Бундай ёндошув бутун АМБТБ тизимнинг бойишига яхши имкониятлар яратади.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

# 3-БОБ. АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРЛАРНИ БАҲОЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ БОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧЛАРИ

## 3.1 АМБТБни ўтказишнинг заруряти тўғрисида қарор

АМБТБ мўлжалланаётган фаолиятнинг қайси турлари учун ўтказилиши лозим? Мўлжалланаётган фаолиятлар атроф-муҳитга таъсирларни баҳолаш билан канчалик кенг қамраб олинган бўлса, экологик қонунчилик шундай даражада қаттиқ қўлдай ва атроф-муҳит шунчалик даражада яхши муҳофаза қилинадигандек туюлади. Яъни мўлжалланаётган фаолиятнинг экологик баҳоланиши ўзини оқлайдигандай ҳисобланади. Баъзи тизимларда юқоридагидек йўл тутилади ва барча турдаги фаолиятлар учун АМБТБ ўтказиш талаб қилинади.

Бироқ ёппасига АМБТБ ўтказишдан тийилишга ундовчи жиддий сабаблар мажуд бўлиб, улардан бири иктисодий мазмундаги сабабдир: барча ташаббус лойиҳалари учун тўлиқ масштабда АМБТБни ўтказишни талаб қилиш ва амалга ошириш ишбилармонлар (айниқса, кичик ва ўрта бизнес) йўлида кераксиз бюрократик ғовларни вужудга келтириши мумкин. Бундай амалиёт, ўз навбатида ушбу (АМБТБ) жараёнда иштирок этувчи ёки уни назорат қилувчи давлат органларидан улкан ресурсларни талаб қилади.

Бошқа сабаб эса АМБТБ жараёнини ростлаб турувчи меъёрлар билан боғлиқ. Масалан, нефть терминали ва автомобил ёнилғиси қуйиш шохобчасига (АЁҚШ) АМБТБнинг бир хил стандартларини қўллаш баъзи бир қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Яъни АМБТБнинг иш тартиби нефть терминали лойиҳасига мос келса, АЁҚШ лойиҳасини амалга оширишда ушбу меъёрларни бажариш имконияти йўқ ва бу нарса ўз-ўзидан ишни бошланишиданоқ қонунларни бузилишига олиб келади ва коррупцияга замин яратади. Аксинча вазиятда эса, яъни АМБТБнинг иш тартиби АЁҚШ лойиҳасига мос бўлса, бу ўз-ўзидан нефт терминалидай хавфли лойиҳаларни атроф-муҳитга таъсирларни баҳолаш стандартларини кескин пасайтириб юборади. Шундай килиб барча турдаги фаолиятларни бир хилда баҳолаш атроф-муҳит муҳофазаси ўрнига лойҳаларни амалга оширишда ноўрин вақт сарфига, буюртмачи ва давлатни кераксиз сарф-ҳаражатлар қилишга, АМБТБни ўтказишнинг умумий стандартларини пасайишига ва маълум қонунбузарликларга олиб келади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ***атроф-муҳитга таъсирларни баҳолашнинг мазмуни ва иш тартиби***

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

***мўлжалланаётган фаолиятнинг потенциал экологик хавфига мос келиши лозим***.

Шунинг учун, кўп давлатларда тўлиқ ҳажмда АМБТБ ўтказиш фақат айрим турдаги фаолият турлари учунгина талаб этилади.

**АМБТБ зарур бўлган фаолият турларини аниқлаш тизими қуйидаги шартларни қониқтириши лозим:**

- **Атроф-муҳит учун потенциал хавфли бўлган барча лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсирларини кўриб чиқилишини таъминлаши.** Тарихий тажрибалардан маълумки айрим турдаги лойҳаларнинг (масалан, атом станциялари, нефть қувурлари, ахлатларни ёқувчи заводлар) экологик хавфи юқори даражададир. Бундай лойиҳалар учун АМБТБ ўтказилиши албатта шарт. Баъзи лойиҳаларнинг (масалан, иссиқлик электростанцияси) хавфлилик даражаси эса уларнинг қўлланиш кўлами билан боғлиқ. Бундай шароитда АМБТБ уларнинг катталиги «чегаралланган қийматдан» ошгандагина (масалан: электростанцияда иссиқлик қуввати маълум чегарадан ўтгандан сўнг) лозим бўлади.
- **АМБТБ ўтказиш учун қарор қабул қилишда махалий шароитларни ҳисобга олиш.** АМБТБ ўтказиш зарурлигини лойиҳанинг нафақат тури ва кўлами аниқлайди. Масалан, гап махаллий аҳамиятга эга бўлган йўл ҳақида бормоқда дейлик, бундай лойиҳа, одатда атроф-муҳитга кучли таъсир қилиш хусусиятига эга эмас ва ушбу лойиҳа учун АМБТБ ўтказиш талаб қилинмайди. Аммо худди шундай катталикдаги йўл «миллий боғ», яъни қўриқхона ҳудудидан ўтса, лойиҳа оқибатлари анча жиддий бўлиши мумкин. Шунинг учун ушбу ҳолатда АМБТБ ўтказиш мақсадга мувофиқ саналади. Шундай қилиб, АМБТБ ўтказиш учун қарор қабул қилишда махалий шароитларни ҳисобга олиш зарурдир.
- **АМБТБни ўтказиш учун қарор қабул қилишда маҳаллий аҳоли ва бошқа манфаатдор томонлар билан ўзаро мулоқотга киришиш.** «Миллий боғ» билан боғлиқ мисолда маҳаллий шароитлар оддийгина ҳисобга олиниши мумкин, масалан барча миллий боғлар лойиҳаларига АМБТБнинг мажбурий талабларини киритиш орқали. Аммо шундай ҳолатлар бўлиши мумкинки махаллий шароитлар ўзига хос бўлиши ва бу ўзига хослик алоҳида расмий ҳуқуқий ҳолат билан белгиланган бўлмаса. Масалан гап алоҳида муҳофаза қилинмаган табиий ёдгорлик ҳақида бормоқда десак. Мазкур объект лойиҳа амалга оширилиши натижасида зарур бўлиши мумкин Ушбу объект тўғрисида маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий аҳоли яхши хабардор. Шунинг учун ҳам, **АМБТБни ўтказиш учун қарор қабул қилишда маҳаллий аҳоли ва бошқа манфаатдор томонлар билан ўзаро мулоқотга киришиш** мақсадга мувофиқдир. Бу нарса

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

ахборотлар олиш ва манфаатдор томонлар фикрларини эътиборга олиш имконини беради, ҳамда келажакда низолар чиқишини олдини олади.

- Ваниҳоят, ресурсларни иқтисод қилиш ва уларни хақиқатдан ҳам экологик жиҳатдан хавфли бўлган лойиҳаларни АМБТБсига сарфлаш мақсадида экологик жиҳатдан хавфли бўлмаган оддий фаолият турлари учун соддалаштирилган АМБТБ ўтказиш ёки умуман ўтказмаслик.

## 3.2 АМБТБ ўтказиш лозим бўлган фаолиятларни танлаш

АМБТБ объектини аниқлашнинг икки принципиал ёндошуви мавжуд. Биринчи ёндошув барча фаолиятларни (лойиҳаларни) атроф-муҳитга таъсирларини дастлабки баҳолашга асосланади. Бундай баҳолаш натижасида АМБТБни ўтказишга зарурият бор ёки йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

Бунда иш одатда атроф-муҳитга таъсирларни дастлабки баҳолаш ҳужжатларини нашр қилиш билан тугатилади, унда «кучли таъсирнинг» йўқлиги баён қилинади ёки кенг кўламда АМБТБ ўтказиш тўғрисда қарор қабул килинади.

Атроф-муҳитга таъсирларни дастлабки баҳолаш ёрдамида лойиҳаларни танлаш тизимининг афзаллиги унинг мослашувчанлигидир: у лойиҳаларда маҳаллий шароитлар ўзига хосликлари, қонунлар, манфаатдор томонлар фикрлари ва бошқа омилларни ҳисобга олиш имконини беради. Бундай тизим АМБТБ ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги қарор қабул қилиш босқичининг ўзидаёқ жамоатчилик иштирокига имконият яратади. Атроф-муҳитга таъсирларни дастлабки баҳолаш кенг кўламли АМБТБ ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хизмат қилади ва ўрганилиши талаб этиладиган аҳамиятли таъсирларни аниқлашга хизмат қилади. Дастлабки баҳолаш маълум даражада тўлиқ баҳолашда бажариладиган таъсирларни аниқлаш ва башорат қилиш энг қулай лойиҳа ечимларни излаш, жамоатчиликни маълумотлар билан таъминлаш ва уларни фикрини ҳисобга олиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш каби вазифаларни ҳам бажаради. Шунинг учун у экологик нуқтаи назардан хавфи кам бўлган лойиҳалар учун соддалаштирилган баҳолаш тартиби сифатида қаралиши мумкин.

Шу билан бирга бундай баҳолашнинг ўзига хос камчиликлари ҳам бор. Биринчидан, у барча хавфли лойиҳаларни атроф-муҳитга таъсирларини баҳоланиши ўтказилишини кафолатламайди ва уни жараён иштирокчилари ихтиёрида қолдиради. Бу эса маълум шароитларда суистеъмолларга олиб келиши мумкин. Иккинчидан, у барча лойиҳалар учун дастлабки баҳолаш ўтказилишини талаб қилади, бу эса фаолият ташаббускори ва давлат органлари

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

ресурсларига қўшимча оғирлик келтиради. Шундай бўлсада атроф-муҳитга таъсирларни баҳолашни дастлабки ва тўла қамровли турларга бўлиниши барча фаолят турлари учун бир хил таркибли АМБТБ назарда тутилган миллий тизимларда уларнинг самарадорлигини ошириш учун реал йўл ҳисобланади.

Фаолиятларни (лойиҳаларни) танлашнинг иккинчи усули АМБТБ ўтказиш объекти ҳисобланадиган «фаолиятлар турлари» рўйхатидан фойдаланишига асосланган. Одатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар таркибида АМБТБ ўтказиш мажбурий ҳисобланган экологик жиҳатдан хавфли саналган фаолият турлари рўйхати келтирилади. Масалан, Европа Ҳамжамиятининг атроф-муҳитга таъсирларни баҳолаш тўғрисидаги 85/337 Директивасининг 1-иловасида бундай фаолият турларининг рўйхати келтирилган. Баъзи ҳолларда эса АМБТБ ўтказиш талаб қилинмайдиган фаолият турларининг рўйхати ҳам келтирилади. Масалан, АҚШда Атроф-муҳит сифати бўйича Кенгаш АМБТБ умуман талаб қилинмайдиган фаолиятлар турлари рўйхатини белгилайди.

Фаолият турлари меъерий рўйхатларининг афзаллиги уни қўллашнинг оддийлиги ва экологик хавфли лойиҳалар учун АМБТБ ўтказилишини кафолатланганлигидир, камчилиги эса унинг мослашувчан эмаслиги ва АМБТБ ўтказиш зарурлиги тўғрисда қарор чиқаришда жамоатчилик ва манфатдор томонлар иштироки имкониятининг йўқлигидадир. Иккала усул: дастлабки баҳолаш ва меъерий рўйхатлар ўзига хос афзаллик ва камчиликларга эгадир. Шунинг учун уларнинг комбинациясини ишлатиш АМБТБ тизимининг самарали бўлишини таъминлайди.

Шундай қилиб, ўз таркибига:

– меъёрий рўйхатга киритилган экологик хавфли лойиҳаларда мажбурий равишда тўлиқ миқёсли АМБТБ ўтказиш;
– кенгайтирилган рўйхатга киритилган лойиҳалар учун соддалаштирилган дастлабки АМБТБ ўтказиш ва унинг асосида тўлиқ миқёсли АМБТБ ўтказиш зарурлиги тўғрисда қарор қабул қилиш;
– юқоридаги рўйхатларнинг ҳеч бирига кирмаган лойиҳалар учун манфаатдор томонларнинг ташаббуси билан дастлабки ёки тўлиқ миқёсли АМБТБ ўтказиш имкониятининг мавжудлиги каби элементларни олган тизимгина фаолиятни АМБТБ объектига киритишнинг самарали тизими саналади.

### 3.3. АМБТБ вазифаларини аниқлаш

АМБТБни ўтказишнинг асосий мақсади қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларида экологик омилларни ҳисобга олишдан иборатдир.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирлар тўғрисидаги баёнот (АМБТТБ) ҳужжатларининг қисқа ва лўнда бўлиши қарор қабул килувчилар ишини енгиллаштиради. Шунинг учун АМБТБ жараёнининг аввалида ҳужжатга киритилиши лозим бўлган савол ва масалаларни аниқ белгилаб олиш иш юритишни анча енгиллаштиради.

Вазифаларни аниқлаш босқичининг мақсади асосий эътиборни қарор қабул қилишда муҳим рол ўйновчи таъсирларга қаратишдан иборатдир. Қуйдагилар босқичнинг асосий вазифалари саналади:

- АМБТБ «объект»и чегараларини аниқлаш, яъни мўлжалланаётган фаолият доирасида таъсирлари ўрганилиши лозим бўлган иш турларини аниқлаш;
- АМБТБ жараёнида башорат ва таҳлил қилинадиган, ҳамда аҳамиятлилиги баҳоланадиган эътиборга молик таъсирларни аниқлаш.
- қарор қабул қилишда кам роль ўйновчи таъсирларни кўриб чиқишдан олиб ташлаш;
- АМБТБ жараёнида ўрганиладиган муқобил вариантлар доирасини аниқлаш;
- АМБТБни ўтказиш учун зарур бўладиган маълумотларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ва бирламчи маълумотларни олиш;
- таъсирларни башорат қилиш ва баҳолаш учун тавсия қилинадиган усулларни аниқлаш;
- зарурий келишувлар ва қонуний талабларни аниқлаш;
- АМБТБ ўтказиш режасини ишлаб чиқиш, эспертларга бериладиган муддат ва қўйиладиган талабларни аниқлаш;
- манфатдор томонлар билан ўзаро ҳамкорлик, хусусан жамоатчиликни хабардор қилиш ва иштирокини таъминлаш режаларини ишлаб чиқиш.

Вазифаларни шакллантириш АМБТБ бўйича бир-икки мутахасис томонидан амалга оширилади. Шакллантирилган вазифалар асосида АМБТБни ўтказадиган эксперт гуруҳи таркиби аниқланади ва АМБТБ ўтказиш учун техник топшириқ тузилади. Бунда гуруҳга жалб қилинадиган мутахассисларнинг малакаси ва уларни жалб қилиш муддатлари аниқ кўрсатилиши талаб этилади.

АМБТБ вазифаларини аниқлаш турли давлатларда турлича олиб борилади. Баъзи мамлакатларда (масалан, АҚШда) бу иш фаолият ташаббускори томонидан амалга оширилади ва у АМБТБни ўтказувчи экспертлар гуруҳи учун техникавий топшириқни шакллантиради. Бошқа мамлакатларда эса АМБТБ вазифаларини аниқлаш жараёни устидан давлатнинг махсус ваколатли органлари раҳбарлик қилади. Масалан, Словакияда бундай органлар таъсирларни баҳолаш бўйича ҳужжатларда нималар бўлиши тўғрисида махсус қарорлар нашр қилади. Канаданинг Онтарио штатида эса АМБТБ вазифаларини аниқловчи

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

ҳужжат фаолият ташаббускорлари томонидан тайёрланади ва атроф-муҳит муҳофазаси вазирлиги томонидан тасдиқланади.

**АМБТБ вазифаларини аниқлаш қуйидаги тамойилларга асосланади:**

- **Тизимлилик ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш.** Агар АМБТБ ихтиёрийлик асосида ўтказилса, у ўзининг туб мазмунини йўқотади. Аҳамиятли таъсирларни аниқлашга тизимли ёндошувгина бажарувчининг ҳукумат органлари ҳамда жамоатчиликка АМБТБ жараёнида ечиладиган вазифлар доирасини танлаш ўта эркин эмаслигини кўрсатишга имконият яратади.
- **Манфаатдор томонларнинг иштироки.** Турли манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашувларсиз атроф-муҳитга бўладиган таъсирларнинг аҳамиятлиси ва АМБТБ жараёнида ўрганилиши лозим бўлганларини тўлиқ аниқлаш анча қийин ҳисобланади. Айниқса, табиий ва маданий ёдгорликлар, таъсирчан экотизим ва аҳоли гуруҳлари тўғрисидаги маълумотлар АМБТБнинг бошланғич босқичларида турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилик билан маслаҳатлашиш асосидагина олиниши мумкин. Бундай маслаҳатлашувларнинг афзаллиги манфаатдор томонлар жараёнга бошланғич босқичлардаёқ қўшилишидадир, бу эса кейинги босқичларда юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдини олишга ёрдам беради. Маълумки кейинги босқичларда АМБТБ ни ишлаб чиқувчиларга асосан “Нима учун бу таъсирларни ёки атроф-муҳит компонентларини ўрганмадингиз” деган савол берилади. Манфаатдор томонлар ва жамоатчилик иштироки эса бундай саволга ўрин қолдирмайди.
- **Ҳужжатлаштирилганлик.** Ушбу тамойил одатда биринчи икки масалани бажариш механизми ҳисобланади. АМБТБ вазифаларини аниқловчи техник топшириқ, АМБТБ бўйича алоҳида ҳужжат ёки унинг бир қисми кўринишидаги ҳужжатларни тузиш буюртмачи ва бажарувчининг АМБТБни режалаштириш ва манфаатдор томонларни хабардор қилишга ўзига хос ёндошувларини асослаш услубидир. Албатта бундай ҳужжат манфаатдор томонлар, шу жумладан жамоатчилик учун очиқ бўлиши зарур.

## 3.4. Дастлабки баҳолашда аҳамиятли таъсирларни аниқлаш усуллари

Ўрганилиши лозим бўлган аҳамиятли таъсирларни аниқлаш босқичнинг асосий вазифаларидан биридир. Аҳамиятли

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

таъсирларни аниқлашнинг рўйхатлар, матрицалар ва сўровномалар каби бир неча усуллари мавжуд.

**Рўйхатлар усули.** Аҳамиятли таъсирларни аниқлашнинг энг оддий усули, яшаш муҳити компонентларининг тўлиқ рўйхатини кўриб чиқиш ва уларнинг орасидан мўлжалланаётган фаолият натижасида кучлироқ таъсир остига тушадиганларини ажратишдан иборат. Бундай усулга **рўйхатлар усули** дейилади. Атроф-муҳит компонентлари рўйхати одатда 50-100 банддан иборат бўлади ва у одатда АМБТБ бўйича ўқув ва бошқа методик қўлланмаларда келтирилади. Рўйхатнинг афзаллиги, ундан фойдаланишнинг осонлигидадир, камчилиги эса лойиҳани амага оширишнинг турли босқичларда ёки унинг турли жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган таъсирларни ҳисобга олишнинг қийинлигидадир.

**Матрицалар усули.** XX асрнинг 70-йиллари бошида америкалик эколог Леопольд аҳамиятли таъсирларини матрица ёрдамида аниқлашни таклиф қилди. Унинг таклиф қилган матрицаси устунларида фаолият турлари ва лойиҳани амалга оширишнинг турли босқичлари (майдончани тайёрлаш, қўшилувчи йўлларини қуриш, чиқиндиларни тўплаш, фойдаланишни тўхтатиш ва бошқа), қаторларига эса атроф-муҳитнинг компонентлари мос келади (ер ости сувлари, флора ва фауна) акс эттирилади. Қаторлар ва устунларнинг кесишган ерида шартли белгилар ёрдамида аҳамияти, олдиндан айтиб бериш даражаси, таъсир этиш табиати ва бошқа маълумотлар келтирилади (1-жадвал).

Матрицалар аҳамиятли таъсирларни аниқлашда рўйхатларга нисбатан кўпроқ ёрдам беради. Матрица ёрдамида аввалги лойиҳалар тажрибасини осон ҳисобга олиш мумкин. Бундан ташқари, матрицалар нафақат атроф-муҳитда юзага келиши мумкин бўлган аҳамиятли ўзгаришларни, балки жиддий экологик окибатларга олиб келадиган лойиҳа элементларини ҳам кўрсатади. Матрица ва рўйхатларнинг камчилиги тўғридан-тўғри бўлмайдиган ва билвосита таъсирларни аниқлашга мослашмаганлигидадир. Масалан, ер ости сувларига бўладиган таъсир экотизимда ўзгаришларга олиб келади, аммо оддий матрица ёрдамида уни аниқлаш ва тасвирлаш оддий иш эмас. Бундан ташқари жуда кўп устун ва колонкалардан иборат бўлган матрицалар кўллаш учун жуда оғир. Шунинг учун тўғридан-тўғри бўлмайдиган таъсирларни тизимли равишда аниқлаш учун, иккинчи даражали матрицалар қўлланилади.

**Тармоқлар усули.** Аҳамиятли таъсирларни аниқлашнинг яна бир усули тармоқлар усулидир. У мўлжалланаётган фаолият натижасида таъсир остига (тўғридан тўғри бўлмаса ҳам) тушадиган атроф-муҳит компонентларини белгилаб олишдан иборат (3-расм).

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

1-жадвал Тоғолди ҳудудларда суғоришни ривожлантиришни атроф-муҳитга таъсирларнинг аҳамиятлиларини аниқлаш матрицаси

| Фаолият турлари / Атроф мухит компонентлари | **Тайёргарлик ишлари** | | | Қурилиш | | Эксплуатация | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Суғориш тармоқлари ўтадиган ерлар | Экин экиладиган майдонлар | Йўллар | Суғориш тармоғи | **Зовурлар қуриш** | Сувдан фойдаланиш | Ерга ишлов бериш | Экинларга кимёвий ишлов бериш | Окова сувларни чиқариб юбориш |
| Хаво; шу худудда | **қм** | **қм** | **-** | **қм** | **қм** | **-** | | **-** | * |
| минтақада (кис.ёмғир) | | | | | | | | | |
| Глобал (иқлим) | | | **-** | | | **-** | | | |
| Сувлар: ер усти | | | **-** | **қм** | **қм** | **ум** | **-** | **-** | **ум** |
| ер ости | | | | | | | | | **ум** |
| Тупроқ ва геология | **-** | **қм** | **-** | | | | **ум** | **-** | **-** |
| Экотизимлар; қуруқлик | **-** | **-** | **-** | **-** | **-** | | | **-** | |
| сув | | | **-** | | | **-** | | **-** | **ум** |
| Ландшафт/ визуал | **-** | **-** | **-** | **-** | **-** | | **-** | | **-** |
| Ижтимоий | | | | | | **-** | **-** | **-** | **-** |

**Таъсирлар тавсифи:**

- **-** **салбий**
- **?** **ўрганишни талаб қилади**
- **қм** **қисқа муддатли**
- **+** **ижобий**
- ***** **юмшатиш тадбирларига боғлиқ**
- **ум** **узоқ муддатли**
- **энг муҳим**

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

3-расм - Тоғ олди ҳудудларида суғоришни ривожлантиришни атроф-муҳитга бўладиган таъсирларини аҳамиятлиларини тармоқ усулида аниқлаш

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

# 4-БОБ АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛАДИГАН ТАЪСИРЛАР КЎЛАМИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

Мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсирларини башорат қилиш ва уларни аҳамиятлилигини аниқлаш АМБТБ жараёнининг энг муҳим босқичларидан биридир. Бу босқичнинг асосий мақсади фаолиятнинг муқобил саналган ҳар бир вариантини амалга оширилиши натижасида атроф-муҳитда қандай ўзгаришлар содир бўлишини аниқлаш, ҳамда бу ўзгаришларнинг нечоғли муҳим ва аҳамиятли эканлигини баҳолашдан иборат бўлиб у:

– атроф-муҳитнинг мўлжалланаётган фаолият таъсир этиши мумкин бўлган компонентларини ўрганиш;
– мўлжалланаётган фаолият оқибатида атроф-муҳитда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни башорат ва таҳлил қилиш;
– уларни аҳамиятлилигини баҳолаш асосида амалга оширилади.

Атроф-муҳитга таъсирларни башорат ва таҳлил қилиш босқичи аҳамиятли таъсирларни аниқлашнинг дастлабки босқичи билан узвий боғлиқ ҳисобланади, чунки дастлабки босқичда танлаб олинган таъсирлар бу ерда башорат ва таҳлил қилинади. Бошқа томондан қараганда, таъсирларнинг аҳамиятлилигини башорат қилиш ва баҳолаш натижалари АМБТБ ҳужжатларининг асосини ташкил қилади ва улардан мўлжалланаётган фаолият тўғрисида лойиҳавий, маъмурий ва бошқа қарорларни қабул қилишда фойдаланилади.

Мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширилиши натижасида таъсир остига тушадиган атроф-муҳит компонентларини ўрганиш ва тавсифлаш ҳамда атроф-муҳитда бўладиган ўзгаришларнинг башорати ва таҳлили одатда мутахассислар томонидан махсус илмий усуллардан фойдаланиш ёрдамида амалга оширилади.

## 4.1 Атроф-муҳитни тавсифлаш

### 4.1.1. Табиий шароит ва атроф-муҳит компонентларининг тавсифи

Атроф-муҳит тўғрисида маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишда АМБТБ ўтказилишини асосий мақсади мўлжалланаётган фаолият бўйича қарорлар қабул қилишда экологик омилларни ҳисобга олиш эканлигини эсдан чиқармаслик муҳимдир.

Атроф-муҳит ҳолатини узундан-узоқ тавсифлаш қарор қабул қилувчилар ишини енгиллаштирмайди. АМБТБ жараёнида табиий муҳитнинг қарор қабул қилиш учун керакли бўлган компонентлари ҳолатинигина таҳлил қилиниши етарли ҳисобланади. Шунинг учун таъсирлар башорати давомида тўлиқ ўрганилувчи ўзгаришлар юз берадиган атроф-муҳит

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

компонентларинигина танлаб олиш зарур. Бунда қуйидаги саволларга эътибор қаратиш муҳимдир:

– компонентларнинг ҳолатига мўлжалланаётган фаолият таъсир қиладими?
– мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширишга бу компонентлар таъсир этадими?
– улар жамаотчилик учун қандай аҳамиятга эга?

Табиий муҳитнинг мавжуд ҳолатини тавсифлашнинг фаолиятни кўрилаётган вариантлари оқибатларини тўлиқ тушунишга имконият берадиган даражаси етарли саналади. Мавжуд ҳолатни узундан-узоқ тавсифлаш атроф-муҳитга таъсир тўғрисидаги баёнотни яхшиламайди.

Атроф-муҳитга таъсир тўғрисидаги баёнотни тайёрлашда табиий шароитни тавсифлаш ва атроф-муҳит компонентларини танлаш учун тизимли жараённи қўллаш тавсия қилинади (Canter L.W., 1996 й.) (4-расм).




4-расм. АМБТБ ҳужжатларида тавсифланадиган атроф-муҳит компонентларини танлаб олиш

Атроф-муҳитни тавсифланиши лозим бўлган компонентларининг рўйхати мўлжалланаётган фаолият ва

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

кутилаётган таъсирларнинг турига боғлиқ.. Мўлжалланаётган фаолият учун аввал бажарилган дастлабки баҳолаш ҳужжатларини таҳлил қилиш атроф-муҳитнинг қайси табиий шароитлари ва компонентларини тавсифлаш зарурлигини аниқлашда муҳим роль ўйнаши мумкин. Атроф-муҳитни тавсифлашга тайёргарлик кўришда кутилаётган таъсирлар чегарасини яна бир бор аниқлаштириб олиш лозим.

Табиий шароит ва атроф-муҳит компонентларини тавсифлаш билан бир қаторда фаолият амалга ошириладиган ҳудуддаги ижтимоий-иктисодий муҳитнинг энг муҳим таркибий қисмлари аниқланиши ва тависфланиши лозим. Чунки АМБТБ ўтказишда атроф-муҳит бир бутун табиий-ижтимоий тизим сифатида қаралади ва атроф-муҳитдаги ўзгаришлар аксарият ҳолларда ижтимоий-иктисодий ҳарактердаги оқибатларга олиб келади.

Атроф-муҳитнинг ҳозирги ҳолати ва уни ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилишда фонд маълумотлари, адабий манбалардан фойдаланиш, изланишлар ўтказиш ва ўз маълумотларини тўплаш мумкин.

Атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг кўп қисмини давлат ташкилотлари, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари ва жамоат ташкилотларидан олиш мумкин.

4.1 -жадвал - Атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг айрим манбалари
(Ўзбекистон шароитида)

| Табиий шароит ва атроф-муҳит компонентлари | Маълумотларни қаердан олиш мумкин |
|---|---|
| Атмосфера ҳавосини ифлосланиши даражаси | Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси |
| Иқлим | Узгидромет фонд маълумотлари |
| Сув ресурслари миқдори ва сифати | Узгидромет фонд маълумотлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси |
| Тупроқ шароитлари, ўсимликлар | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси |
| Ресурслардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш | Макроиқтисодиёт вазирлиги |
| Ижтимоий-иктисодий жиҳатлар ва аҳоли соғлиги | Статик ҳисоботлар, СЭС, аҳоли ўртасидаги сўровномалар |

АМБТБ жараёнида табиий шароит нафақат илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиниши, балки жамоатчиликка ва қарор қабул қилувчи шахсларга унинг ноёблиги, қадрлилиги, нозиклиги ва бошқалар тўғрисида хулоса чиқаришга имконият яратадиган сўзлар

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

билан тавсифланиши лозим. Масалан, маълум биологик турнинг яшаш муҳитини тавсифлашда, бу турнинг камёблиги, уни яшаш муҳитини ўзига хослиги ва нозиклиги каби маълумотлар алоҳида кўрсатилиши лозим.

Одатда атроф-муҳитнинг амалдаги ҳолати қуйидагилар билан таққосланади.

– белгиланган стандартлар билан;
– умумий муҳит сифати билан (мамлакатат, минтақа ёки дунё миқёсида);
– кўп йиллик маълумотлар билан;

### 4.1.2. Атроф-муҳит ҳолатининг ўзгариши

АМБТБнинг мазкур босқичдаги натижаси атроф-муҳитнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилишгина бўлмай, балки мўлжалланаётган фаолиятни амалга ошириш туфайли атроф-муҳитда юз берадиган ўзгаришларни башорат қилиш орқали атроф-муҳитнинг келажакдаги ҳолати қандай бўлишини тушунишдан иборатдир. Атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати эса башорат қилинаётган ҳолатнинг бошланғич ҳисоблаш нуқтасигина саналади.

Атроф-муҳитнинг келажакдаги ҳолати нафақат инсоннинг хўжалик фаолияти, балки табиий жараёнлар туфайли ўзгариши ҳам мумкин. Шунинг учун фаолиятнинг муқобил вариантлари кўриб чиқилаётган вақтда ушбу омил назардан четда қолмаслиги лозим. Муҳитдаги ўзгаришлар эса миқдорий жиҳатдан ҳам, аҳамиятлилик жиўатидан ҳам бўлиши мумкин.

**Мисол 1.** Режалаштирилаётган йўл коттедж қурилишига ажратилган бўш майдондан узоқ бўлмаган жойдан ўтади. Ҳозирги кундаги ҳолатда йўлнинг таъсирида юзага келадиган шовқинлар ва ифлосланиш жиддий муаммо туғдирмайди, лекин келажакда қурилажак коттеджда яшовчилар катта ноқулайликларга дуч келишлари аниқ.. Шунинг учун муҳитнинг шовқиндан ифлосланиши таҳлили АМБТБга киритилиши лозим ва унинг аҳамиятлилигини баҳолашда келажакда қурилажак посёлкада яшовчи аҳоли учун юзага келадиган ноқулайликлар албатта ҳисобга олиниши зарур.

**Мисол 2.** Ер ости сувга олувчи иншооти қурилиши режалаштириляпти. Бу сув олувчи иншоот ҳудуддаги ер усти сувлари оқимлари ва сувли-ботқоқ ерлар ҳолатига маълум даражада таъсир этади. Сув олувчи иншоотнинг бу ерларнинг ҳолатига таъсирини баҳолаш учун табиий ўзгаришлар динамикасини максимал даражада аниқ баҳолаш зарур. Акс ҳолда бир неча йил ёки ўн йиллар мобайнида юз бераётган табиий ўзгаришлар таркибидан сув олувчи иншоотнинг таъсирини ажратиб олишнинг иложи бўлмайди.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Атроф-муҳит ҳолатининг табиий ўзгаришларини башорат қилиш анча қийин вазифа саналади. Бу ўзгаришларни баҳолаш учун изланишлар ўтказиш катта миқдордаги ресурслар ва вақтни, баъзи ҳолларда эса бошқа ҳаражатларга нисбатан бир неча марта кўп маблағларни талаб қилади. Шунинг учун, амалиётда кузатув маълумотлари етишмаган кўпгина ҳолатларда башоратлаш аниқлигини пасайтириш ҳисобига тадқиқотлар ҳажми чекланади.

## 4.2. Таъсирларнинг характери, катталиги ва аҳамиятлилиги

АМБТБ жараёнида атроф-муҳитга таъсирларни башорат қилиш лойиҳавий, бошқарув ва бошқа қарорларни қабул қилувчи шахслар ҳамда манфаатдор тамонлар учун ахборотлар тайёрлаш воситасидир. Таъсирларни баҳолаш натижаларига суяниб қарор қабул қилувчи ҳукумат органлари, шахслар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор томонлар мўлжалланаётган фаолиятнинг тавсия қилинаётган вариантларидан (фаолиятдан воз кечиладиган вариант ҳам) қай бири афзалроқ эканлиги тўғрисида фикр юрита оладилар.

Атроф-муҳитга таъсирларни башорат қилишни амалга ошириш учун потенциал таъсирларнинг таҳлили қандай ўтказилиши лозимлигини аниқлаб олиш муҳимдир. Бунда аввало АМБТБда “таъсир” сўзи нимани англатишини аниқ белгилаб олиш лозим. Одатда “таъсир” сўзи ишлатилганда у ёки бу нарсанинг таъсири кўзда тутиладида, ҳодиса ёки жараённинг оқибати қамраб олинмайди. Мўлжалланаётган фаолиятни таҳлил қилиш жараёнида “таъсир” деганда ифлослантирувчи моддаларнинг ташланаётган миқдорлари, чиқиндиларнинг миқдори, сув олиш ҳажми, фойдаланишдан чиқарилаётган ер майдонлари ва бошқаларни назарда тутиш мумкин.

АМБТБ энди ўтказила бошлаган дастлабки даврларда киритилган инглиз тилидаги “impact” яъни “таъсир” атамаси “нима таъсир этади” ва “оқибатда нима содир бўлади” деган маъноларни биргаликда англатади. Шундай қилиб, таъсирларни таҳлил қилиш ёки баҳолаш нафақат “турли чиқинди ва ташламалар, олинадиган ресурслар нимага таъсир этиши”ни башорат қилиш ва тавсифлашни, балки улар оқибатларни, яъни “таъсир омилларини” таъсири натижасида атроф-муҳитда, аҳоли соғлиги ва турмуш кечириш сифатида юз берадиган ўзгаришларни ҳам ўз ичига олади. Мўлжалланаётган фаолиятнинг амалга оширилиши оқибатида юзага келадиган ана шу ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар мазкур фаолиятга тааллуқли қарорларни қабул қилиш учун энг муҳим ҳисобланади.

*Мўлжалланаётган фаолиятнинг кўламини билишнинг ўзигина қарор қабул қилишда экологик омилларни ҳисобга олишга ёрдам*

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

*бермайди.* Юқорида келтирилган сув олиш иншооти мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, иншоотнинг умумий кўрсаткичларини, масалан, режалаштирилаётган сув олиш ҳажмини билишнинг ўзи масалан, объект қурилиши учун банк томонидан кредит ажратиш каби қарорларни қабул қилишда) экологик омилларни ҳисобга олмайди. Бунинг учун, муайян ҳажмдаги сувни маълум вақт бирлиги ичида олиниши туфайли атроф-муҳитда юз берадиган ўзгаришларни билиш талаб қилинади. Бунда ўзгаришларни аввалдан айтиб бериш учун сабаб-оқибат алоқалаларини кузатиш, атроф-муҳитнинг бир хил компонентларидаги ўзгаришлар бошқа компонентларда қандай ўзгаришларга олиб келишини, яъни билвосита таъсирларни таҳлил қилиш лозимдир.

Бироқ мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширилиши натижасида атроф-муҳитда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар (дарё сувининг камайиб кетиши, ботқоқлашган ҳудудлар майдонининг қисқариши) тўғрисидаги маълумотлар қарор қабул қилувчилар учун етарли бўлмаслиги мумкин. Муаммони тўғри ечиш учун баҳолашнинг *таъсирлар аҳамиятлилиги* ёки *таъсирларнинг муҳимлиги* каби махсус босқичлари мавжуд. Бизнинг мисолда, сув олувчи иншоот ҳудудида сувли-ботқоқли ерлар майдонининг қисқариши критик омил сифатида қаралмайди, сабаби таъсир минтақасининг яқинида бундай ерларни махсус муҳофаза қилиш учун катта миллий боғ яратилган. Шундай қилиб барча аниқланган таъсирлар учун уларнинг ҳарактери таҳлил қилинган ҳамда катталиги ва аҳамиятлилиги баҳоланган бўлиши лозим.

### 4.2.1. Таъсирларни босқичма-босқич таҳлил қилиш

Таъсирларни башорат қилиш одатда атроф-муҳитнинг алоҳида компонентлари бўйича амалга оширилади. Кейинчалик турли муҳитлардаги қандай ўзгаришлар ўзаро алоқада бўлиши ва атроф-муҳитга таъсирларнинг барча компонентлар бўйича умумий аҳамиятлилиги таҳлил қилинади.

Одатда атроф-муҳитнинг:

1) ҳаво муҳити;
2) сув муҳити (ер усти сувлари);
3) тупроқлар ва ер ости сувлари;
4) шовқин муҳити;
5) экотизимлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;
6) ландшафт ва кўз олдимиздаги муҳит;
7) ижтимоий-иқтисодий ҳолат, шу билан бирга аҳоли соғлиги ҳам;
8) маданий-тарихий меросларкаби компонентларга бўладиган таъсирлар баҳоланади

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Америкалик олим Кантер (Canter L.W., 1996) таъсирларни башорат қилишнинг олти босқичлик иш тартибини тавсия қилган (5-расм) ва таъсирлари аҳамиятини баҳолаш ва камайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш учун юқорида кўрсатилган атроф-муҳит компонентларининг биринчи еттисидан фойдаланган (4.2-жадвал).

5-расм. Таъсирларни босқичма-босқич таҳлил қилиш схемаси

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

4.2-жадвал - Таъсирларни таҳлил қилиш тартиби

| | **Хаво муҳити** | **Ер усти сувлари** | **Тупроқлар ва ер ости сувлари** | **Шовқин билан ифлосланиш** | **Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси** | **Ижтимоий иқтисодий таъсирлар** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Юзага келиши мумкин бўлган таъсирларни аниқлаш** | Атмосферага чиқариладиган чиқиндилар турлари ва миқдорини ҳамда уларнинг таъсирларини аниқлаш | Сув манбаидан олинадиган тоза сув ва сув муҳитига ташланадиган чиқит сувларнинг миқдорини аниқлаш | Тупроқ унумдор қатламини олиб ташлаш, Ахлатларни жойлаштириш, Ер ости сув манбаидан олинадиган тоза сув миқдорини аниқлаш | **Қурилиш даврида (қурилиш техникасинин г турлари), шовқинлар**<br><br>Объектни эксплуатация қилиш давридаги (ускуналарнинг турлари) шовқинлар | Ерларни эгаллаб олиш, Экотизимларга токсикантларни тушиши Шовқин ва бошқа турдаги азиятлар Бошқа турдаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг келиб қўшилиши | Иш ўринлари сони (қурилиш ва эксплуатация), фаолликка таъсир Жамоатчилик фондларидан тўловлар ва ушбу фондларига тушумлар Ердан фойдаланишдаги ўзгаришлар ва келгусидаги қурилишлар Кўчмас мулк нархларининг ўзгариши Санитар-эпидемиологик ҳолатга таъсир, коммунал хўжалик, транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқаларга таъсир Рекреация (дам олиш) имкониятларига таъсир |
| **Мавжуд шароитларни тавсифлаш** | Таъсир минтақасини аниқлаш Мавжуд об-ҳаво шароитлари ва ҳаво муҳитини ифлосланганлик даражасини аниқлаш | Мавжуд сув оқими миқдори, сув сифати ва сувдан фойдаланиш турларини баҳолаш | Тупроқ типлари ва ердан фойдаланиш, Гидрогеологик шароитлар ва ер ости (грунт) сувларидан фойдаланиш | Шовқиннинг маҳаллий шароит учун одатий даражаси; ўлчаш маълумотлари<br><br>Аҳолининг жойлашуви | Таъсир районидаги биологик турлар рўйхати, биохилма-хиллик, кам учрайдиган турлар, Яшаш муҳитини тавсифи, биотоплар, экотизимлар ва сукцессиялар | “Таъсир минтақасини” (масалан, маъмурий туман) аниқлаш Таъсир минтақасидаги ижтимоий иқтисодий ва демографик ҳолат бўйича статистик маълумотларни йиғиш |

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

| | **Хаво муҳити** | **Ер усти сувлари** | **Тупроқлар ва ер ости сувлари** | **Шовқин билан ифлосланиш** | **Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси** | **Ижтимоий иқтисодий таъсирлар** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Мавжуд талаб ва қоидалар билан танишиш** | Ҳаво бўйича РЭМ, ифлосликларни тарқалишини ҳисоблаш бўйича йўриқномалар | Сув бўйича РЭМ, сувдан фойдаланиш бўйича чегаралашлар | Ер ва ер ости сувларидан фойдаланиш бўйича чегаралашлар | Шовқиннинг РЭМлари, ЖССТ стандартлари | АМҚҲлар, ҳайвонлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш чораларининг мавжудлиги | Санитар-гигиеник талаблар сув таъминоти, канализация тармоқларини ташкил этиш бўйича талаблар |
| **Таъсирлар катталигини олдиндан айтиб бериш** | Массалар баланси моделлари ва тарқалишлар моделларини қўллаш | Массалар баланси усули, аралашиб кетиш модели, сув экотизимлари моделлари | Сув сифататини аниқлаш методлари (шунга ўхшаш лойиҳалар) | Шовқин тарқалиши моделлари (турли даражадаги) | Сифат услублари (яшаш жойларининг таҳлили ва мўлжалланаётган фаолиятнинг уларга таъсирлари) Экотизимларнинг миқдорий моделлари Худди шундай лойиҳалар таъсирларини таҳлили | Тавсиф услублари (миқдор ва сифат) Иқтисодий моделлар Худди шундай лойиҳалар таъсирлари Ривожланиш муқобил вариантларини таққослаш |
| | Ифлосликларни муҳитлараро тақсимланиши ва трансформацияси моделлари | | | | | |
| **Таъсирлар аҳамиятли-лигини баҳолаш** | Таъсирларни стандартлар билан таққослаш Аҳолининг критик гуруҳлари, экотизимларнинг нозик рецепторлари ва маданий меросга бўладиган таъсирларни аниқлаш | Таъсирларни стандартлар билан таққослаш Критик сув экотизимлари, сувдан фойдаланиш турларига таъсирлар | **Ер ва ер ости сувларидан фойдаланиш бўйича талаблар билан** | Таъсирларни стандартлар билан таққослаш Аҳоли учун мумкин бўлган шовқин даражаси/турини (ўхшаш лойиҳалар бўйича) Экотизимларга таъсирлар | Турларнинг камёблиги Турларнинг экотизимдаги роллари Экотизимларнинг ноёблиги Экотизимларнинг таъсирчанлиги/ барқарорлиги Турларнинг иқтисодий жиҳатдан қадрлилиги | Талаб ва стандартлар билан таққослаш Район учун географик жиҳатдан белгиланган ўртача катталик билан таққослаш Давомийлик, таъсир остига тушган аҳоли, таъсирларнинг ортга қайтувчанлиги Ҳамжамият учун аҳамиятлилигини баҳолаш |

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

| | Хаво муҳити | Ер усти сувлари | Тупроқлар ва ер ости сувлари | Шовқин билан ифлосланиш | Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси | Ижтимоий иқтисодий таъсирлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | **таққослаш**<br><br>Тупроқ/майдонлар йўқотилишини эксперт баҳоси | | | |
| **Таъсирларни юмшатиш чора-тадбирларини аниқлаш ва лойиҳага киритиш** | Бетартиб чиқинди чиқаришни камайтириш<br>Ахлатларни ёқишни чегаралаш<br>Тартибли чиқарилаётган чиқидиларни тозалаш<br>Йўлларда автомобиллар (двигателлар) ва ёқилғи турларини чегаралаш | Сувдан самарали фойдаланиш схемалари<br>Чиқит сувларни --тартибсиз ташлашни камайтириш<br>Эрозияни бартараф қилиш<br>Тозалаш иншоотлари<br>Чиқит сувларни йиғиш ва тозалашни ташкил этиш | Эрозияни назорат қилиш, ердан айланма фойдаланиш, тупроқ рекультивацияси<br>Сув истъемол қилиш самарадорлиги<br>Ер ости сувларига тушадиган ифлосликларни чегаралаш | Шовқиндан ҳимоя тўсиқлари<br>Қурилиш ишлари графиги.<br>Техника ва ускуналар учун стандартлар объектни жойлаштириш, иншоотларни лойиҳалаш | Таъсирларни бартараф қилиш (масалан, ўтиш зоналари)<br>Оқибатларни юмшатиш (масалан рекультивация ёки янги ўрмонзорлар барпо қилиш) | Таъсир турига боғлиқ бўлиб ўз ичига табиий атроф-муҳитга бўладиган турли (ижтимоий – иқтисодий оқибатларга олиб келувчи) таъсирларни юмшатиш тадбирлари олиши мумкин. Коммунал ва маҳаллий хизматларни яхшилаш бўйича тадбирларни, маҳаллий бюджетга бадаллар ҳам ўз ичига олиши мумкин ва бошқалар |

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

4.2-жадвал атроф-муҳитнинг юқорида тилга олинган етти компоненти учун мўлжалланган босқичларнинг мазмунини қисқача ифодалайди. Тарихий-маданий меросга таъсирни баҳолаш бошқачароқ ўтказилади, чунки таъсир ҳудудидаги тарихий-маданий объекларни аниқламасдан туриб мўлжалланаётган фаолиятнинг потенциал таъсирларини аниқлаш мумкин эмас. Фаолиятнинг тарихий-маданий объектларга таъсирини камайтириш эса одатда фаолият амалга ошириладиган ҳудудни, фаолият мазмунини ўзгартиришгача олиб келади.

Тарихий-маданий меросга таъсирни баҳолаш одатда қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

*Биринчи босқич* ўз таркибига тарихий-маданий, диний ёдгорлик ва объектлар каби маълум маданий, тарихий ва археологик ресурслар рўйхатини олади. Улар тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий хокимият, тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти, ёдгорликларни давлат рўйхати, олий таълим юртлари ва илмий муассасалардан олиш мумкин.

*Иккинчи босқич* –рўйхатга киритилмаган, лекин маҳаллий аҳоли учун ва кичик сонли миллатлар учун аҳамиятлилиги катта бўлган маданий ва бошқа ресурсларни аниқлашга бағишланади. Бу маълумотни дала усуллари (маҳаллий аҳолидан сўраб-суриштириш, майдончаларни кўриш ва бошқалар) ёрдамида олиш мумкин.

*Учинчи босқида* режалаштирилётган фаолият таъсир этадиган тарихий-маданий объектларнинг аҳамиятлилиги аниқланади. Иккинчи босқичда аниқланган объектларни тарихий-маданий ёдгорликлар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқдир.

*Тўртинчи босқичда* режалаштирилётган фаолиятни амалга оширишнинг қурилишдан то эксплуатациядан чиқарилгунга қадар барча босқичларда тарихий-маданий меросга кўрсатадиган таъсирлари аниқланади. Ушбу таъсирлар бевосита (масалан, тарихий бинони бузиб ташлаш) ва билвосита (масалан, фаолият таъсирида бўладиган тупроқ эрозияси, унинг оқибатида эса археологик объект нурайди), ҳамда аҳамиятли ва аҳамиятсиз бўлиши мумкин.

*Бешинчи босқичда* муқобил вариантлар орасидан афзали танланади ёки таъсирларни камайтириш чоралари кўрилади (масалан, лойиҳа миқёсини ўзгартириш, ёдгорликларни сақлаш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш (бузиб ташлаш ўрнига, объектларни бошқа ерга ўтказиш, археологик қадриятларни асраб қолиш. Бундан ташқари, агар мўлжалланаётган қурилиш археологик топилмалар бўлиши мумкин бўлган ҳудудда олиб борилаётган бўлса (археологик топилмалар АМБТБ жараёнида

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

аниқланмаган бўлса ҳам) қурилиш ва эксплуатация жараёнида археологик қадриятлар чиқиб қолишини ҳисобга олувчи ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

### 4.2.2. Таъсирлар башорати тўғри бажарилганлигини баҳолаш

Юқорида айтилганидек таъсирлар башоратини ҳар бир соҳанинг ўз мутахассислари бажаришлари мумкин. Шу билан бирга АМБТБ жараёнининг ташкилотчилари ва унинг сифатини назорат қилувчилар ҳам таъсирлар башорати қанчалик тўғри бажарилганлигини баҳолай билишлари лозим.

Бунда улар қуйидаги саволларга жавоб излашлари лозим:

1) Таъсирлар умуман башорат қилинганми?

Кўпчилик ҳолларда фаолият ташаббускорлари амалдаги меъёр ва стандартларга асосланиб фақат нима таъсир этишини, яъни таъсир манбаълари ва омиллари (ахлатлар, оковалар, ресурслар ва ерларни муомаладан чиқариш ва бошқалар) ҳисобинигина бажарадилар. Бунда мазкур омиллар таъсирида атроф-муҳитда ва инсонлар соғлигида рўй берадиган ўзгаришлар ва ушбу ўзгаришларнинг аҳамиятлилиги каби масалаларга етарли эътибор берилмайди.

***Мисол.*** *Ахлат ёндирувчи заводни лойиҳалашда атроф-муҳитга чиқариб ташланадиган диоксиннинг миқдори йилига 14 г деб баҳоланган. Аммо диоксиннинг бу оқими инсон саломатлиги учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини буюртмачи ҳам, бажарувчи ҳам ҳужжатларда кўрсатишмаган (аслида бу миқдор Голландиядаги ҳар қандай ахлат ёндирувчи заводнинг бир йилда ташлайдиган чиқиндилари миқдорига тенг холос).*

2) Қандай таъсирлар башорат қилинган, ўта аҳамиятлиларими ёки иккинчи даражалиларими?

Маълумки мўлжалланаётган фаолиятнинг барча таъсирларини таҳлил қилишни иложи йўқ.. Шунинг учун атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг самарали бўлиши учун бутун эътиборни энг муҳим таъсирлар таҳлилига қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ катта ҳудудларга таъсир этувчи фаолиятлар оқибатларининг башорати ҳамда билвосита, йиғилиб борувчи ва қийин аниқланадиган таъсирларнинг таҳлили техник жиҳатдан мураккаб ва кўп маблағ талаб қилиши, ҳамда мўлжалланаётган фаолиятини зарарли қилиб кўрсатиши мумкин. Шунинг учун кўп ҳолларда бажарувчи иккинчи даражали таъсирларни аниқ таҳлил қилиб, аҳамиятлиларни эътибордан четда қолдиради. Ана шунинг учун ҳам таъсирлар таҳлилининг аниқлиги уларнинг потенциал

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

жиҳатдан жиддийлигига қай даражада мос келишини назорат қилиш муҳимдир.

3) Таъсирлар башорати миқдорийми ёки сифат кўрсаткичлари бўйича бажарилганми?

Бир қатор объектив ва субъектив сабаблар мавжудлиги туфайли таъсирларни микдорий жиҳатдан аниқ башорат қилишнинг имкони йўқ бўлиши мумкин. Масалан, тарихий-маданий меросларга таъсирлар каби айрим таъсирларни микдорий жиҳатдан ифодалаб бўлмайди. Бироқ таъсирларни микдорий жиҳатдан башорат қилинмаганлигига ташаббускорнинг таъсирларни ҳақиқий миқёсини кўрсатишни ҳоҳламаслиги ёки мураккаб усулларни қўллашга сарфланадиган ҳаражатлардан қочиши каби субъектив омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ҳар икки субъектив ҳолат ҳам таъсирларни фақат сифат жиҳатидан баҳоланишига олиб келади ва бундай баҳолашда асосан умумий ифодалашлар ишлатилади, масалан, “ноёб турларга таъсир унчалик юқори эмас” каби. АМБТБ ҳужжатлари сифатини назорат қилишда доим микдорий башорат мавжуд имконият ва зарурият доирасида ўтказилиши кераклигига эътибор қаратиш лозим.

4) Таъсирлар башорати учун қандай усуллардан фойдаланилган?

Тўғри келмайдиган усуллардан фойдаланиш инсон, молиявий ва ахборот ресурсларининг етишмаслиги ҳамда таъсирнинг ҳақиқий миқёсини кўрсатишга истак йўқлиги билан боғлиқ саналади.

***Мисол.*** *Автойулни қайта таъмирлаш бўйича бир халқаро лойиҳанинг ТИА босқичини «Атроф-муҳитга таъсирларни баҳолаш» қисмида флора ва фаунага таъсир кўриб чиқилган. Лойиҳа матнига овчилар ва атроф-муҳит муҳофазаси қўмиталаридан ҳайвонот ва ўсимлик турларининг тарқалиши ҳақида олинган маълумотномалар киритилган. Муаллифларнинг ўзлари эса тадқиқот усули сифатида лойиҳа амалга ошириладиган ҳудудга сафар уюштиришган. Таъсирларни биологик турлар учун сезиларли ёки сезиларли эмаслиги тўғрисидаги уларнинг баҳолаш хулосаларини эса, айнан «биз йўлдан автомобилда кетаётганимизда ёввойи ҳайвонлар йўл юзига чиқмади ва унинг яқинида ҳам кўринмади» тарзида ифодалаш мумкин холос.*

## 4.3. Таъсирлар аҳамиятлилигини баҳолаш

Фаолиятни атроф-муҳитга бўладиган таъсирларини баҳолаш жараёнида шундай вазиятлар юзага келадики, бунда кутилаётган таъсирларнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини аниқлаш лозим бўлади, масалан:

– *мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф-муҳитга бўладиган таъсирларини баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилиш вақтида*

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

кутилаётган таъсирлар тўлиқ тадқиқ қилиниши учун етарли даражада аҳамиятли эканлигини баҳолаш лозим.

– *тўлиқ ўрганилиши лозим бўлган таъсирларни аниқлашда* ҳам худди шундай муаммо пайдо бўлади, яъни эксперт гуруҳига махсус шуғулланадиган мутахассисни таклиф қилиш учун таъсирнинг аҳамиятлилиги аниқ бўлиши лозим.
– *муқобил вариантларни танлаш ёки таъсирларни юмшатиш чораларини белгилашда*, таъсирларни аҳамиятлилиги уларни бартараф қилиш ва юмшатиш бўйича чораларни амалга ошириш учун сарфланадиган қўшимча сарф-ҳаражатларни оқлайдими деган саволга жавоб берилиши лозим.
– *ҳукумат органлари томонидан АМБТБ объекти юзасидан қарорлар қабул қилишда*, мўлжалланаётган фаолият амалга оширилиши натижасида келадиган ижтимоий-иқтисодий фойда башорат қилинаётган экологик зарардан баландми ва бу зарар қанчалик аҳамиятли деган саволларга жавоб топиш лозим бўлади.
– *жамоатчилик ва бошқа манфаатдор (мутахассис бўлмаган) шахсларга АМБТБ хулосалари тўғрисида ахборот беришда* таъсирлар аҳамиятлилигини аниқлашнинг ўзига хос муаммолари юзага келади. Одатда, илмий тадқиқотлар натижасида олинган рақамлар *(масалан, лойиҳани амалга ошириш оқибатида 900 га майдондаги жарликларнинг майдони 15 йил ичида 20 % га ортиши мумкин)* жамоатчиликка камдан-кам нарсани англатади, яъни улар ушбу ҳодисанинг қанчалик аҳамиятлилигини билишнигина истайдилар, бунинг учун АМБТБ хулосалари умум қабул қилинган қадрият ва мезонлар асосида ифодаланиши лозим. Худди шу ифодалаш жараёнига таъсирларни аҳамиятлилигини баҳолаш дейилади.

**Таъсирлар аҳамиятлилигини баҳолаш усуллари**

Таъсирнинг аҳамиятлилиги унинг тури (шовқин, радиация, айрим моддаларни ҳавога чиқариб ташлаш ва бошқалар), физик катталиги ва уни пайдо бўлиш эҳтимоллиги билан бевосита боғлиқдир. Катталик тушунчаси бир неча омилларни ўз ичига олади, *таъсир тезлиги* (масалан, $КБТ_5$ кўрсаткичи дарёда 10 $м^2$/л гача кўтарилиши), *таъсир кўрсатиш муддати*, *таъсирнинг тарқалиш миқёси*. Бунда таъсирларни тарқалиш миқёси мазкур омилнинг таъсирига учраётган майдон кўринишида (масалан, радиацион даражанинг ортишианиқланган хукукнинг майдони) ҳам, аҳоли сони кўринишида ҳам ҳамда жамият учун қадрли бўлган махсус муҳофаза қилинадиган ҳудуд, маданий ёдгорликлар ва бошқаларнинг мавжудлиги тарзида ҳам баҳоланиши мумкин.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Таъсирлар аҳамиятлилигини баҳолаш бўйича бир неча усуллар мавжуд. Таъсирлар аҳамиятлилигини баҳолашнинг энг содда ва кенг қўлланиладиган усули уларни **универсал стандартлар билан солиштириш усули** ҳисобланади. Стандартлар миқдорий (масалан, ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган миқдорлари) ёки сифат меъёрлари *(масалан, махсус муҳофаза қилинадиган ҳудудларда ёки маданий ёдгорликлар атрофида хўжалик фаолиятининг айрим турларига қўйиладиган чегаралашлар)* кўринишида бўлиши мумкин.

Аммо, аҳамиятлиликни баҳолаш учун стандартларни қўллашнинг чегаралланган эканлигини эсда тутиш лозим:

- кўп таъсир турлари учун стандартлар мавжуд эмас;
- кўпчилик стандартлар тахминий маълумотлар асосида ишлаб чиқилган, шунинг учун уларнинг қўлланиш соҳалари чегаралланган;
- стандартлар «таъсирнинг бошланиш нуқтаси» тушунчасига асосланган, аммо кўпчилик таъсир турлари чегара қийматига эга эмаслар ва таъсир уларнинг ўта кичик қийматларида ҳам юз бериши мумкин;
- стандартлар тўғридан-тўғри бўлмайдиган таъсирлар ва йиғилиб борувчи таъсирларни ҳисоблаш олиш учун тўғри келмайди;
- стандартларни аниқ бир шароитга характерли бўлган ўзига хосликни ҳисобга олиш учун камдан-кам ҳолларда қўллаш мумкин.

Таъсир катталигини аниқлаш усулларининг яна бири **кўрилаётган параметрнинг қийматини унинг мазкур ҳудуддаги ўртача қиймати билан солиштириш** усулидир. Ушбу усул аҳамиятлиликни баҳолашда маҳаллий шароитни ҳисобга олиш имконини беради. *Масалан, АМБТБ хулосасида «лойиҳа натижасида 15 га ердаги дарахтлар йўқ килинади» дейилса таъсирнинг аҳамиятлилиги тўғрисида тасаввур қилиш анча қийин, агар худди шу нарса мазкур ҳужжатда «лойиҳа натижасида тумандаги дарахтзорларнинг 28 % и йўқ қилинади» деб ёзиладиган бўлса таъсирнинг аҳамиятлилигини баҳолаш анча енгиллашади.*

Атроф-муҳит ҳолати параметрлари кўрсаткичларини мазкур ҳудуддаги ***табиий ҳолат кўрсаткичлари билан солиштириш усули*** юқоридаги усулларга яқин усул саналади.

**Таъсирлар катталигини ҳам стандартлар, ҳам характерли кўрсаткичлар билан солиштириш** усули таъсирлар аҳамиятлилигини баҳолашнинг объектив усули саналади. Айни вазиятда таъсирларнинг аҳамиятлилигини уларни ижтимоий

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

қадриятлар ва турли манфаатдор томонларнинг манфаатлари билан солиштирмай баҳолаб бўлмайди..

**Таъсирлар аҳамиятлилигини баҳолашнинг меъёрлаштириш ва даражалаш усули**

Таъсирлар катталигини стандартлар ва характерли кўрсаткичлар билан солиштириш фақатгина бир турдаги таъсир аҳамиятлилигини баҳолаш имконини беради. Бундай баҳолаш асосида АМБТБнинг муайян босқичида таъсирни кейинчалик батафсил кўриб чиқиладиган таъсирлар сирасига киритиш ёки уни юмшатиш бўйича чоралар ишлаб чиқилиши тўғрисида қарор қабул килиниши мумкин. Турли табиатли бир неча таъсирларни умумий аҳамиятлилигини баҳолаш учун эса бошқачароқ иш тутиш лозим бўлади. Бундай эхтиёж одатда мўлжалланаётган фаолият амалга оширилишининг бир неча муқобил вариантлари ёки лойиҳа қарорлари вариантларини уларни атроф-муҳитга таъсирлари нуқтаи-назаридан таққослаш лозим бўлган пайтларда туғилади. Атроф-муҳитга таъсирларнинг нафақат катталиклари балки уларнинг характери ҳам вариантлар орасида бири-биридан кескин фарқ қилиши ва вариантлар орасида таъсирнинг барча турлари кичик бўладигани умуман учрамаслиги мумкин.

Турли параметрларга турли “даража”лар бериш бу турли табиатли кўрсаткичлардан қай бири муҳимроқ эканлигини аниқлаш жараёнидир. Баъзилар меъёрлаштиришни мутахассислар (чунки улар аҳоли соғлиги ва экотизимлар барқарорлиги учун қайси параметрлар зарурлигини яхши билишади) ўтказгани маъқул дейишади, лекин таъсирлар аҳамиятлилигини аниқлаш қарорлар қабул қилишга олиб борувчи жараён эканлигини ҳисобга олсак қарор қабул қилишни техник мутахассисларга ишониш тўғри бўлармикин. Жамиятдаги турли гуруҳларнинг фикри ҳатто сув ҳавзаси учун сувдаги кислород миқдори ва унинг шўрлигидан қай бири муҳим деган масалада ҳам турличадир (масалан балиқчилар кислород муҳим дейишса, чорвачилар сувнинг шўрлиги муҳим дейишади). Шунинг учун сув ёки ҳавонинг ифлосланишидан қайси бири муҳимроқ эканлиги тўғрисида турли келишмовчиликлар бўлиши мумкин.

Шунинг учун шундай ёндошувлар мавжудки, бунда мутахассис экспертлар фақат айрим нисбатан бир-бирга ўхшаш параметрларга, қолган турли табиатли таъсирларга эса аҳолининг турли қатламлари ва манфаатдор томонлар даража белгилайдилар.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Ушбу йўналишдаги масалаларни ечиш учун бир қатор усуллар ишлаб чиқилган бўлиб улардан бири ўзида таъсирларнинг объектив тавсифи ва ижтимоий аҳамиятини мужассамлаштирган “**меъёрлаштириш ва даражалаш**” усулидир.

Бу усул давомида башорат килинаётган таъсирлар аввал меъёрлаштирилади, яъни ягона шкала бўйича ўлчамсиз кўрсаткичга келтирилади. Масалан ифлослантирувчи мода концентрациясининг РЭМ ёки шу параметрнинг ҳудуддаги табиий қийматига нисбати аниқланади.

Навбатдаги босқичда нисбатлари аниқланган параметрларга муҳимлигига қараб даражалар берилади. Масалан, юқорида тилга олинган сув ҳавзасида гидрологик режимнинг ўзига хослиги ва балиқларни ўлиши ҳодисалари билан боғлиқ саналган кислород концентрациясининг камайиши минерализациянинг ошишига нисбатан жуда аҳамиятли жиҳатдир. Шунинг учун сувдаги кислородни концентрацияси - 3, сувнинг минерализацияси эса –1 даражасини олади.

Кейинги боскичда меъёрлаштирилган кўрсаткичлар уларни даражаларига кўпайтирилади ва улар ўзаро қўшилади. Бундай қўшиш табиий мухитнинг ҳар бир алоҳида компоненти учун ёки ҳамма компонентлари учун бажарилиши мумкин. Ҳисоб-китобларнинг натижаси кўрилаётган вариант учун таъсирлар аҳамиятлилигининг микдорий қиймати ҳисобланади ва у худи шундай тартибда ҳисобланган бошқа вариантлар таъсирларининг аҳамиятлилиги кўрсаткичлари билан таққосланади. Таққослаш натижасида эса энг мақбул вариантни танлаб олиш учун хизмат қилади.

Таъсирлар аҳамиятлилигини аниқлаш усулларини ишлаб чиқишда *ноаниқлик, тушуниш муоммаси ва манфаатлар низоси* каби қийинчиликларга ҳам тўқнаш келиш мумкин.

**Ноаниқлик**. Табииий тизимлардаги ўзгаришларни етарли даражадаги аниқликда башорат қилиш учун билим ва ресурслар доим ҳам етарли бўлавермайди. Бунинг устига мўлжалланаётган фаолият таъсир этаётган тизимлар соф табиий бўлмай, балки табиий ижтимоийдир, бу эса вазифани янада мураккаблаштиради.

**Тушуниш муоммаси** таъсирларнинг аҳамиятлилигини ўзлари учун аҳамияти йўқ шахслар томонидан аниқланиши мумкин эмаслиги билан боғлиқ. Аҳамиятлиликни аниқлаш таъсирларнинг моҳиятини тўғри тушуниш ва уларни ҳаётнинг маълум томонлари билан солиштириш билан боғлиқ.. Афсуски тор доирадаги мутахассислик ва мавжуд ҳолат тўғрисида кам тасаввурли шахслар томонидан қарорлар қабул қилиш амалиёти тушуниш муаммосини янада мураккаблаштиради.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

**Манфаатлар низоси** таъсирлар аҳамиятлилигини аниқлашдаги энг жиддий тўсиқ ҳисобланади ва у доимо “ким учун аҳамиятли?” деган савол туфайли юзага келади. Янги йўл қурилиши натижасида қишлоқ ҳовузи йўқолиб кетишининг аҳамиятлилиги шу қишлоқ аҳолиси учун жуда катта бўлгани ҳолда, мазкур йўл туташтирувчи икки шаҳар аҳолиси учун эса аҳамиятсиздир.

Гарчи таъсирлар аҳамиятлилигини аниқлашнинг барча томонлар учун тўлиқ мос келадиган йўли бўлмасада, унинг баъзи умумий тамойиллари ишлаб чиқилган:

1. *Микдорий усуллардан восита сифатида фойдаланиш.* Микдорий усуллар (стандартлар билан таққослаш, меъёрлаштириш ва даражалаш) аҳамиятлиликни аниқлашда сохта объективликни юзага келтириши мумкин. Уларнинг аҳамиятини ошириб юбориш ва қарор қабул қилишни даражалаш ва стандартларни ҳисобга олишлар билан алмаштириш мумкин эмас. Миқдорий усуллар АМБТБни амалга оширувчи экспертлар, қарор қабул қилувчи шахслар ва жамоатчилик бир-бирларини ўзаро тушунишлари учун восита сифатидагина хизмат қилади. Улар ёрдамида кераксиз маълумотлар ташлаб юборилиши ва манфаатдор томонларнинг эътибори ҳақиқатда муҳим ҳисобланган муаммоларга жалб қилиниши мумкин.

2. *Манфаатдор томонларни жалб қилиш.* Аҳамиятлиликни баҳолашда манфаатдор томонларнинг, биринчи навбатда мўлжалланаётган фаолият таъсир этадиган томонларнинг фикри тўлиқ эътиборга олиниши лозим. Манфаатлар томонлар орасидаги низолар ва жамиятнинг турли гуруҳлари ўртасидаги келишмовчиликлар микдорий усуллар билан яширилмай, қарор қабул қилувчи шахслар ва жамоатчиликка очиқдан-очиқ маълум қилиниши лозим. Бундай вазиятларни ҳал қилишнинг энг тўғри йўли ҳисоб-китобларни аниқ бажариш эмас, балки манфаатдор томонлар билан муҳокама, келишув ва барчани қаноатлантирадиган ечимларни излашдир.

### Таъсирлар аҳамиятлилигини баҳолашнинг сифати

Таъсирларнинг аҳамиятлилиги АМБТБ жараёнида қанчалик сифатли баҳоланганлигини қуйидаги мезонлар ёрдамида аниқлаш мумкин:

- Таъсирларнинг аҳамиятлилиги ва уларнинг катталиги ўртасида аниқ чегара мавжуд.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашлар кўпчилигининг камчилиги уларнинг муаллифлари таъсирларнинг аҳамиятлилигини аниқлашга ҳам уринмай башорат қилинаётган

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

катталикларни кўрсатиш билан чегараланишидадир. Бундай ҳолатда АМБТБ ўзининг асл вазифасини бажармайди, чунки таъсирларнинг катталигини уларнинг аҳамиятлилигини аниқламай башорат қилиш экологик жиҳатдан тўғри саналадиган қарорлар қабул қилишга имкон бермайди.

- Аҳамиятлиликни аниқлаш усули ҳамда унинг доирасида қилинган барча тахмин, бирламчи шарт ва йўл қўйилган чегаралашлар аниқ ифодаланган.

Аҳамиятлиликни аниқлашнинг кенг тарқалган камчиликларидан бири фойдаланилган усулларнинг ноаниқлигидир. Мисол: *“Лойиҳани амалга ошириш натижасида ҳавода фақат сув бугларининг миқдори ортади холос, бу арзимаган экологик оқибатдир”*. Муаллиф қандай қилиб бундай хулосага келганлигини ҳеч ҳам тушунтирб бўлмайди.

- Аҳамиятлиликни аниқлаш жамоатчилик ва бошқа манфаатдор томонлар фикрини ҳисобга олади.

Шундай қилиб, атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш доирасида таъсирларни таҳлил қилиш ўз таркибига икки элементни: **таъсирлар физик катталигини башорат қилиш** ва уларнинг **аҳамиятлилигини баҳолаш**ни олади.

**Таъсирлар катталигини башорат қилиш** одатда атроф-муҳитнинг турли компонентлари учун башорат қилишнинг турли усулларидан (математик моделлаштириш каби) фойдаланиш асосида амалга оширилади. Қўлланилаётган усулларнинг аниқлиги атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш вазифаларига мос келиши ва таъсирлар таъсир омилларининг оддий ифодаси шаклида эмас, балки атроф-муҳитдаги ўзгаришлар шаклида башорат қилиниши учун эксперт гуруҳининг кучини энг аҳамиятли таъсирларни башорат қилишга йўналтириш муҳимдир.

**Таъсирлар аҳамиятлилигининг башорати** уларни бир-бири ва ижтимоий-иқтисодий омиллар билан солиштириш учун амалга оширилади. Аҳамиятлиликни баҳолашнинг кўплаб усуллари мавжуд ва уларни танлаш техникавий топшириқ талаблари, амалдаги қонунчилик ва аниқ жойга боғлиқдир. Аҳолининг турли гуруҳлари учун турли аҳамиятликларни ҳисобга олган ҳолда бажарилган аҳамиятлиликни баҳолаш тўғри ҳисобланади.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

# 5-боб. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёнида маслаҳатлар ва жамоатчилик иштироки

## 5.1. Жамоатчилик иштирокининг моҳияти

Жамоатчилик иштироки манфаатдор томонлар ўртасидаги ўзаро алоқанинг таркибий кисми сифатида, АМБТБ жараённининг муҳим элементи ҳисобланади. У турли гуруҳлар манфаатларини мувофиқлаштириш ва АМБТБнинг турли масалаларини ечишда муҳим восита саналади. АМБТБ жараёнида жамоатчиликнинг иштироки фуқароларнинг ахборот олиш ва экологик жиҳатдан аҳамиятли қарорларни қабул қилишда иштирок этиш каби хуқуқларини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга.

АМБТБ жараёнида “жамоатчилик иштироки” деганда қарор кабул қилиш учун масъул фуқаро ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро боғлиқ узлуксиз жараён тушунилади (Canter,L,W., «Экологик бахолаш»1996).

Мазкур жараёнда:

1. Экологик муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда тегишли муассаса ва ташкилотларнинг эҳтиёжларини инобатга олиш механизми ва жараёнлари ҳақида жамоатчиликда яққол ва тўла тасаввурни ҳосил қилиш учун шароит яратилади.

2. Жамоатчилик жараёнларнинг бориши ва мавжуд ҳолати, лойиҳа, режа ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, баҳолаш сиёсатини шакллантириш ёки уни ўтказиш ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятига эга бўлади.

3. Барча манфаатдор фуқаролар заҳиралардан фойдаланиш, қарорларнинг муқобил вариантлари, бошқарув тизими лойиҳаси, шунингдек, қабул қилинган қарорга алоқадор маълумотлар ҳақида ўз нуқтаи назарларини билдириш ва эҳтиёжларини ифодалаш имкониятига эга бўладилар.

Ушбу таъриф жамоатчилик иштирокининг қуйидаги муҳим жиҳатларини акс эттиради: у *узлуксиз жараён*; бу жараён иштирокчиларга маълум бўлган *муайян қоидалар* бўйича кечади; мулоқот хусусиятига эга, яъни, жамоатчилик қайд этилган фаолият тўғрисида маълумот олибгина қолмай, шу билан бирга ўз нуқтаи назарини ҳам билдиради. Ушбу таърифга яна бир муҳим жиҳатни киритиш лозим. “Иштирок” тушунчаси мулоқотдан ташқари, қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчилик фикрини инобатга олишни ҳам назарда тутиши лозим. Яъни, АМБТБ тизими ушбу ҳолатнинг инобатга олинишини таъминловчи меъёр ва механизмларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

UNEP (БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури) маълумотларига кўра жамоатчиликнинг самарали ташкил этилган

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

иштироки ўз ичига қуйидаги ўзаро боғлиқ компонентларни қамраб олади:

- манфаатдор гуруҳлар ва шахсларни аниқлаш;
- ишончли маълумотларни аудитория учун тушунарли шаклда ўз вақтида тақдим этиш;
- қарор қабул қилувчи ва манфаатдор томонлар ўртасидаги мулоқот;
- мулоқот натижаларидан қарорлар қабул қилишда фойдаланиш;
- икки томонлама алоқа – қабул қилинган қарорлар ва уларни қабул қилишга жамоатчиликнинг иштироки қандай таъсир кўрсатганлиги тўғрисидаги ахборотларни бериш.

АМБТБ да жамоатчиликнинг иштироки қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

1) жамоатчилик иштироки мутлақо сезилмайдиган вазият (қарор қабул қилувчи томон фуқароларни таклиф қилинаётган қарорларнинг фойдали эканлигига ишонтирса-да, уларга зарур маълумотларни бермайди ва уларни қарор қабул қилиш жараёнига жалб этмайди);

2) фуқароларнинг фикрлари инобатга олинган вазият (фукаролар томонидан таклифлар билдирилади ва улар қарор қабул қилиш жараёнида инобатга олинади, бироқ, айни вақтда мазкур ҳолатни кафолатловчи механизм мавжуд эмас).

Жамоатчиликни қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокининг даражаси лойиҳа мазмуни, унинг атроф-муҳитга кўрсатувчи таъсири, таъсир кўлами, амалдаги қонунчилик талаблари, жамоатчиликнинг маълум ҳудуд экологик ҳолати учун масъуллиги ва бошқа ижтимоий-экологик омилларга боғлиқ ҳисобланади.

АМБТБ да жамоатчилик иштирокини ўрганиш “жамоатчилик” тушунчаси моҳиятини аниқлаштиришни тақазо этади. Айрим манбаларда (*жумладан, “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш конвенцияси” (ЕЭК, 1991), “Ахборот олиш мумкинлиги тўғрисидаги конвенция” (ЕЭК, 1998)*) ушбу тушунчага “бир ёки бир неча физик ёки юридик шахс” дея таъриф берилади.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш нуқтаи назаридан “манфаатдор жамоатчилик” тушунчасини қўллаш ҳам аҳамиятли саналади. Зеро, “манфаатдор жамоатчилик” деганда атроф-муҳитга тааллуқли масалалар бўйича қарор қабул қилиш жараёнидан манфаатдор бўлган жамоатчилик тушунилади.

АМБТБ жараёнида иштирок этувчи жамоатчилик амалга оширилиши мўлжалланаётган фаолият таъсири доирасида бўлиши керак. Маълум минтақада эса жамоатчилик маҳаллий аҳоли

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

ҳисобланади. Маҳаллий аҳоли томонидан АМБТБ режасининг ишлаб чиқилишига эътибор қаратилмаганда ҳам объект эксплуатацияси даврида юзага келувчи низолар аҳолини қизиқтирмайди дейиш мумкин эмас. Шу сабабдан ҳам тегишли ҳудудларда маҳаллий аҳолини бевосита АМБТБ лойиҳасининг муҳокамаси ва қарорларни қабул қилиш жараёнига фаол жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, эҳтимоли бўлган ҳар қандай таъсир табиий заҳиралардан фойдаланишдаги мавжуд тартибни (дам олиш, балиқчилик, ов) бузиши, ўзига хос иқтисодий (янги иш ўринларининг барпо қилиниши, кўчмас мулк нархини ўзгариши), ижтимоий ўзгаришларга (маҳаллий аҳоли ижтимоий таркибининг ўзгариши, ишчи кучининг кўчиши, бошқа ҳудуд ёки давлатлардан арзон ишчи кучининг оқиб келиши) олиб келиши мумкин. Бу эса маҳаллий аҳоли фикрини ўрганишни талаб қилади.

Лойиҳа амалга оширилишидан манфаатдор бўлмаган фуқаролар (масалан, атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи жамоат ташкилоти, ноёб ҳайвон ёки қушлар турларини сақлашга уринаётган биологлар гуруҳи ва бошқалар) ҳам лойиҳа юзасидан муайян фикрларни билдиришлари мумкин.

Шунингдек, жамоат (нодавлат, нотижорат) ташкилотлари ҳам жамоатчилик сифатида бу жараёнда муҳим роль ўйнайди. Аммо бир ёки бир неча фаол жамоат ташкилотларига асосланиш (ишонч билдириш) тўғри эмас. Жамоат ташкилотларнинг жамоатчилик билан тўғридан-тўғри ишлашлари жуда муҳимдир. Борди-ю, уларнинг манфаатлари ҳисобга олинмаса, у ҳолда улар ташаббускор гуруҳлар ёки бошқа норасмий бирлашмаларни тузишлари мумкин.

АМБТБда жамоатчилик иштирокини таъминлашда аҳоли экологик саводхонлигининг бир хил даражада эмаслигини назарда тутиш зарур. Этник, касбий, ижтимоий ҳамда диний эътиқодлари нуқтаи назардан фуқаролар маълум вазиятни турлича баҳолашлари мумкинлигини эътиборга олиш лозим.

## 5.2. Жамоатчиликнинг атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёни босқичларидаги иштироки

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш босқичларида жамоатчиликнинг иштироки қуйидагича кечади:

1) **бошланғич босқич** - жамоатчиликнинг иштироки фаолият ташаббускорига қимматли, зарур ахборотларни тўплашга имконият яратади, лойиҳа қарорларининг сифатини яхшилайди, юзага келиш эҳтимоли бўлган низоларни қисман камайтиради; жамоатчилик иштироки қанчалик эрта ташкил қилинса, юзага келувчи

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

муаммоларнинг олдини олишда шунчалик яхши самарага эришилади;

2) **АМБТБнинг зарурлиги тўғрисидаги қарорни қабул қилиш босқичи** – жамоатчиликнинг ушбу лойиҳа юзасидан хавотири даражаси ҳамда лойиҳа қарорларини қабул қилиш жараёнида иштирок этиш хоҳиши аниқланади;

3) **АМБТБ вазифаларини аниклаш босқичи** - жамоатчиликни кўпроқ қайси муаммо хавотирга солаётганлиги, шунингдек, кейинги босқичларда устувор ўрин эгаллаши мумкин бўлган муаммолар аниқланади, турли манфаатдор гуруҳлар билан алоқа ўрнатиш зарур қўшимча маълумотларини олиш имконини беради, жамоатчилик иштироки асосида режа ёки дастурлар ишлаб чиқилади;

4) **таъсирлар аҳамиятини башоратлаш ва баҳолаш босқичи** - манфаатдор томонлар билан маслаҳатшувлар ташкил этилади;

5) **АМБТБни муҳокама қилиш босқичи** - АМБТБ бўйича фикрлар ўрганилади, лойиҳа қарорлари қайта таҳлил этилади; муқобил вариантлар дастлабки лойиҳа билан таққосланади;

6) **АМБТБ сифатини тизимли баҳолаш босқичи** – жамоатчиликнинг дастлабки барча босқичлардаги иштироки натижалари ўрганилади, жамоатчилик томонидан қабул қилинган қарорларга суд орқали ёки маъмурий тартибда ўзгартишлар киритилади;

7) **мўлжалланаётган фаолиятни амалга ошириш босқичи** - АМБТБ лойиҳасида белгиланган вазифалар бажарилади.

## 5.3. Жамоатчилик иштироки дастури

Дастлабки режалаштириш жамоатчилик иштироки жараёнининг самарасини таъминловчи муҳим шарт саналади. АМБТБ жараёнида жамоатчилик иштироки дастурини режалаштириш ва амалга оширишда аниқ мақсадлар ифодаланган бўлиши, шунингдек, жараённинг турли босқичларида ташкилотчиларга ўз фаолиятларини баҳолаш ва тузатиш имконини берувчи самарадорлик мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Шу билан бирга жамоатчилик иштироки дастури АМБТБ жараёнининг ҳар бир босқичи учун иштирок вазифалари ва шаклларини, шунингдек, алоҳида тадбирларни ўтказиш режаларини назарда тутиши лозим.

Жараён алоҳида босқичлари ва тадбирларнинг мақсад ҳамда вазифалари ҳам мавжуд қонунчилик талаблари, ҳам турли жамоатчилик гуруҳларининг мўлжалланаётган фаолияти

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

хусусиятлари, манфаат ва имкониятларини инобатга олувчи муайян шароит негизида ишлаб чиқилиши лозим. Томонлар ўзаро ҳамкорлигини самарали бўлиши учун, унинг мақсади барча иштирокчиларга маълум ва тушунарли бўлиши, ҳамда жараён ташкилотчиси томонидан расмий равишда эълон қилиниши лозим.

Мақсади иштирокчилар учун ноаниқ бўлган тадбир ёки дастурлар нафақат фойдасиз бўлади, шу билан бирга кутилмаган натижаларни берувчи фавқулотда ҳолатларни ҳам келтириб чиқаради.

Жамоатчиликнинг АМБТБнинг муайян босқичларидаги иштирокининг вазифалари, маълум тадбирларнинг вазифалари уларнинг АМБТБ умумий жараёнидаги ўринларини белгилаб беради. Бундай вазифалар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- маълумот бериш;
- жамоатчилик иштироки афзалликларини аниқлаш;
- ғояларни ишлаб чиқиш, муаммо қарорларини излаш;
- лойиҳа қарорлари бўйича шарҳлар ва таклифларни олиш;
- муқобил ечимларни баҳолаш;
- низоли вазиятларни енгиш ва у ёки бу масалалар бўйича келишувга эришиш.

Қўйилган вазифалар жамоатчилик иштирокининг шакли ва усулларини танлашни аниқлайди. Жамоатчилик иштирокининг кўплаб шакллари (манбаларда 50 га яқин шакл ва усуллар кўрсатилган) мавжуд.

**Жамоатчиликни ахборот билан таъминлаш** АМБТБ жараёнида юзага келадиган умумий вазифалардан бири саналади. Бу вазифа, одатда, ахборот материалларини чоп этиш, телекўрсатув ва радио эшиттиришлар тайёрлаш, ахборот варақалари, буклетлар, таҳлилий рисолалар тарқатиш орқали амалга оширилади. Нашр ишларини тайёрлашда маҳаллий ўзига хосликлар, аҳолининг у ёки бу мураккабликдаги ахборотни қабул қилишга тайёрлик даражаси, ижтимоий ва этник гуруҳларнинг ўзига хосликлари инобатга олиниши лозим. Мазкур шакллар жамоатчиликни кўпроқ ташвишлантирувчи йирик лойиҳаларни амалга оширишда ахборот бериш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли етарли даражада ахборот бериш имкониятига эга семинарларни ташкил этиш ёки лойиҳа жорий этиладиган объектларга ўхшаш объектларга экскурсия уюштириш кўпроқ самара беради.

Бир қатор шакллардан жамоатчиликдан **ахборот олиш воситаси** сифатида фойдаланиш мумкин. Булар маслаҳатлашувнинг турли шакллари (юзма-юз ва телефон мулоқотлари), ёзма шарҳларни йиғиш ва бошқалардир. Шунингдек, жамоат фикрини ўрганиш социологик тадқиқотлар ҳам шулар жумласидан саналади.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Жамоатчилик иштирокнинг айрим шакллари жамоатчиликнинг **қарор қабул қилишдаги иштирок**ини, қарор қабул қилувчи томонлар ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигини ифодалайди.

**Жамоатчилик фикрини ўрганиш** - жамоатчилик билан ишлашнинг расмий ва таркибий усулларидан бири. Фикрларни ўрганиш бир неча ўзаро боғлиқ мақсадлар - жамоатчиликни ахборот билан таъминлаш, муаммо бўйича турли фикрларни муҳокама қилиш, келиштирувчи ва биргаликда қўллаш имкони бўлган қарорларни ишлаб чиқиш. Жамоатчилик фикрини ўрганиш муҳокама мавзуларни аниқ белгилаш, муҳокама этилувчи мавзулар бўйича ахборотларни дастлабки тарқатиш, тадбирларни ташкил этилиши ва ўтказилишини ҳужжатлаштиришга имкон беради. Жамоатчилик фикрларини муваффақиятли ўрганилиши, одатда, уни тайёрлашга йўналтирилган муҳим ҳаракатларнинг натижаси бўлади.

**Думалоқ стол** – у қадар расмий бўлмаган тадбир бўлиб, одатда очик мунозаралар ташкил қилишга бағишланади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва думалок стол атрофидаги мулоқотларнинг вазифалари ўхшашдир. Уларнинг фарқи фақат ташкил қилиниш миқёси ва натижаларни расмийлаштиришдагина сезилади.

Кичик гуруҳлардаги **норасмий учрашувлар** томонларнинг позициялари, уларнинг мақсад ва қадриятларини аниқ ўрганишга имкон беради. Бундай учрашувларда фаолият билан боғлиқ муҳим таклифлар ишлаб чиқилиши ва кейинчалик мазкур таклифлар жамоатчилик эшитувлари доирасида мухокама предмети бўлиши мумкин.

**Йиғинлар** - бир неча минг кишидан ошмаган кичик жамоаларда аҳолии билан олиб бориладиган аҳоли билан ишлашнинг анъанавий шаклидир Йиғинлардан ахборот билан таъминлаш, маҳаллий даражадаги муаммоларни муҳокама қилиш ва уларни ҳал қилиш учун ёндошувларни ишлаб чиқиш учун фойдаланилади.

Жамоатчилик иштирокини таъминлаш учун амалдаги механизмлардан, масалан, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари қошида ташкил этилган **махсус маслаҳат ёки бошқарув кенгашлари**дан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бир қатор мамлакатларда жамоатчилик иштирокининг қонун билан кафоланган ўзига хос шакллари мавжуд. Жумладан, Ўзбекистонда жамоатчилик экологик экспертизаси экологик экспертиза тўғрисидаги қонунда махсус банд билан белгилаб қўйилган.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

## 5.4. Жамоатчилик иштирокини ташкил этишнинг тамойиллари

Жамоатчилик иштирокини ташкил қилишдаги тегишли тадбирларнинг муваффақияти кўп омилларга, жумладан жараён иштирокчиларини келишувга тайёрлиги, уларининг ўз асосий ва иккиламчи мақсадларини ажратиб олиш қобилиятлари, лойиҳани амалга ошириш жойидаги қатор объектив шароитларга боғлиқ.

Мазкур бобда ёритилаётган тамойилларга амал қилиш ҳар доим ҳам муваффақият келтиравермайди. Бироқ улар мавжуд келишув потенциалидан тўлиқ фойдаланишга ёрдам беради. Бошқача айтганда жараён ташкилотчилари томонидан бу тамойилларга эътибор бермаслик етарли асос бўлмаган жойларда ҳам низоларни юзага келишига олиб келади.

1. **Фақат тўлиқ ахборотга асосланган иштироккина конструктив бўлиши мумкин**. Мўлжалланаётган фаолиятнинг деталлари тўғрисида жамоатчиликка иложи борича тўлиқ ахборот бериш ҳар қандай маслаҳатшувнинг, айниқса катта жамоатчилик иштирокида ўтадиган муҳокамалар муваффақиятининг зарурий шартидир. Агар жамоатчилик мўлжалланаётган фаолият тўғрисида ҳеч қандай ахборот олмаган бўлса ёки бундай ахборотни фақатгина учрашувлар вақтидагина олса, мўлжалланаётган фаолиятга нисбатан агрессив муносабат, уни қабул қилмаслик юзага келади. Агарда жамоатчилик ахборотлар билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминланган бўлса жамотчилик билан учрашувлар вақтида фаолият учун самарали бўлган конструктив таклифлар ишлаб чиқилади.

2. Жамоатчилик муваффақиятли иштирокининг муҳим шартларидан бири учрашувлар давомида **мўлжалланаётган фаолиятнинг муқобил вариантларини кўриб чиқиш**дир. Муқобил вариантларни кўриб чиқишсиз ўтказиладиган тадбирлар ўта самарасиз бўлади. Тадбирнинг мақсади керакли таклифларни ишлабчиқиш бўлмай, балки фаолият юзасидан фикрларни билиш бўлганда ҳам бир неча муқобил вариантни ўртага ташлаш яхши натижаларга олиб келади. Агарда жамоатчилик эътиборига биргина ечим ҳавола қилинса, бу нарса жамоатчиликда ҳамма нарса аввалдан ҳал қилиб бўлинган экан деган фикрни уйғотади. Бундай шароитда фаолият тўғрисидаги ҳар қандай тўғри ечим ҳам маълум норозилик кайфиятларини юзага келтиради ва уни қабул қилинишини мураккаблаштиради.

3. “**Икки томонлама алоқа” нинг зарурлиги**, яъни билдирилган фикр, таклиф ва талабларни қарор қабул қилувчи томонидан эътиборсиз қолдирмаслик. Жамоатчилик муҳокамаси вақтида айтилган фикрлар қайд этилиши, ҳар бир камчилик таҳлил

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

қилиниши ва уларга аниқ жавоб берилиши лозим. Агар жамоатчилик муҳокамаси вақтида айтилган камчиликлар аҳамиятли ёки асосли деб топилса, улар асосида лойиҳа қарорларига маълум тузатшлар киритилиши лозим. Жамоатчилик муҳокамаси вақтида айтилган фикирлар таҳлили жамоатчилик иштирокининг асосий ҳужжатларидан саналади. Мазкур ҳужжатлар асосида жамоатчилик иштироки дастури натижалари ва уларнинг самарадорлиги баҳоланади.

*Қўшни мамлакатларнинг бирида бир лойиҳа ташаббускори бир йил давомида икки марта жамоат эшитуви ўтказди. Ташаббускорнинг нуқтаи-назарига кўра бу тадбирлар муваффақиятли ва самарали бўлди. Лекин мазкур ҳудуддаги жамоатчилик лойиҳага бўлган ўзининг салбий муносабатини нафақат ўзгартирмади, балки жамоатчилик муҳокамаси нотўғри ташкил қилинганлиги тўғрисида баёнот билан чиқди. Жамоатчилик қайта эшитувларни ўтказишда ҳужжатлаштирилган ахборот билан танишиш имконияти яратилмаганлигини, биринчи эшитувдаги фикрлар асосида лойиҳа қарорларида бирор бир ўзгариш қилинмаганлигини ташкилотчиларнинг энг катта хатоси сифатида кўрсатдилар.*

Лекин бу жиҳатлар жамоатчилик томонидан айтилган хар кандай талаб ёки истаклар сўзсиз бажарилиши шартлигини кўрсатмайди. Уларни инобатга олиш жамоатчилик иштироки самарадорлигининг мажбурий шарти эмас ва бундан ташқари жамоатчиликнинг талаблари ҳар доим ҳам оқилона ва тўғри бўлавермайди.

*Йирик лойиҳага бағишланган жамоатчилик эшитуви вақтида айрим иштирокчилар атроф-муҳитнинг лойиҳа амалга оширилгунича ифлослантирилгани ва лойиҳа амалга ошириш назарда тутилган майдонча билан боғлиқ бўлмаган фаолият учун аҳолига компенсация тўлашни талаб қилдилар. Бундай талабларнинг асоссиз эканлигини ташаббускор ўзининг асосли жавоблари билан исботлаб берди. Натижада талабнинг асоссиз эканлиги жамоатчилик томонидан тан олинди.*

4. Юқорида тилга олинган тамойил ва мисоллар **лойиҳани тайёрлашнинг дастлабки босқичларида** жамоатчилик иштирокининг муҳимлигини яққол исботламоқда. Лойиҳа юзасидан асосий қарорлар қабул қилиниб бўлинган бўлса лойиҳага айрим тузатишларни киритиш жуда мураккабдир, шу билан бирга муқобил вариантларни кўриб чиқиш ҳам ўз маъносини йуқотади. Демак жамоатчиликни кечикиб жалб қилиш лойиҳа қарорларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ жиддий молиявий сарфларга

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

олиб келиши ёки жамоатчилик эшитуви вақтида низоли вазиятларни юзага келтириши мумкин.

5. **Жамоатчилик иштироки тадбирлари ва уларнинг натижаларини ҳужжатлаштирилиши**ни жуда муҳим эканлигини қайд этиш лозим. Жамоатчилик иштироки самарадорлигининг муҳим жиҳатларидан бири жамоатчилик эшитуви натижаларини ҳужжатлаштиришдир. Ушбу ҳужжатларда муаммоли вазиятлар юзасидан келишувлар ҳам келишмовчиликлар ҳам акс эттирилиши лозим. Акс ҳолда учрашувлар ташкилотчисининг ҳаракатлари жамоатчилик томонидан алдов сифатида қабул қилиниши мумкин. Ҳужжатларда келишмовчиликларнинг акс эттирилиши эса келгусида олиб бориладиган мулоқотлар учун замин ҳозирлайди ва низоли вазиятни маълум чегарада ушлаб туришга имконият яратади.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

# 6-БОБ. АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛАДИГАН ТАЪСИРЛАРНИ БАҲОЛАШ ЖАРАЁНИДА МЎЛЖАЛЛАНАЁТГАН ФАОЛИЯТНИНГ МУҚОБИЛ ВАРИАНТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

## 6.1. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёнида мўлжалланаётган фаолият муқобил вариантларини кўриб чиқишнинг ўзига хосликлари

Мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширишнинг турли хил вариантларини таҳлил қилиш ва таққослаш АМБТБ нинг муҳим элементларидан биридир. Одатда, АМБТБ жараёнида мўлжалланаётган фаолият муқобил вариантларини кўриб чиқишга бағишланган қисм, АМБТБ якуний ҳужжатларининг марказий қисмини ташкил қилади.

АМБТБ жараёнида муқобил вариант деганда, мақсадга эришишнинг бир-бирини инкор қилувчи усуллари тушунилади.

Мисол тариқасида алоҳида бир минтақа иқтисодиётини ривожлантириш электр энергияси етишмовчилигига олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги мисолни кўриб чиқсак. Бу муаммони электр энергиясини тежаш ва ундан самарали фойдаланиш тадбирлари, турли типдаги (иссиқлик, атом ёки гидроэлектростанция) электростанциялар қуриш ва бошқа ҳудуддан энергияни импорт қилиш каби бир неча усуллар билан ечиш мумкин. Мазкур усуллар ўзларининг техник ва иқтисодий тавсифлари бўйича, атроф-муҳитга таъсири кўлами ва характери бўйича бири-биридан фарқ қилиши мумкин. Ушбу усуллар орасидан мақбулини танлаб олиш иложи борича барча омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. АМБТБ жараёнида у ёки бу қарорни қабул қилиш албатта мўлжалланаётган фаолият муқобил вариантларини кўриб чиқиш асосида амалга оширилиши лозим.

Маълум маънода қарор қабул қилиш мавжуд вариантлар орасидан танлашни ўтказишдан иборатдир. Танловда кўрилаётган вариантлар қанчалик сифатли танланган ва ишлаб чиқилган, уларни амалга ошириш оқибатлари қанчалик тўлиқ аниқланган, уларни таққослаш қанчалик тўғри ўтказилган бўлса якуний натижа (қарор) ҳам шунчалик сифатли бўлади. Агар фаолият ташаббускори мўлжалланаётган фаолиятни режалаштириш жараёнида фаолиятни амалга оширишнинг муқобил вариантларини кўриб чиқмаса, бундай режалаштиришнинг натижаси қониқарсиз бўлиши турган гап. Шунинг учун ҳам мўлжалланаётган фаолиятнинг муқобил вариантларини кўриб чиқиш ҳар доим ҳам зарур саналади.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Одатда режалаштиришнинг дастлабки босқичларида кўриб чиқиладиган вариантлар ихтиёрий ва тасодифий бўлади. Мўлжалланаётган фаолият характерини белгилайдиган вариантни танлаш лойиҳалаш жараёнининг бошланғич босқичларида манфаатдор томонларнинг иштирокисиз амалга оширилади ва ҳужжатлаштирилмайди. Бунда танлаш асосан фаолият ташаббускорининг шахсий манфатидан келиб чиқиб, иқтисодий ва техник мезонлар асосида амалга оширилади.

Шунинг учун, мўлжалланаётган фаолиятнинг муқобил вариантларини кўриб чиқишни АМБТБ жараёнига киритишдан мақсад, уларни баҳолаш ва таққослашни бир тартибга солиш ва манфаатдор томонлар учун тушунарли қилишдан ҳамда оптимал вариантларини танлашда экологик мезонларни ҳисобга олишни таъминлашдан иборатдир.

Мўлжалланаётган фаолиятнинг муқобил вариантларини ўз вақтида кўриб чиқиш қарор қабул қилишда АМБТБ натижаларидан фойдаланишга яна бир имконият яратади. Бу имконият таққослаш асосида мақбул вариантни танлашдан иборатдир.

Бундан ташқари, мўлжалланаётган фаолият муқобил вариантларини кўриб чиқиш таъсирларнинг аҳамиятлилиги ва мақбуллигини баҳолашда муҳим рол ўйнайди. У таъсир кўламини нафақат стандарт ёки чегаравий қийматлар билан таққослаш, балки фаолиятнинг бошқа муқобил вариантларидаги катталиклари билан таққослаш инкониятини ҳам беради.

Мўлжалланаётган фаолиятнинг баъзи муқобил вариантлари, масалан, фаолиятдан воз кечиш *(“ҳеч нарса қилмаслик”)* ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг энг яхши тадбирларни кўзда тутган вариантлари бошқа муқобил вариантларни кўриб чиқиш (баҳолаш) учун таянч нуқта сифатида қабул қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, АМБТБ ни сифатли бажариш учун мўлжалланаётган фаолиятнинг бир нечта муқобил вариантларини кўриб чиқиш ва улардан баъзиларини етарли даражада чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Мақсадга эришишга принципиал ёндошув тўғрисидаги қарор мўлжалланаётган фоалиятни режалаштириш жараёнида қабул қилинадиган қарорларнинг муҳимларидан бири саналсада, у ягона ҳисобланмайди, яъни лойиҳалаш жараёнининг бошидан то охиригача турли кўринишдаги кўплаб қарорлар қабул қилинади, шу билан бирга лойиҳалашнинг охирига қараб вариантлар кўлами тобора камайиб боради ва пировардида қарорнинг бир неча вариантигина қолади. Мўлжалланаётган фаолиятнинг шу

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

қарорларга мос келадиган муқобил вариантлари эса улар билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Шундай қилиб объектнинг тури (типи) аниқланганидан сўнг, уни жойлаштиришнинг вариантлари ва асосий характеристикалари кўриб чиқилади (масалан, иссиқлик электростанцияси ёқилғи сифатида кўмирни ишлатадими ёки газни). Ниҳояда лойиҳанинг аниқ деталлари ҳамда аниқланган таъсирларни камайтириш ва олдини олишга ёндошувларгина муҳокама предмети бўлиб қолади. Юқорида қайд этилган бўғинларда мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширишнинг турли вариантларни кўриб чиқиш давомида атроф-муҳитга таъсирларни таҳлил қилиш ва таққослаш АМБТБ нинг умумий мақсадига эришишда катта ёрдам беради.

Агар АМБТБ ни бажариш жараёнида лойиҳани танланган технология бўйича ёки танланган майдонда амалга оширилиши йўл қўйиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши маълум бўлиб қолса, қабул қилинган қарорларни қайта кўриб чиқиш ва мўлжалланаётган фаолиятнинг аввал инкор этилган муқобил вариантларига қайтиш тўғри саналади. Бунда мазкур муқобил вариантлар бўйича аввал ўтказилган таққослашлар қарорларни қайта кўриб чиқишни бирмунча енгиллаштириши мумкинлигини қайд этиш тўғрироқдир.

Бир неча даражадаги қарорларни қабул қилишда мўлжалланаётган фаолият муқобил вариантларини реал кўриб чиқишни таъминлаш учун АМБТБ режалаштириш ва лойиҳалаш билан параллел ўтказилиши лозим ва бунда бажарувчилар ўзаро яқин алоқада бўлишлари лозим.

## 6.2. Мўлжалланаётган фаолият муқобил вариантларининг мумкин бўлган турлари

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш жараёнида мўлжалланаётган фаолият муқобил вариантларининг қуйидаги асосий турлари кўриб чиқилиши мумкин.

**1) фаолиятдан воз кечиш (“ҳеч нарса қилмаслик”)**

Бу вариант мўлжалланаётган фаолият муқобил вариантларини кўриб чиқиш мўлжалланаётган фаолиятдан тўлиқ воз кечилган ҳолда, фақатгина атроф-муҳит ҳолатини тавсифланишини назарда тутади. Аниқроқ айтилса бу вариант юқоридаги таърифга асосланадиган бўлинса - муқобил вариант саналмайди, чунки у мақсадга эришишдан воз кечишни назарда тутади. Шу билан бирга унинг кўриб чиқилиши услубий нуқтаи назардан қараганда жуда муҳим саналади. Чунки мазкур вариант мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширишнинг турли вариантларига тааллуқли

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

фойдаларни баҳолаш ва амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади.

**2) мақсадга эришиш йўлидаги турлича ёндошувлар**

Бунга юқорида тилга олинган иқтисодиётни ривожлантириш натижасида юзага келадиган энергия танқислиги муаммосини электростанция қуриш ёки бошқа ҳудуддан энергия импорт қилиш каби тадбирларини танлаш мисол бўла олади. Яъни бунда вужудга келадиган энергия танқислиги муаммосини ечиш учун турлича ёндошиш кузатилмоқда.

**3) мўлжалланаётган фаолиятни амалга ошириш учун танланадиган ҳудудлар**

Мўлжалланаётган фаолият оқибатида вужудга келадиган таъсирлар ва айниқса ушбу таъсирларнинг аҳамиятлилиги фаолиятни амалга ошириш жойи билан чамбарчас боғлиқдир. Мўлжалланаётган фаолиятни амалга ошириш натижасида пайдо бўладиган низоларнинг аксарият қисми ҳам фаолиятни амалга ошириш жойини танлаш билан боғлиқ. Шунинг учун фаолиятни амалга ошириш жойлари вариантларини маънфаатдор томонлар иштирокида ўз вақтида кўриб чиқиш жуда муҳим саналади. Зарур инфратузилмаларни мавжудлиги, рельеф, тупроқ хусусиятлари ва бошқа омиллар жойлаштириш вариантларини танлаш эркинлигини жиддий чегараласада, барча ҳолларда бир неча муқобил майдончаларни кўриб чиқиш фойдадан ўзга нарсани бермайди. Баъзи мамлакатлар АМБТБ тизимларида объектларни жойлаштириш вариантларини кўриб чиқиш хақида махсус талаблар қабул қилинган. Ушбу махсус талаблар айниқса алоқа йўллари ва комуникацияларни (йўллар, қувурлар, электр узатиш линиялари) жойлаштиришнинг турли вариантлари учун хосдир.

**4) мўлжалланаётган фаолиятнинг кўлами**

Мўлжалланаётган фаолиятнинг кўлами унинг мақсади билан аниқланади, фаолият кўламини ўзгартирилиши эса мақсаддан воз кечишга олиб келиши мумкин. Шундай бўлсада баъзи ҳолларда фаолиятни амалга ошириш кўламининг бир неча вариантлари кўриб чиқилиши мумкин. Бунга янги қуриладиган аэропортнинг бир ёки икки учиш-қўниш йўлакчали бўлиши орасидаги танлов, чиқиндилар жойлаштириладиган полигоннинг ўлчамлари, ер ости бойликлари қазиб олиш бўйича ишларнинг ҳажмлари ва бошқалар мисол бўлишлари мумкин.

**5) мўлжалланаётган фаолиятнинг муқобил вариантлари**

Дунё шаҳарларидан биридаги (аниқроғи, Торонто шаҳри, Канада) аэропортни кенгайтириш лойиҳасининг асосий варианти

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

иккита янги учиш-қўниш йўлкасини қуришни назарда тутган бўлишига қарамай АМБТБ да кўриб чиқиш учун қуйидаги муқобил вариантлар танлаб олинган эди:

1. Мавжуд аэропорт иншоотларидан самаралирок фойдаланиш;
2. Транспорт оқимини бошка ҳудуддаги аэропортларга йўналтириш;
3. Битта қўшимча учиш-қўниш йулкасини қуриш (лойиҳадаги иккитаси ўрнига);
4. Мавжуд аэропортга қўшимча янги аэропорт қуриш;
5. Мавжуд аэропорт ўрнига янги аэропорт қуриш;
6. Юқоридаги вариантлар барчаси ёки бир нечасининг комбинациялари.

**6) ишлаб чиқариш жараёни ва жиҳозларининг турли типлари**

Бу фаолиятни амалга ошириш жараёнининг турли босқичларида кўрилиши мумкин бўлган муқобил вариантлар гуруҳидир. Бу гуруҳга бир томондан объект турларини (ГЭС, АЭС ёки иссиқлик электростанцияси) киритиш мумкин бўлса, бошқа томондан аниқ бир цехда амалга ошириладиган ишлаб-чиқариш жараёни вариантларини ҳам киритиш мумкин.

**7) майдончанинг режаси, объектни жойлаштириш ва конструкцияси**

Майдончанинг режаси, объектни жойлаштириш ва конструкцияси маълум даражада мўлжалланаётган фаолиятнинг таъсирини белгилайди. Масалан, ишлаб-чиқариш биноларининг баланд ва паст бўлишлари кўз олдимиздаги муҳитнинг қай даражада ўзгаришини белгилайди. Ҳавони ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг аҳамиятлилигини ушбу ифлосликларни чиқарувчи цехнинг яшаш жойларидан нечоғли яқин ёки узоқ жойлашганлиги белгилайди.

**8) объектнинг ишлаш режими**

Объектнинг ишлаш режими таъсирларнинг катталиги ва аҳамиятлилигига таъсир ўтказиши мумкин. Объектнинг эксплуатацион режими аҳоли пунктидан ўтадиган оғир юк машиналарини фақат иш вақтида ёки сутка давомида ҳаракатланишини назарда тутиши мумкин. Объект қурилишининг вақти ҳайвонларни кўчиши ёки балиқларни увулдириқ сочишга тўсқинлик қилмайдиган қилиб танланиши мумкин. Бу ҳолат айниқса катта сув ҳавзаларида (дарёларда) гидротехник иншоотларни, кўприкларни қуришда эътиборга олиниши лозим.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

**9) таъсирларни юмшатиш тадбирларининг вариантлари**

Таъсирларни юмшатиш тадбирларининг ҳам бир неча вариантлари кўриб чиқилиши лозим. Улар, таъсирларнинг дастлабки башорати бажарилиб бўлинганидан сўнг, яъни лойиҳаловчилар ва АМБТБ ни бажарувчиларнинг олдида таъсирларни камайтириш ёки уларни тўлиқ бартараф қилиш вазифаси турган вақтда кўриб чиқилади.

Таъсирларни юмшатиш тадбирларининг муқобил вариантларига юқорида тилга олинган ишлаб чиқариш жараёни ва объектни ишлаш режимини вариантлари билан бир қаторда мўлжалланаётган фаолият таъсирларини камайтириш учун амалга ошириладиган тадбирлар (масалан, турли типдаги тозалаш иншоотларини қуриш) ҳам киради.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

# 7-БОБ. АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛАДИГАН ТАЪСИРЛАРНИ БАҲОЛАШНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА ҲУЖЖАТЛАР СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

## 7.1. АМБТБ жараёнида ҳужжатлаштиришнинг ўрни

АМБТБ натижаларини ҳужжатлаштириш АМБТБ жараёнининг марказий элементларидан биридир. Натижаларни ҳужжатлаштириш, яъни АМБТБнинг зарурлиги ҳақида қарорлар қабул қилишдан то таъсирларни башорат қилиш асосида лойиҳага ўзгартиришлар киритиш ҳамда мўлжалланаётган фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилингунича бўлган жараённинг ҳамма босқичларида арур.

АМБТБ жараёнида пайдо бўладиган кўпгина масалалар ҳужжатлаштириш асосида ечилиши мумкин. Ҳужжатлаштирилмаган натижалар қарор қабул қилиш жараёнида қийинчилик билан ҳисобга олиниши мумкин ва тизимли баҳолаш предмети бўла олмайди. Давлат органлари ёки бошқа манфаатдор томонлар билан АМБТБ сифатини назорат қилиш ҳар доим ҳам ҳужжатлаштиришни таҳлил қилишга асосланган. Шу билан бирга ҳужжатлар АМБТБ жараёнида турли томонларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун асос яратади.

Шу сабабларга кўра, АМБТБ тизими ривожланган қатор давлатларда, ҳужжатларнинг мазмунини белгиловчи, жараённинг у ёки бу босқичлари натижаларини акс эттирувчи, уларни нашр қилиш ёки манфаатдор томонлар билан муҳокама қилишни акс эттирадиган махсус талаблар мавжуд. Турли тизимларда шунга ўхшаш талаблар қўйилган АМБТБ босқичлари қуйидагилардир:

1. **Дастлабки баҳолаш**нинг мақсади тўлиқ масштабли АМБТБ ўтказиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилишдан иборат.

2. **АМБТБ вазифаларини аниқлаш**. Масалан, Голландияда Scoping Guidelines, Финландия, Литва ва Латвияда «АМБТБ баҳолаш дастури» тайёрланади.

3. **Давлат ёки нодавлат ташкилотлари томонидан АМБТБнинг сифатини баҳолаш**. Нидерландия ва Словакия каби мамлакатларда АМБТБ сифатини баҳолаш натижаларини ифодаловчи ҳужжатлар тузилади.

4. **Мўлжалланаётган фаолиятни амалга ошириш ҳақида якуний қарор қабул қилиш**. Масалан, АҚШда махсус “қарор қабул қилиш баённомаси”тузилади. Бу ҳужжат мўлжалланаётган фаолият ҳақидаги қарор АМБТБ натижаларини қай даражада ҳисобга олишини тушунтиради.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

5. **Салбий таъсирларни камайтириш тадбирларини амалга ошириш режаси ҳамда экологик мониторинг бошқарув режаси**да баён қилинади. Уларни тайёрлаш Халқаро банкнинг экологик процедураларида талаб қилинади.

Аммо барча АМБТБ тизимларида АМБТБ жараёнининг асосий натижаларини акс эттирадиган бош ҳужжатни тайёрлаш ва уни манфаатдор томонлар билан муҳокама қилиш талаблар амалда мавжуд. Бу ҳужжат одатда “Environmental Statement” ёки “Атроф-муҳитга бўладиган таъсирлар тўғрисида баёнот” (АМБТТБ) дейилади.

## 7.2. АМБТТБнинг функциялари

АМБТТБ атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш тизимида қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

- мўлжалланаётган фаолият бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланилади;
- манфаатдор томонлар билан муҳокама қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

АМБТБ ривожланган тизимларда АМБТТБ фойдаланувчиларнинг кенг доирасига мўлжалланади ва манфаатдор томонларга бўлган, мўлжалланаётган фаолиятнинг экологик жиҳатларини тушунтириш учун зарур бўлган барча маълумотларни ўз ичига олади. Бунда ўқувчи ролида қарор қабул қилувчи шахслар, манфаатдор жамоатчиликнинг вакиллари, атроф-муҳитни мухофаза қилиш соҳасида фаолият юритувчи олимлар, жамоат ташкилотлари, аҳоли вакиллари ва бошқалар қатнашишлари мумкин.

XX асрнинг 70-йилларнинг бошларидан то ҳозирги кунга қадар турли мамлакатларда бундай ҳисоботларни тайёрлаш бўйича бой тажриба тўпланган. Бу тажриба меъёрий ва услубий ҳужжатларда, тавсияномаларда, илмий нашрларда акс эттирилган. Бугунги кунда АМБТБ натижалари бўйича тузиладиган ҳисоботнинг таркибий тузилмаси ва мазмуни ҳақида барқарор тасаввурлар шаклланиб бўлган.

## 7.3. АМБТТБ нинг тузилиши ва мазмуни

Одатда АМБТТБ таркибига қуйидаги маълумотлар кириши зарур:

Амалдаги **қонунчилик асослари**. Мўлжалланаётган фаолият таъсир доираси ва унинг АМБТБ жараёни ёритиладиган турли даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқа тавсифи.

**Лойиҳа ва унинг муқобил вариантлари тўғрисидаги асосий маълумотлар.** Лойиҳани амалга оширишнинг мақсадлари ҳамда қўйилган мақсадга эришишнинг муқобил вариантлари қисқача

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

ёритилади. Бу қисмга лойиҳанинг асосий тавсифлари, шу жумладан, фойдаланиладиган ресурслар, чиқиндиларнинг хажми, физик кўрсаткичлари, фойдаланиладиган технологиялар ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

**Мавжуд табиий шароитлар ва атроф-муҳит компонентларининг тавсифи**. Мўлжалланаётган фаолият таъсирининг тахмин қилинаётган ҳудуди асосли аниқланиши, табиий шароит ва атроф-муҳитнинг компонентлари тавсифланиши зарур. Айтиб ўтилганидек “шароит ва компонентлар” кенг маънода тушунилади. Уларга одатда нафақат, табиий муҳитнинг холати (тупроқлар, сувлар, атмосфера хавоси), иқлим, фауна ва флора, балки тарихий-маъданий қадриятлар аҳоли соғлиги ҳамда ушбу омиллар орасидаги ўзаро боғлиқлар ҳам киритилади.

**Атроф-муҳитга лойиҳа таъсирининг потенциал омилларини, тавсифи ва улар билан боглиқ мумкин бўлган ўзгаришларни башорат қилиш.** Лойиҳа ҳаётий циклининг барча босқичларида содир бўладиган бевосита, билвосита, қисқа ва узоқ муддатли барча таъсирлар, таъсирларни башоратлаш методлари кўрсатилиши ва асосланиши лозим Атроф-муҳитнинг. олдинги бандда кўрсатиб ўтилган барча элементларига бўладиган таъсирлари ҳужжатлаштирилиши лозим. Ҳисобот нафақат таъсирларнинг қиймати, балки уларнинг аҳамияти ҳақида ҳам маълумот бериши лозим. Таъсирларнинг аҳамиятини баҳолашда манфаатдор томонлар ва жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олиш зарур.

**Таъсирлар ўрганилаётган ҳар бир муқобил вариант учун тавсифланиши лозим.**

**Таъсирларни юмшатиш тадбирларининг тавсифи ва танланган муқобил вариантни асослаш.** Муқобил вариантларни таққослаш мезонлари кўрсатилиши ва муайян вариантларнинг танлаб олиниш сабаблари очиқ кўрсатилиши лозим.

**Тавсифланаётган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари асосланган ва энг аҳамиятли салбий таъсирларни камайтиришга йўналтирилган бўлиши лозим.** Уларнинг самарадорлиги баҳоланиши ва “қолдиқ таъсирлар” тавсифланиши зарур. Сўнгги вақтларда АМБТТБга экологик бошқарув режасини киритиш тўғрисидаги талаблар ортиб бормоқда.

**АМБТБ бўйича ҳужжатларга қўшимча талаблар кўпинча манфаатдор томонлар ва жамоатчилик билан маслаҳатлашув процедурасини тавсифлаш зарурлигини ўз ичига олади.** Бу холда АМБТТБга, жамоатчилик иштироки тадбирларининг рўйхати, жамоатчилик эшитувларининг баённомалари, давлат органларининг келиштириш ҳужжатлари ва шунга ўхшаш

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

маълумотлар киритилиши мумкин. АМБТБ ҳужжатларининг шакли АМБТБ жараёнининг самарадорлиги учун унинг мазмуни каби катта аҳамиятга эга.

**АМБТТБ ёки унга ўхшаш ҳужжат, атроф-муҳитга таъсирларни баҳолаш жараёнининг иштирокчилари учун тушунарли бўлиши лозим.**

Булар бир томондан қарор қабул қилувчи шахслар, бошқа томондан - манфаатдор ташкилотлар ва жамоатчилик. Фаолият юритувчи АМБТТБни тайёрлаш учун зарур бўлган махсус илмий-техник тайёргарликка эга бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолат ҳужжатларнинг баён қилиш усули ва тузилишига нисбатан маълум талабларни қўяди. АМБТТБ ҳужжатларининг тўлиқ ва аниқ тузилишига эришиш зарур. У мазмунни ёритишдан бошланиши, жадваллар рўйхати ва тасвирлардан иборат бўлишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Кўпгина миллий тизимларда АМБТТБга мутахасис бўлмаган кишиларга тушунарли бўладиган АМБТБнинг асосий хулосаларни баён этадиган махсус резюме (хулоса) киритилиши талаб қилинади. АҚШда бундай “разюме-хулоса”нинг ҳажми 15 бет, мураккаб ва йирик лойиҳалар учун 30 бетни ташкил этиши талаб қилинган. Бундан ташқари, АМБТТБнинг ҳар бир бобида дастлаб асосий ғоялар қисқача моҳияти, якунида эса хулосалар баён қилинади.

**АМБТТБ тушунарли тилда ёзилиши зарур**, унда шевали сўз ва техник атамаларни ишлатмаслик керак. Махсус иловаларда ихтисослик атамалари ва қисқартмаларга шарҳ берилиши лозим. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг асосий хулосаларини акс этириш учун диаграмма, жадвал, фотосурат, харита ва бошқа график материалларидан фойдаланиш тавсия этилади.

**АМБТТБга бўлган талаблар нафақат ҳужжатнинг мукаммал тайёрланганлиги ва расмийлаштирилганлигига тегишли бўлибгина қолмай, шу билан бирга атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш натижалари ҳаққоний ва объектив баён этилишини ҳисобга олади.** Олдини олиш мураккаб бўлган жиддий таъсирларнинг баёнига эътибор, аҳамиятсиз ёки осон бартараф этиладиган таъсирлар баёнига алоҳида эътибор каратилиши керак. Атроф-муҳитга бўлган салбий ва ижобий таъсирларнинг кўлами АМБТТБ(ЗВОС)да баён этилган кўламга мувофиқ келиши лозим.

**Таъсир қиймати ва унинг аҳамиятлилиги чегараланиши зарур**, зеро, манфаатдор томонларнинг турли гуруҳлари таъсир қийматини баҳоланишига мойиллик билдиргани ҳолда, унинг аҳамиятлилигини турлича баҳолашлари мумкин.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

**Тавсия қилинаётган лойиҳа ва унинг таъсирини баён этишда «баҳолаш» тавсифлари камроқ ёритилиши керак**. Масалан “кичикроқ ўзгаришлар” ёки “экологик тоза технологиялар” ибораларини қўллашда қиёсий тавсифлар берилиши, яъни, нимага нисбатан “кичикроқ” эканлиги ва “экологик тоза технология”ни аниқловчи мезонлар изоҳланиши лозим.

## 7.4. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг сифати назорати

**Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш** қарорларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиш воситасидир. Қарор қабул қилиш учун асосий ва муҳим маълумотларнинг қанчалик тўлиқ ва ишончли эканлигини билиш керак. Кўплаб миллий тизимларда анна шу ҳолат инобатга олинганлигини текшириш учун АМБТБ сифатини назорат қилиш учун махсус процедуралар қўлланилади. АМБТБ жараёнининг турли босқичларида назорат қилиш ва сифатини баҳолаш турли ташкилот ва шахслар томонидан ўтказилиши мумкин.

**АМБТБ сифатини текшириш, АМБТБ бўйича ҳужжатларни баҳолаш ёки АМБТБ жараёнини баҳолаш орқали амалга оширилади**. Ҳужжатларни текширишни ташкил этиш анча осон. Агар жараённинг предмети у ёки бу ташкил қилувчиларининг мавжудлигидан эмас, балки сифатли баҳолашдан иборат бўлса, у ҳолда баҳолаш бир оз қийин кечади. Бунинг учун ёки АМБТБ жараёни ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумотларга эга бўлиш (ҳар қандай вазиятда ҳам ҳужжатлаштириш асосий шарт) ёки шу жараёнда иштирок этиши (бунинг эса ҳар доим ҳам имкони бўлмайди) зарар. Бундан ташқари ҳужжатлаштириш АМБТБ босқичларининг аввалги натижаси ҳисобланади ва қарорлар қабул қилишда айнан улардан фойдаланилади. Шу сабабли АМБТБ сифатини назорат қилишга ёндашувлар ҳужжатлаштиришнинг сифатини баҳолашга асосланган ва энг аввало, АМБТТБнинг атроф-муҳитга бўладиган таъсирларини баҳолаш ҳужжатининг асосий ғояларини акс эттиради. Расмий ҳужжатлар ва илмий нашрларда мазкур босқич кўпинча ҳужжатлаштиришнинг сифатини баҳолаш (экспертиза) кўринишида ифодаланади.

**Сифат назоратининг мақсад ва вазифалари**

АМБТБ сифатини назорат қилишнинг мақсади АМБТБ натижаларини қарорлар қабул қилиш учун яроқлилигини баҳолашдир. Одатда ҳужжатлаштириш сифатини назорат қилиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

- АМБТТБ да таҳлил қилинган ва ифодаланган маълумотларнинг тўлиқлилигини ҳамда қўшимча маълумотларни тақдим қилиш зарурлигини баҳолаш;

- маълумотларни аниқлиги, ҳаққонийлигини ҳамда фойдаланилган усулларнинг тўғрилигини баҳолаш;

- АМБТТБга маълумотларни тақдим қилииш сифатини баҳолаш.

Кўплаб миллий тизимларда АМБТБ сифатини назорат қилиш мўлжалланаётган фаолиятни мустақил баҳолаш билан уйғунлаштирилган бўлиб, уларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мўлжалланаётган фаолиятнинг фараз қилинган оқибатларининг аҳамиятлилигини баҳолаш:

- салбий таъсирларни олдини олиш ва камайтириш бўйича таклиф қилинаётган тадбирларнинг етарлили эканлигини ҳамда қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш заруриятини баҳолаш;

- мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширишнинг мумкин ёки мумкин эмаслигини ҳамда уни амалга ошириш шартлари тўғрисидаги тавсияларни шакллантириш.

Сифат назорати натижалари махсус ҳужжатда ифодаланиши мумкин. Кўпинча бу ҳужжат АМБТТБ билан бир қаторда, мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширишнинг имконияти ҳақидаги қарор қабул қилишда кўриб чиқилади. Кўплаб тизимларда ушбу ҳужжатни мажбурий равишда нашр қилиш ёки унинг барча учун очиқлигини ифодаловчи Низомлар мавжуд.

**АМБТБ ҳужжатлари сифатини баҳолаш**

АМБТБ бўйича ҳужжатлар сифатини текширишда турли ёндашувлар бўлиши мумкин. Аввало, унинг АМБТБ ҳужжати ва мўлжалланаётган фаолиятга қонун талаблари нуқтаи назаридан мувофиқ келиши текширилади. Бунга ҳужжатлар ва (баҳолаш предмет) лари таалуқли. Бундай текширувни амалга ошириш муҳим, аммо кўпгина ҳолатларда меъёрий ҳужжатларнинг талаблари улар учун етарли бўлмайди. Ёндашувларнинг яна бир кўриниши - бу АМБТБ жараёнида аввал қабул қилинган ва атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш вазифаларини белгилаб берувчи ҳужжат билан таққослаш саналади. Бундай ёндашув, одатда ҳужжатни тайёрлашга нисбатан қонуний талаблар мавжуд мамлакатларда қўлланилади. Масалан, АҚШ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Агентлигида мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири мақбуллигини баҳолаш учун қуйидаги кўринишдаги шкала қабул қилинган:

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

| Баҳолаш натижаси | Натижага олиб келувчи сабаблар |
|---|---|
| Камчиликлар йўқ | *АМБТТБнинг таҳлили лойиҳани ўзгартиришга олиб келадиган жиддий таъсирларни аниқламайди* |
| Экологик характердаги качиликлар мазжуд | *АМБТТБнинг таҳлили атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарарни тўлиқ бартараф этиш, камайтириш ёки олдини олишга имкон берувчи таъсирларни очиб беради* |
| Экологик ҳарактердаги эътирозлар мавжуд | *АМБТТБнинг таҳлили атроф-муҳитга келадиган зарардан тўла холис бўлиш, уларни камайтириш ёки олдини олиш зарурлиятини ифодаловчи кучли таъсирларни аниқлайди* |
| Экологик жиҳатдан қониқарли эмас | *АМБТТБнинг таҳлили катта маштабдаги салбий таъсирларни мавжудлигини кўрсатди. Мўлжалланаётган фаолият таклиф қилинаётган холатда, яъни таъсирларни камайтириш ёки олдини олиш бўйича қўшимча тадбирларсиз амалга оширилиши мумкин эмас* |

Кўпчилик ҳолатларда АМБТБ бўйича ҳужжатларнинг сифатини баҳолаш учун мезонларнинг тизимли тўплами қўлланилади. Улардан энг кўп оммалашгани Ли-Коллининг АМБТТБ сифатини баҳолаш пакети бўлиб, у 90-йилларда Буюк Британияда яратилган. Бу пакетнинг маҳаллий шароит ва мавжуд қонунчилик талабларига мослаштирилган вариантлари Буюк Британия, Германия, Швеция, Венгрия, Словения, Польша, Болгария каби бир қатор мамлакатларда қўлланилиб келинмоқда.

Ли-Колли пакети тўрт қисмдан иборат:

– мўлжалланаётган фаолият, уни амалга ошириш ҳудуди ва мавжуд шароитни тавсифлаш;
– асосий таъсирларни аниқлаш ва баҳолаш;
– таъсирларни камайтириш ва олдини олишнинг муқобил вариантлари ва тадбирлари;
– АМБТБ натижаларини баён қилиш.

Пакетнинг ҳар бир қисми атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг у ёки бу қисми қанчалик сифатли бажарилганлигини ярим миқдорий баҳолашга имкон берадиган мезонлар тўпламини ўз ичига олади.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Мезонлар пакети мўлжалланаётган фаолият олиб бориладиган соҳада малакаси бўлмаган мутахассислар (масалан, маъмурий ташкилотларнинг ходимлари) томонидан ҳам бемалол қўлланилиши мумкин. Мазкур мезонлар тизимидан фойдаланиш ҳужжатларнинг тартибли юритилишини таъминлайди.

Мезонларнинг қўлланилиш соҳаси ваколатли идоралар томонидан АМБТБ сифатини назорати билан чегараланиб ҳолмайди. Мезонлар пакетидан манфаатдор томонлар (масалан, жамоат ташкилотлари томонидан АМБТТБ сифатини норасмий баҳолаш мақсадида) ҳам фойдаланишлари мумкин. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашни амалга оширувчи томонлар АМБТТБни тайёрлашда «Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш сифати кўрсаткичлари» аниқ баён этилган тизимли мезонлар пакетларидан қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Айни вақтда АМБТБ жараёни сифатини баҳолашнинг мезонлар тизимига ўхшаш оммавий тан олинган мукаммал усуллари мавжуд эмас. Шунинг учун илмий-тадқиқот муассасалари АМБТБ сифатини баҳолаш учун:

1) АМБТБ жараёнида манфаатдор ташкилотлар ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро кучли ҳамкорлик;
2) экспертларнинг малакаси;
3) АМБТБ ўтказилиши натижасида лойиҳага киритилган ўзгаришларнинг миқдори ва характери

каби мезонлардан фойдаланишни тавсия қилади.

АМБТБ ҳужжатлари сифатини назорат қилиш давомида Нидерландия давлатида аниқланган камчиликлар ва уларнинг моҳияти қуйида мисол тариқасида келтирилган:

**Мўлжалланаётган фаолиятни мақсади кенг кўламда ўрганилмаган.**

*Мўлжалланаётган фаолият сифатида автомобил йўллари қурилишининг турли вариантлари кўриб чиқилади. Фаолиятнинг мақсади одамлар ва юкларни юриши ташишдан иборат. Бу мақсадга темир йўллар ва транспортнинг бошқа турларини ривожлантириш орқали эришиш ҳам мумкин.*

**Мўлжалланаётган фаолият тавсифи унинг барча жиҳатларини ўзида акс эттирмайди.**

*Ҳужжатларда мўлжалланаётган фаолият саноат корхонаси қурилиши сифатида ифодаланади, лекин унда зарур саналган қувур линияларини қуриш, хом-ашёни тайёрлаш, маҳсулотни ташишнинг бошқа воситалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилмаган.*

**Таъсирларни камайтириш ва олдини олишнинг оқилона чоралари назарда тутилмаган.**

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

*Қаттиқ маиший чиқиндилар полигони лойиҳаси портлаш хавфи бўлган метан газини йиғадиган тизимни қўллаш лозимлигини эътиборга олмаган.*

**Эҳтимоли бор жиддий таъсирлар баён қилинмаган ёки нотўғри талқин қилинган.**

*Қаттиқ маиший чиқиндилар полигони АМБТТБ сида зовур тизимида юз бериши мумкин бўлган бузилишлар баён қилинмаган.*

**Етарли бўлмаган, нотўғри ёки муддати ўтган маълумотлар, усуллар ёки ҳисоблаш моделларидан фойдаланилган.**

*Ҳудуднинг ривожланиш режаси аҳолини кўчиришни баҳолаш мақсадида маҳаллий шароит учун аниқ маълумотлар мавжуд бўлгани ҳолда миллий масштабдаги ўртача маълумотлардан фойдаланган.*

АМБТТБ сифатини текшириш зарурлиги қонун билан мустаҳкамланмаган жойларда ҳам давлат ёки бошқа ташкилотларнинг ташаббуси билан ҳужжатларнинг сифатини баҳолаш ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида АМБТБ сифатини (атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг тўлиқлиги) текшириш одатда мазкур фаолият юзасидан давлат экологик экспертизаси ўтказиладиган босқичда давлат экологик экспертиза комиссияси томонидан амалга оширилади.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

# 8-БОБ. АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛАДИГАН ТАЪСИРЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

## 8.1. Қарорлар қабул қилиш тизимида атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг ўрни

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг асосий натижаси мўлжалланаётган фаолият юзасидан қарорлар қабул қилиш жараёнида экологик омилларни хисобга олишдир. Бу омиларни АМБТБ жараёни ва лойиҳа циклининг турли босқичларида ҳисобга олиш мумкин. Фаолият ташаббускори ёки АМБТБни ишлаб чиқувчилар томонидан АМБТБнинг оралиқ ва якуний натижалари таъсир этиши мумкин бўлган турли даражадаги лойиҳа олинади ва лойиҳа қарорлари қабул қилинади. Лойиҳа қарорлари муқобил вариантлар таҳлилларининг натижалари ва манфаатдор томонларнинг тутган йўлини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши мумкин. Таъсирларнинг башоратлари асосида уларни юмшатиш бўйича тадбирларни амалга ошириш хақида қарорлар қабул қилиши мумкин. Турли давлат идоралари маслаҳат ёки келишувлар жараёнида муайян таъсир турини рухсат этиш ёки мўлжалланаётган фаолиятнинг маълум жиҳатларига қўйилган чегаралар тўғрисида қарор қабул қилиш, маълум рухсатларни ёки лицензияларни бериши мумкин. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш самарадорлиги унинг материалларидан қарорлар қабул қилишда қай даражада фойдаланганлигига боғлиқ .

Мўлжалланаётган фаолиятни режалаштириш вақтида қабул қилинадиган қарорлар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирларини тақозо этади.

Муайян ҳудуд ва маълум вақтга тегишли қарорларни қабул қилиш ҳақидаги тасаввурлар шартли бўлиб, амалда фаолият ташаббускори таклиф қилаётган фаолиятни амалга ошириш имконияти тўғрисидаги қарорасосий саналади. Бундай қарор ҳамиша давлат идоралари томонидан қабул қиланади ва тегишли рухсатномани бериш кўринишида ифодаланади. Кўпинча бу ишни ҳудуд маҳаллий бошқаруви ёки ердан фойдаланиш масалаларига бошчилик қиладиган идоралар бажаради. Айрим ҳолларда тармоқ муассасалари ҳам тегишли қарорларни қабул қилиши мумкин. Масалан, алоқа йўлларини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар бўйича қарорларни Транспорт вазирлиги чиқаради. Агар фаолият ташаббускори давлат муассаси бўлса, тегишли қарорлар унинг ўзи томонидан қабул қилиниши мумкин.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Бошқа омиллар мўлжалланаётган фаолиятнинг потенциал ижтимоий ва иқтисодий оқибатлар, турли соҳаларда миллий ва ҳудудий сиёсатнинг асосийларини ўз ичига олади.

Қарор қабул қилувчи шахсларга мўлжалланаётган фаолият ва унинг аҳамиятли таъсири тўғрисидаги маълумотларни тўғри тақдим этиш АМБТБ нинг вазифаси ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида АМБТБ сифатини назорат қилишнинг муҳим вазифаси ушбу маълумотдан қарорларни қабул қилиш мақсадида фойдаланишни баҳолашдан иборат.

Қарорлар қабул қилиш босқичида ҳал этилувчи асосий масала АМБТБ натижалари ёки соҳага тегишли бошқа хулосаларини ўзаро боғлашдир. Қарорлар қабул қилишнинг кўплаб норасмий усуллари маълум бўлиб, қуйидагилар улар орасидаги энг оммавийлари саналади:

1. **Экологик стандартларга мослигини текшириш;**

Бу усул фаолиятнинг қонунчилик меъёрларига мувофиқ қўлланилишга рухсат берилишини ифодалайди. Агар стандарт мавжуд ва АМБТБ таъсирлар “меъёрланганлигини ” олдиндан аниқлаган бўлса, усулни қўллаш нисбатан осон. Аммо юқорида кўрсатиб ўтилган атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг кўпгина афзалликлари муайян фаолиятни (жумладан, ноёб маҳаллий шароитлар, манфаатдор томонларнинг фикри, тўпланган таъсирлар ва стандартлар билан бошқарилмайдиган таъсирларни ҳисобга олиш) амалга оширишга йўл қўймайди. Бундай усулни қўллаш, айниқса экологик вазирликлар ёки экспертлар қарор қабул қилишда иштирок этадиган тизимлар учун характерли.

2. **Иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигининг таҳлили;**

Бу усул лойиҳадан пул шаклида олинадиган фойдани ҳисоблаш мақсадини ифодалайди. Муаммолар кўплаб таъсирларни пул шаклида ифодалайди ва “тақсимланиш самараси”нинг инкор қилишда техник имкониятлар йўқлигини кўрсатади (бунинг оқибатида таклиф этилаётган лойиҳадан бир ижтимоий гуруҳ фойда кўрса, бошқа гуруҳлар зарар кўради).

3. **Кўп мезонли таҳлил;**

Бу гуруҳга “мақсадга эришиш матрицаси”, “режалаштиришнинг баланс жадваллари”, тартибга солиш ва чамалаш каби усуллар киради. Умуман, оддий усуллар кенг қўлланилади ва улар одатда сезиларли даражада норасмий қарорларнинг сифатини яхшилайди.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

**4. Эксперт баҳолаш усуллари.**

Бундай усуллар амалиётда кенг қўлланилади, зеро, улар расмий усуллар билан боғлиқ қўшимча маълумот ёки ҳаражатларни талаб қилмайди. Эксперт баҳолаш усуллари қарорларни қабул қилиш мезонлари мавжуд бўлган ҳолларда юқори самара беради. Бунда манфаатдор томонлар билан уюштирилувчи маслаҳатлар, эксперт ва маслаҳатчиларнинг малака ва тажрибаларга эгаликлари ва қарорларнинг норасмий асосланиши муҳим аҳамиятга эга.

## 8.2 АМБТБда қарорлар қабул қилиш

Миллий қонунчилик меъёрлари соҳада қарорлар қабул қилишда экологик омилларни тўғри инобатга олишишини таъминлайди. Минимум сифатида тегишли қонунчилик асослари, экологик омиллар ёки АМБТБ натижалари қарорларни қабул қилишда кўриб чиқилиши лозим бўлган умумий кўрсатмаларни ўз ичига олади. Қуйида мазкур жараён тўғрисида сўз юритилади.

**Қарорни ҳужжатлаштириш.** Кўплаб АМБТБ тизимларида асосий ғоя қарорларнинг таърифлари, омиллар ва мулоҳазалар билан бирга эълон қилинади. Бу маълум даражада жамоатчилик ва бошқа манфаатдор томонлар учун қарорлар қабул қилиш жараёнини ойдинлаштиради.

Фаолият ташаббускори ҳужжат ҳамда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олувчи қарорлар баёнини тайёрлаши зарур:

- қарорнинг баён қилиниши;
- экологик нуқтаи назаридан афзал бўлган муқобил вариантларнинг қайд этилиши;
- қарорлар қабул қилиш жараёнида кўриб чиқилган ижтимоий, экологик ва иқисодий омиллар;
- таъсирларни камайтириш ва олдини олиш бўйича назарда тутилган тадбирларнинг қисқача баёни, агар ташкил этилиш имконияти етарли бўлмаган тадбирлар назарда тутилган бўлса, қарорнинг асосланиши.

АМБТБ бўйича Европа Директиваси (1997-редакциясида) АМБТБ материалларининг мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширишга рухсат бериш процедурасида ҳисобга олинишини талаб қилади. Қарор қабул қилувчи муассаса (орган) жамоатчиликни қарорнинг мазмуни ва илова қилинган шароитлар, қарорларга асос қилиб олинган сабаблар ва мулоҳазалар, таъсирларни камайтириш ва олдини олиш тадбирлари тўғрисидаги маълумотлардан хабардор қилиши лозим.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

**Шикоят қилиш (аппеляция) имконияти**

АМБТБ да ташкилотлар ва фуқоролар судга мурожаат қилиш имкониятига эгалар. Судга мурожаат қилиш АМБТБ да қонунга риоя қилишнинг асосий механизмларидан бири саналади. Даъво қилиш учун асос процедура характеридаги хатти-ҳаракатлар бўлиши мумкин. Голландиядаги тартибга кўра фуқаролар “учинчи” манфатдор томонлар иштирокида маъмурий тартибда, оғзаки шикоят кўринишида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу механизм етарли даражада самарали ҳисобланади.

“Экологик маълумотларга кириш конвенцияси” (Европа конвенцияси) талабларига мувофиқ “етарли даражада манфаатдор” жамоатчилик вакиллари ёки ҳуқуқи поймол этилган шахслар судда (ёки бошқа мустақил, ҳолис орган) ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш тарзида қарорнинг мазмунини ёки процедура жиҳатларининг қайта кўриб чиқилишига эришишлари мумкин. Конвенция томонларнинг ваколати муайян даражада ноаниқ бўлса-да, “манфаатдор” томонларни махсус белгилаб беради. Миллий қонунга мувофиқ фаолият юритадиган нодавлат экологик ташкилотлари ана шундай субъект бўлади.

Шундай қилиб, атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг натижалари маълум вақтда “мутахассислар” гуруҳи томонидан қабул қилинадиган бир қароргина бўлмай, балки бир неча гуруҳлар иштирок этадиган ва лойиҳани тайёрлаш, уни амалга ошириш босқичларида, шунингдек, мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширишда фойдаланиладиган кўплаб қарорлардан иборатдир.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этилиши АМБТБда турли қарорлар (методологик, процедуравий, қонунчилик асослари билан) боғлиқлиги самарали ташкил этилишини кафолатлайди.

Одатда лойиҳани амалга оширишнинг даслабки босқичларида қарорлар қабул қилишнинг самарали тизимлари, мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширишнинг муқобил вариантлари таққосланади. Бу жараёнда, шунингдек, манфаатдор томонлар билан расмий маслаҳатлар ҳам кўзда тутилади.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш натижалари бўйича қарорлар қабул қилишда мақбул, самарали усуллардан фойдаланиш зарур. Фойдаланилган аниқ мезонлар, малакали экспертларнинг маслаҳатлари ва юридик мақомга эга манфаатдор томонларнинг фикр-мулоҳазалари ҳужжатлаштирилган бўлиши, асосланиши ва бунда шикоят қилиш имконияти назарда тутилиши лозим.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

# 9-БОБ. АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛАДИГАН ТАЪСИРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ЛОЙИҲАДАГИ КЕЙИНГИ БОСҚИЧЛАРИ

## 9.1. АМБТБни лойиҳадан кейинги босқичларининг умумий тамойиллари

Атроф-муҳитга таъсирларни баҳолаш йўлга қўйила бошлаган дастлабки даврларда АМБТБ нинг марказий элементи сифатида “таъсирларни баҳолаш” нинг ўзигина тушуниларди ва таъсирлар тўғри баҳоланган бўлса, уларни камайтириш чора-тадбирларди ўз-ўзидан ишлаб чиқилади ва бажарилади деган ишонувчанлик фикрлари мавжуд эди.

Таъсирларни аниқлаш, башорат қилиш ва ҳужжатлаштиришда маълум тажрибалар тўплана боргани сайин “АМБТБ тузилиб, лойиҳа мақулланиб ва уни молиялаштириш бошланганидан кейин нима бўлади?” деган ҳақли савол туғила бошлади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки фаолиятни амалга ошириш олингандан сўнг АМБТБ унутиладиган бўлса, у фақатгина “қайд этилган эзгу ниятлар тўплами” гина бўлиб қолади ва ундан келадиган самара жуда паст бўлади. Одатда АМБТБ тавсиялари самарасиз бўлиши ёки умуман бажарилмаслиги учун талай сабаблар бўлиши мумкин:

1. хўжалик объектларини ишга туширилиши ва фаолият юритишида АМБТБ тавсиялари тўлиқ эътиборга олинмайди (ёмон тайёрланган сметалар ва ташкилий тадбирларга етарли даражада эътибор қаратмаслик АМБТБ тавсиялари амалда бажарилмаслигини асосий сабаби ҳисобланади);
2. ташқи шароитда кўзда тутилмаган, жумладан, атроф-муҳит ҳолатининг ўзгариши ва бошқа хўжалик фаолиятини пайдо бўлиши каби ўзгаришлар бўлиши мумкин;
3. фаолиятни атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги билимларни тўлиқ эмаслиги, таъсирларни аниқ башорат қилишга имкон бермайди.

АМБТБ тўғрисидаги тасаввурларнинг ўзгариши натижасида АМБТБ хулосалари фақат фаолият лойиҳасини тайёрлаш учунгина хизмат қилмаслиги, балки фаолиятни амалга ошириш босқичида уларга тўла риоя қилиниши ўта муҳим эканлиги англаб етилди. Айнан шунинг учун АМБТБ ўз таркибига лойиҳадан кейинги босқичларни киритиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

АМБТБ нинг лойиҳадан кейинги вазифаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1) таъсирларни олдини олиш ва камайтириш бўйича АМБТБ жараёнида ишлаб чиқилган тавсияларнинг бажарилишини таъминлаш;

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

2) таъсирларнинг амалдаги характери ва қийматларини уларнинг аввал тахмин ва башорат қилинган даражалари билан таққослаш асосида доимий баҳолаб бориш. Зарур ҳолларда таъсирларни олдини олиш ва камайтириш чора-тадбирларига тузатишлар киритиш;
3) амалдаги АМБТБ услубларини аввалдан қилинган башоратларни тўғрилиги ва белгиланган чора-тадбирларни самараси хақидаги маълумотларни тўплаш ва баҳолаш натижалари асосида ривожлантириш.

АМБТБ ривожининг ҳозирги босқичида юқоридаги масалаларни бажарилишини таъминловчи энг муҳим механизм “экологик бошқарув режаси” (ЭБР) ҳисобланади ва уни АМБТБ нинг якуний ҳужжатлари сирасига киритиш кўплаб ҳалқаро ташкилотлар талабномаларида қайд этилмоқда.

**Экологик бошқарув режаси (ЭБР)** – бу салбий экологик ва ижтимоий таъсирларни йўқотиш, уларни қоплаш ва мумкин бўлган даражагача камайтириш учун лойиҳани бажариш босқичида зарур бўлган, ташкилий, техник ва мониторинг тадбирларининг тўпламидир (*Жаҳон банкининг тарифи*).

Экологик бошқарув режасини тузишнинг муҳимлиги уларнинг табиатни мухофаза қилиш тадбирларига бўлган талабларни улар устидан назоратни енгиллаштирадиган ягона ҳужжат кўринишига келтиришидагина эмас. Ҳозирги замон экологик ростлаш тизимларида лойиҳаларни мақуллаш ва уларни амалга оширилиши устидан назорат маъмурий ва давлат бошқарувининг турли бўғинларида амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари лойиҳани ишлаб чиқувчи ёки унинг буютмачиси (АМБТБ учун маъсул), корхона раҳбари ёки эгаси лойиҳани амалга ошириш босқичида бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Амалиётда лойиҳа амалга ошириш босқичига ўтгандан сўнг унинг “эгаси” ўзгарганлиги туфайли АМБТБ томонидан тавсия қилинган тадбирлар бажарилмай қолган ҳолатлар кўплаб учрайди. ЭБР таъсирларни камайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш маъсулиятини лойиҳани ишлаб чиқувчи ва рухсат этувчи давлат идорасидан унинг эгаси (раҳбари) ва назорат қилувчи давлат идорасигача етказишни таъминлайдиган механизимдир.

АМБТБ ҳужжатлари таркибидаги ЭБР га қўйиладиган талаблар орасида Жаҳон банкининг талаблари энг илғор саналади. Жаҳон банкининг етакчи мутахасис экологлари ЭБР га катта аҳамият беришиб, ЭБР ни АМБТБ жараёнининг асосий якуний ҳужжати этиб қабул қилишни тавсия қиладилар.

Жаҳон банки талабларига кўра ЭБР нинг энг муҳим қисми мониторинг бўйича тадбирларни ифодалаш саналади. Атроф-

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашда қўлланиладиган мониторингга айрим ҳолларда “АМБТБ мониторинги” деб ҳам айтилади, лекин халқаро амалиётда кенг қўланиладиган “лойиҳадан кейинги таҳлил” ёки “лойиҳадан кейинги мониторинг” атамалари одатда тўғрироқ саналади ва улар қуйидаги иккита асосий вазифани бажаришга йўналтирилган фаолиятни аниқроқ баён қилади:

- лойиҳа қарорларини, шу жумладан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширилишини, тасдиқланган режага (жумладан ЭБР га) мувофиқлигини аниқлаш;
- мўлжалланаётган фаолиятнинг амалдаги таъсирларини баҳолаш ва уларни АМБТБ жараёнида башорат қилинган таъсирлар билан таққослаш.

АМБТБ лойиҳаси ҳужжатларига киритиладиган экологик бошқарув режаларига қуйидагилар киритилиши зарур:

- башорат қилинаётган потенциал аҳамиятли барча таъсирларни қисқача баёни;
- башорат қилинаётган ҳар бир таъсирни камайтириш бўйича режалаштирилаётган ҳар бир тадбир хақида тўлиқ ахборот;
- мониторинг ўтказиш ва ҳисобот бериш тартибининг баёни;
- ташкилий имкониятларни ривожлантириш ва ўқитиш тадбирларининг баёни ва мониторинг олиб бориш ва камайтириш тадбирлари маъсулиятларини тақсимланишининг баёни;
- бажариш муддатлари ва нархларни баҳолаш;
- ЭБР ни лойиҳанинг бошқа жиҳатлари билан боғлиқлиги

Лойиҳадан кейинги таҳлил ЭБРга боғлиқ бўлмаган фаолият сифатида талқин қилиниб, давлат органлари, жамоатчилик, илмий ташкилотлар, НДТ ва АМБТБ нинг бошқа манфаатдор томонлари, буюртмачи томонидан ўтказиладиган турли тадбирлар, яьни лойиҳа ва атроф-муҳит кўрсаткичлари устидан ўтказиладиган даврий ва эпизодик кузатувлар, инспекция ва аудитларни ўз ичига олади.

Лойиҳадан кейинги таҳлилни ташкил қилувчилар сифатида одатда қуйидагилар эътироф этилади:

- **амалга ошириш мониторинги** - лойиҳани амалга ошириш устидан назорат ва текширувни (жумладан, давлат назорати) назарда тутади;
- **атроф-муҳитга таъсирлар мониторинги** (аввал қабул қилинган қарорларга тузатиш киритиш учун маълумотларни тақдим қилади, ўхшаш лойиҳаларни атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш учун ахборот базасини шакллантиришга ҳисса қўшади).

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

- **лойиҳаларни атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш аудити.** Экологик аудитнинг бу тури, АМБТБ тизимининг самарадорлигини мунтазам таҳлил қилиш, жумладан, фаолият натижасида атроф-муҳитга амалда бўлаётган таъсирларни АМБТБ жараёнида башорат қилинган таъсирларга мос келишини таҳлил қилишни назарда тутади. У қандайдир маънода, атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш хатолари устида ишлашдан иборатдир ва у АМБТБ амалиёти ва методологияси ривожига сезиларли хисса қўшиши мумкин. Бундай аудит натижасида АМБТБ амалиётида йўл қўйилган жиддий камчиликлар аниқланиши ва бўлажак лойиҳалар АМБТБсини ўтказишда уларнинг олдини олишга оид тавсиялар ишлаб чиқилиши мумкин.

Лойиҳадан кейинги таҳлил усул ва шаклларининг турли туманлигини, уни ташкил қилиш ва олинган маълумотлардан фойдаланишнинг мураккаблигини ҳисобга олиб, ЭБР таркибида АМБТБ мониторингининг лойиҳадан кейинги таҳлил режасини тузиш тавсия қилинади.

Мониторинг олиб бориладиган кўрсаткичлар рўйхати имкон қадар тўлиқ бўлиши зарур бўлса-да, амалда аҳамиятли ва ўлчаб бўладиган элементларни тадқиқ қилиш билан чегараланиш маъқул саналади.

Лойиҳадан кейинги таҳлил (худди АМБТБдай) бир неча томонларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида олиб борилади. Биринчидан, бу экологик мониторинг учун масъул давлат органи билан буюртмачи фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштирилишига тааллуқлидир. Иккинчидан, лойиҳадан кейинги самарали таҳлил нафақат манфаатдор томонларга маълумотларни тақдим қилади, балки улардан олинган маълумотлардан фаол фойдаланади. Бундан ташқари, ЭБР ёки АМБТБга киритилган экологогик мониторинг режаси жамоат экологик мониторингини қўллаб-қувватлаш тадбирларини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

## 9.2. Лойиҳадан кейинги босқичларда атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашнинг лойиҳадан кейинги босқичлари расман ва услубий жиҳатдан энг кам ишлаб чиқилган жиҳатларидан биридир. Бу атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашни тарихий ривожланиши билан боғлиқ. АМБТБ ривожланишининг дастлабки босқичларда асосий эътибор фаолиятни амалга ошириш шароитлари ва имкониятларини баҳолашга қаратилган бўлса, кейинги босқичларда натижаларни

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

таъминлаш, яъни лойиҳаларни экологик талабларни бажаришларига қаратилган эди.

Эндиликда АМБТБнинг лойиҳадан кейинги босқичларида мониторинг ўтказиш талаблари атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш тизимлари яхши ривожланмаган давлатларда ҳам етарли даражада оммалашган. Экологик бошқарув режасини АМБТБга киритиш талаблари кўпчилик давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг АМБТБ тизимларида мавжуд. Бу нарса ҳозирги кунда ташкил қилинаётган тизимлар АМБТБнинг лойиҳадан кейинги босқичларини муҳимлигига алоҳида эътибор беришларига олиб келди.

Баъзи мамлактлар миллий қонунчиликларида АМБТБнинг лойиҳадан кейинги босқичларига қўйиладиган талаблар аниқ ёритилган. Масалан, Болгария АМБТБ миллий тизимида АМТБдан ўтган лойиҳалар атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш натижалари бўйича экологик аудитдан ўтказилади, Чилида эса лойиҳа маъқуллангач беш йилдан сўнг экологик объект (корхона)нинг эгаси (раҳбари) ўз ҳисобидан мустақил, холис экологик аудит ўтказиши ва унинг натижаларини давлат органларига тақдим қилиши шарт. Бунда корхона ушбу жараёнга экологик аудит соҳасида ихтисослашган учта фирмани муқобил тарзда таклиф қилади, давлат органи эса улардан бирини танлайди ва аудитор сифатида таъминлайди.

Бундай ёндошувларни қўллаш амалиётидаги тажрибалар унча катта бўлмаганлиги боис уларни барча АМБТБ тизимларида кенг қўллашга тавсия қилиш қийин. Бунинг учун амалдаги тизимларнинг самарадорлиги аниқ исботланган бўлиши лозим.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

# 10-БОБ. АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛАДИГАН ТАЪСИРЛАРНИ СТРАТЕГИК БАҲОЛАШ

## 10.1 Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни стратегик баҳолашнинг предмети ва мақсадлари, стратегик режалаштириш

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни стратегик баҳолаш (АМБТСБ) таклиф қилинаётган стратегик сиёсат, режа ва дастурларнинг экологик омиллари ва эҳтимолдаги экологик оқибатларини тизимли аниқлаш ва ҳисобга олиш жараёнидир.

Сиёсат, режа ва дастурлар АМБТСБнинг предмети ҳисобланади. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни стратегик баҳолаш доирасида бу тушунчаларнинг тўлиқ асосланган ва оммавий эътироф этилган таърифлари мавжуд эмас. Умуман олганда “сиёсат, режа ва дастурлар” аниқ бир объект лойиҳаси доирасидан ташқарига чиқадиган барча ташаббусларнинг йиғиндисини ифодалайди. Одатда улар ўртасида иерархик муносабатлар мавжуд бўлиб, сиёсат даражасида қабул қилинган муҳим умуммиллий қарорлар режа ёки дастур доирасида маълум қарорларни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, сиёсат маълум мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг умумий мақсад ва тамойилларни белгилаб берлиши учун ҳужжат бўлиши мумкин. Режа маълум сиёсатни аниқ муддатларда амалга оширишга йўналтирилган ўзаро боғлиқ вазифалар тизими, дастур эса географик, соҳавий ёки бошқа умумий жиҳатларига кўра бирлаштирилган бир неча лойиҳаларни ўз ичига олади. Ушбу пирамиданинг энг қуйи даражаси сифатида аниқ қарорлар қабул қилинадиган аниқ лойиҳалар эътироф этилади.

Умумий ҳолда қуйидагилар АМБТСБ предмети бўлишлари мумкин:

- қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, жумладан, халқаро келишувлар;
- айрим соҳаларнинг ривожланиш режалари;
- бир неча минтақа ёки соҳалар доирасида муайян муаммони ечишга йўналтирилган мақсадли дастурлар;
- ҳуқуқий режалар ва ривожланиш схемалари;
- ердан фойдаланиш схемалари.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни стратегик баҳолаш қуйидаги асосий мақсадларга эришишга хизмат қилади:

1) **Лойиҳа даражасидаги АМБТБ учун чекловлар ва уларнинг камчиликларини бартараф қилиш, АМБТБ учун мос муҳитни яратиш.**

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Лойиҳа даражасида атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолашдаги энг аҳамиятли чеклашлар мўлжалланаётган фаолият юзасидан АМБТБни бажариш вақтигача қабул қилиндиган қарорларга боғлиқ саналади.

АМБТСБ эса бундай қарорларни уларни қабул қилишдан олдин баҳолашга имконият яратади. АМБТСБни олиб бориш тартиби энг муҳим муқобил вариантларни тизимлаштиришга, шу билан бирга улардан манфаатдор томонларни хабардор бўлишига имкон беради.

**2. Алоҳида лойиҳа даражасида кўрилиши қийин ёки умуман имкони бўлмаган таъсирларни ҳисобга олиш**

Бу кумулятив таъсирлар, яъни режа ёки дастур доирасида амалга оширилaдиган бир неча алоҳида лойиҳалар оқибатида юзага келадиган умумий ифлосланишни баҳолаш ёки аниқ лойиҳаларга ўхшамайдиган ташаббуслар (*масалан, табиатдан фойдаланишни бошқариш тизимини ўзгартирадиган меъёрий ҳуқуқий ҳужжат*) даражасидаги таъсирларни ҳисобга олиш бўлиши мумкин.

**3. Барқарор ривожланишга ёрдам бериш**

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни стратегик баҳолаш ривожлантириш мақсадларини аниқлашда экологик нуқтаи назардан ёндошувни таъминлаши туфайли умумбашарий ёки минтақавий экологик муоммоларни олдини олиш ёки уларни бартараф этишга хизмат қилади ва бу билан барқарор ривожланишни таъминлашга кўмаклашади.

## 10.2 АМБТСБ тамойиллари ва уларни ташкил қилиш

АМБТСБ тамойиллари лойиҳаларни атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш билан ўхшашдир.

Атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни стратегик баҳолашнинг умумий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- Сиёсат, режа ёки дастурларнинг экологик жиҳатларини баҳолаш учун масъул - уларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш ташаббускори бўлган ташкилотлардир.
- баҳолаш жараёни вақтлироқ, яъни СРД лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида бошланиши зарур;
- баҳолаш масштаби атроф-муҳитга бўладиган потенциал таъсирнинг масштабига мос келиши зарур;
- баҳолашнинг мақсад ва вазифалари аниқ-равшан белгиланиши шарт;
- мақсад ва вазифаларни амалга оширишда муқобил вариантларнинг атроф-муҳитга таъсирлари ўрганилиши шарт;

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

- ижтимоий-иқтисодий ва бошқа омиллар кўриб чиқилиши зарур;
- таъсирларнинг аҳамиятлилиги ва мумкинлигини баҳолаш экологик сиёсатнинг мақсадлари ва амалдаги стандартларга асосланган бўлиши шарт;
- жамоатчилик иштироки учун имкониятлар яратилган бўлиши шарт;
- баҳолаш, унинг натижалари ва қабул қилинган қарорлар хақидаги маълумотлар (маълумот махфийлиги расман белгиланган ҳолатлардан ташқари) барча учун очиқ бўлиши лозим;
- СРДни амалга ошириш натижаларини баҳолаш ва уларнинг устидан мониторингини амалга ошириш;
- АМБТСБ жараёнини ҳолис баҳолаш, уни мавжуд талабларга мослиги ва самарадорлигини таъминлайдиган механизм бўлиши лозим;

Ҳудудни ривожлантириш ёки ердан фойдаланиш режаларининг атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни стратегик баҳолашнинг ҳужжатлари сифатини белгиловчи мезонлар уйидагилар бўлиши мумкин;

- ҳужжатларда режани амалга ошириш натижасида таъсир остига тушадиган атроф муҳит компонентларининг баёни бўлиши ва бунда асосий эътибор атроф муҳитнинг энг муҳим ва нозик компонентларига қаратилиши лозим;
- ҳужжатлар режанинг атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш билан боғлиқ мақсадларини таҳлил қилиши ва режа ва унинг муқобилларини амалга оширишда юз берадиган оқибатларни баҳолаш учун мезон ва кўрсаткичлар тизимини тавсия қилиши лозим.
- потенциал, шу жумладан кумлятив таъсирлар мунтазам баҳоланиши ва башорат қилиниши лозим;
- ҳужжатлар мазкур режа доирасида амалга ошириладиган алоҳида лойихаларни экологик баҳолаш жараёнида АМБТСБ натижаларидан фойдаланиш тўғрисидаги тавсияларни ўз ичига олиши олиши лозим.
- АМБТСБ хулосаларини олишда фойдаланилган усуллар ифодаланиши ва тушунтирилиши, ҳамда жамоатчилик иштироки натижалари баён қилиниши лозим.
- атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни стратегик баҳолаш хужжатлари барқарор ривожланиш режасини баҳолашга хисса қўшиши лозим.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

Умуман олганда АМБТСБ ни олиб бориш тартиби ва усуллари баҳолаш лозим бўлган стратегик ташаббуснинг табиатига боғлиқ саналади.

Generated by Foxit PDF Creator © Foxit Software
http://www.foxitsoftware.com For evaluation only.

# 11-БОБ АТРОФ-МУҲИТИГА БЎЛАДИГАН ТАЪСИРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

Режалаштирилаётган фаолиятнинг атроф-муҳитга, шу жумладан сув муҳитига бўладиган таъсирларини баҳолаш учун баҳолаш ўтказилиши лозим бўлган ҳудудда амал қилувчи қонуний ва институционал асослар мавжуд бўлиши лозимдир. Ўзбекистон Республикаси шароитида атроф-муҳитига бўладиган таъсирларини баҳолаш учун қуйидаги қонуний ва меъёрий ҳужжатлар қонуний асос бўлиб хизмат қилади:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлар

1. "Табиатни мухофаза қилиш тўғрисида" ги қонун. 9 декабр 1992 йил

   *Табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни мухофаза килининг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий асослари ёритилган. У фуқароларни қулай муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлаш учун хизмат қилади.*

1. "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида" ги қонун. 6 май 1993 йил

   *Сув ресурслари ва улардан фойдаланиш тартиби, сув ресурсларини муҳофаза қилиш, сув объектлари аҳволини яхшилаш, сувдан фойдаланувчиларнинг сувга оид муносабатлардаги ҳуқуқларини ҳимоялаш каби масалалар ёритилган*

2. "Экологик экспертиза" тўғрисидаги қонун 25 май 2000 йил

